




**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ  
ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**ЯКУБОВА МАРҲАБО ЮСУФОВНА**

**УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ  
ЎҚУВЧИЛАРИДА  
КРЕАТИВЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШ**

**монография**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
ИНСТИТУТИ**

**ЯКУБОВА МАРҲАБО ЮСУФОВНА**

**УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИДА  
КРЕАТИВЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШ**

**монография**

**ЧИРЧИҚ– 2022**

Ушбу монография Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти кенгашининг 2022 йил 28 январдаги № 10-сонли мажлисида муҳокамасидан ўтказилган ва тасдиқланган.

Монография мазмуни халқ ҳунармандчилиги, миллий меъморчилик намуналарининг фалсафий, психологик ва тарбиявий жиҳатларини англаш, мазмун моҳиятини чуқур билиш, ҳунармандчилик турлари халқ ҳаётининг бевосита ифодаси бўлиб, халқимизнинг ижтимоий ҳаёт ҳақидаги тушунчаларини, унинг юксак дидини, эстетик қарашларини ва шу билан бирга ахлоқий тарбия билан боғлиқ муҳим қирраларини ўзида акс эттириш, умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг “Технология” ва бошқа фанларни ўзлаштириш жараёнида креативлик сифатларига эга бўлишини таъминлаш ва уни ривожлантиришда уларнинг шахсий қобилиятлари, табиий ва ижтимоий қувватини, касбий фаолиятни сифатли, самарали ташкил этишга йўналтирилган.

Ушбу монографияда умумтаълим мактаблари ўқувчиларида креативликни такомиллаштиришнинг зарурлиги масалалари, умумтаълим мактабларида илмий-амалий билимларини чуқурлаштириш таълим-тарбия самарадорлигини сифат босқичига кўтариш фикрлари баён этилган бўлиб, ундан мактаб ўқитувчилари, илмий тадқиқотчилар, докторантлар, магистрлар фойдаланишлари мумкин.

### **Муаллиф:**

**Якубова М.Ю.** – “Технологик таълим” кафедраси ўқитувчиси

### **Такризчилар:**

**Жўраев А.Р.** – Бухоро давлат университетининг Педагогика Институти Педагогик таълим факультети декани, п.ф.ф.д (PhD), доценти

**Абдалова С.Р.** – ТВЧДПИ. Педагогика факультети “Умумий Педагогика” кафедраси п.ф.н доценти

## МУНДАРИЖА

	КИРИШ.....	4-5
	<b>I-БОБ. УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИДА ШАКЛЛАНТИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ</b>	
§1.1.	Умумтаълим мактаблари ўқувчиларида креативликни шакллантиришнинг (“Технология” мисолида) назарияси ва амалиёти.....	6-18
§1.2.	Мактаб ўқувчиларида креативликни шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари.....	19-31
§1.3.	Ўқувчиларда креативликни шакллантиришни такомиллаштириш тизими .....	32-44
	I - боб бўйича хулоса .....	45-46
	<b>II-БОБ. МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИДА КРЕАТИВЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МЕТОДИКАСИ</b>	
§2.1.	Умумтаълим мактаблари ўқувчиларида халқ ҳунармандчилиги асосида креативликни шакллантиришни такомиллаштириш методикаси.....	47-64
§2.2.	Ўқувчиларда креатив фикрлаш кўникмасини шакллантириш методикаси.....	65-83
§2.3.	Ўқувчиларда халқ ҳунармандчилиги асосида креативликни шакллантиришга йўналтирилган методлар тизими ҳамда уни баҳолаш кўрсаткичлари.....	84-119
	II-боб бўйича хулоса .....	120-121
	<b>ХУЛОСАЛАР</b>	122
	<b>МЕТОДИК ТАВСИЯЛАР</b>	123
	<b>ГЛОССАРИЙ</b>	124-127
	<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати</b>	128- 136

## КИРИШ

Жаҳонда “Lifelong learning” таълим дастурлари бўйича таълим олувчиларнинг креатив фикрлаш кўникмаларини шакллантириш муаммолари педагогика назарияси ва амалиётида долзарб ҳисобланади. ЮНЕСКОнинг таълим, фан ва маданият масалаларига оид “Техникавий ва касб-хунар таълими тўғрисида” ги Конвенциясига (Convention on Technical and Vocational Education) мувофиқ глобаллашув шароитида меҳнат бозори талаблари асосида таълим хизматларининг инновацион технологияларини яратиш ва амалиётга жорий этиш орқали таълим олувчиларнинг касбий фикрлаши ва ижодий яратувчанлик қобилиятларини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Халқаро педагогик амалиётда таълим олувчиларнинг шахсий муҳим сифатларини шакллантириш ва ривожлантириш муҳим ўрин эгаллайди. Шунингдек умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг креатив фикрлаш кўникмалари муҳим ҳисобланади. Бунда уларнинг ўқув мотивацияси, мустақил фикрлаш, ижодкорлик ва ўз-ўзини фаоллаштириш каби когнитив ва рефлексив қобилиятларини шакллантириш жараёнида замонавий дидактик воситалар ва электрон ахборот ресурсларидан самарали фойдаланиш интегратив техник билим ва кўникмаларини ривожлантиришга хизмат қилади.

Мамлакатимиз таълим тизимида компетенциявий талабларга жавоб берадиган мустақил ва эркин фикрлайдиган, рақобатбардош кадрларни тайёрлаш тизими ислоҳ қилинмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш”<sup>1</sup>

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.// Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. –Т., 2017. –Б.39.

устувор вазифалардан бири этиб белгиланган. Шу сабабли умумтаълим мактабларининг 8-9-синф ўқувчиларида халқ ҳунармандчилиги асосида ўқувчиларда креатив фикрлаш кўникмасини шакллантириш ва ривожлантиришнинг амалдаги методлари ва воситаларини такомиллаштириш ҳамда амалиётга жорий этиш борасидаги илмий-амалий тадқиқотларни амалга оширишни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги “Ҳунармандчиликни янада ривожлантириш ва ҳунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5242-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Халқаро ҳунармандчилик фестивалини ўтказиб боришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2019 йил 3 октябрдаги ПФ-5841-сон Фармони, “Ҳунармандчиликни янада ривожлантириш ва ҳунармандларни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги 2019 йил 28 ноябрь, ПҚ-4539-сонли қарорларида мамлакатимизда миллий ҳунармандчилик, халқ бадийи ва амалий санъатини ривожлантириш, шу орқали халқимизнинг бой маданий мероси ва тарихий анъаналарини тўлиқ сақлаб қолиш, ҳунармандчилик йўналишлари бўйича илмий-тадқиқот ишларини амалга оширишга кўмаклашиш ва кадрлар тайёрлашни тизимли йўлга қўйиш каби вазифалар мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлашда мазкур тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

# **I-БОБ. УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИДА КРЕАТИВЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ ЖИХАТЛАРИ**

## **§1.1. Умумтаълим мактаблари ўқувчиларида креативликни шакллантиришнинг (“Технология” мисолида) назарияси ва амалиёти**

Жамиятимиз тараққиётининг муҳим шарти кадрларни тайёрлаш тизимининг мукамал бўлиши, замонавий иқтисод, фан, маданият, техника ва технологиялар асосида юксалишида умумтаълим мактабларида фанларни, жумладан, “Технология” фанини ўқитишни замонавий илмий фикрлар ютуқлари ва ижтимоий тажрибалар, таълим жараёнининг ҳамма босқичларида илғор методик тажрибаларга таянган ҳолда амалга оширилиши билан характерланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2019 йил 23 август куни халқ таълими тизимини ривожлантириш, педагогларнинг малакаси ва жамиятдаги нуфузини ошириш, ёш авлод маънавиятини юксалтириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида, “Таълим-тарбия соҳасида замонавий ва оқилона тизим яратиш, ўқитиш методлари, таълим стандартлари, дарслик ва ўқув қўлланмаларини янгилаш зарурлиги, билим беришда илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш, тарбияда эса миллий анъана ва қадриятларга суяниш муҳимлиги қайд этилганлиги ҳам фикримизнинг яққол далилидир [150].

Тадқиқот иши мавзуси доирасида педагогик илмий-амалий таҳлиллардан, умумтаълим мактабларида ўқитиладиган “Технология” ўқув предмети 1-синфдан-9-синфгача узлуксиз ўқитилиши, фан мавзулари таркибига кўра, ўқувчиларда креативликни шакллантириш имконияти бошқа фанларга нисбатан юқорилиги, айниқса, халқ ҳунармандчилигини мукамал ўрганиш бугунги кунда долзарб эканлиги аниқланди.

“Ҳунармандчиликни янада ривожлантириш ва ҳунармандларни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги 2019 йил 28 ноябрь, ПҚ-4539-сонли қарорида, ҳунармандчиликни янада

ривожлантиришнинг асосий йўналишлари [2] жумладан, хунармандчилик соҳасида янги лойиҳаларни амалга ошириш, йўқолиб бораётган хунармандчилик турларини тиклаш ва ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга эканлиги қайд этилиши ниҳоятда муҳим масала. Зеро, миллий тарбияда халқ хунармандчилиги муҳим аҳамият касб этади.

Хунармандчиликнинг қадимий даврлардан кенг тарқалган соҳалари мавжуд бўлиб, темирчилик, дегрезлик, пичоқчилик, қулфчилик, заргарлик, зардўзлик, дурадгорлик, ўймакорлик, харротлик, сандиқчилик, наққошлик, попопчилик, гиламдўзлик, бешикчилик, дўппичилик, ганчкорлик, сангтарошлик, кулолчилик, кошинчилик, кўнчилик, чармгарлик, маҳсидўзлик, этикдўзлик, қандолатчилик шулар жумласига киради.

Миллий хунармандчилик таниқли этнограф И.Жабборовнинг таъкидлашича, темирчилик ривожланиши билан мустақил соҳалар юзага кела бошлаган. Масалан, ўзбек пичоғини пичоқчилар, қулф-калитни қулфчилар, игна-бигизни игначилар, рўзғорда зарур бўлган буюмларни чилангар, михгар, тақачилар ясаганлар. Ўзбек заргарлари ясаган ноёб қимматбаҳо безаклар дунёда машҳур. Ёғоч буюмларини яшаш хунармандчилигини дурадгорлар амалга оширган, бунда ўймакорлик алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Шунингдек, уй-рўзғор буюмларини ясайдиган уста-харротлар, эгарчи, тароқчи,элакчи усталар ҳам бўлган. Маҳаллий дурадгор усталар миллий муסיқа асбоблари ясаганлар. Қурилиш ишлари билан шуғулланувчи усталарни гилкор(ғишт қуювчи), сувоқчи, пахсакаш деб атаганлар. Махсус меъморлар, яъни моҳир сувоқчи ва ганчкорлар миллий меъморчилик санъатини эгаллаб, мачит, мадрасалар, минора ва кўшклар қурганлар. Сабртоқат ва оғир меҳнат талаб қиладиган бадий амалий санъат соҳаси тош ва суяк ўймакорлиги, яъни тоштарошлик ва сангтарошлиқдир. Сангтарошлар асосан мрамор устунлар ясаганлар. Кулолчилик энг қадимий ва оммавий хунармандчилик тури бўлиб ҳисобланган. Рангли, сирланган ғишт тахталарни ясовчи усталар кошинлар деб номланган, улар қурувчи бўлсалар ҳам кулолчилик асбобларидан фойдаланганлар. Тандирларни тандирчилар



ясаганлар, теридан пўстин ва бош кийим тиккан усталарни пўстиндўз, телпақдўз деб атаганлар. Шунингдек, кўн ва чармдан оёқ кийим ва турли буюм ясаганларни чармгар, этиқдўз, маҳсидўз, кавушдўз деб номлаганлар.

Тўқимачилик ва ипақчилик касби ҳам турли соҳаларга бўлинган. Пиллани чуватиш билан пиллакашлар шуғулланганлар, газлама ва ипларни бўёқчи, рангрёз усталар бўяганлар, сўнгра абрбанд усталар унга нақш чизганлар. Каштачилик ўзбекларнинг энг севимли касби бўлса, дўппи каштачилиги ўзбек халқининг ғурури ҳисобланади, юртимиздаги ҳар бир жойнинг дўпписи ўзаро фарқланади. Ўзбек миллий ширинликларини тайёрлайдиган усталар қандолатчи, ширапаз, ҳолвагар, шакарпаз деб аталган. Шунингдек, қассоблик, ошпазлик, новвойлик касблари ҳам машҳур бўлган. Гидамдўзлик, кигиз босиш, сават ва бўйра тўқиш ҳам амалий санъатнинг ноёб турларидан ҳисобланган [59; 214- б.].

Металл буюмларга ўйиб нақш ишлаш касби - қандакорлик, мисдан турли буюмларни яшаш мисгарлик касби деб аталган. Энг серҳашам бадий амалий санъат касби зардўзлик ҳисобланган. Зарбоф кийимлар ва зардўзлик касби ҳақида жуда ҳам кўп археологик ва тарихий маълумотлар мавжуд бўлиб, улар ўзбек халқининг узок тарихий тараққиётида бой анъаналарга эга бўлган халқ амалий санъати маданий меросимизнинг ёрқин намуналарига айланган. Халқ амалий санъати касб-ҳунар билан чамбарчас боғлиқ. Юқоридаги маълумотлардан келиб чиқиб, ота-боболаримиздан 150дан зиёд ҳунар турлари бизгача мерос бўлиб келганлигига амин бўлдик.

Халқ ҳунармандчилиги, миллий меъморчилик намуналарининг фалсафий, психологик ва тарбиявий жиҳатларини англаш, мазмун моҳиятини чуқур билиш зарурдир. Чунки ҳунармандчилик турлари халқ ҳаётининг бевосита ифодаси бўлиб, халқимизнинг ижтимоий ҳаёт ҳақидаги тушунчаларини, унинг юксак дидини, эстетик қарашларини ва шу билан бирга ахлоқий тарбия билан боғлиқ муҳим қирраларини ўзида акс эттиради. Шунингдек, халқимизнинг узок тарихи, урф-одатлари, кенг дунёқараши, орзу-умидларини ҳам бутун улуғворлиги ва теранлиги билан намоён этиб,

улар ҳақида кенг ва чуқур билим беради ва маънавий-ахлоқий кадриятларга, касб-хунарга қизиқиш уйғотишда муҳим манба ҳисобланади.

Халқимиз хунар эгаларини қанчалик ардоқлаган ва юксак баҳолаган бўлса, ахлоқий етуклик, касбга ҳурматни ҳам шунчалик юқори ўринга қўйган. Халқ амалий санъатига, шу орқали хунар эгаллашга қизиқишни уйғотиш ахлоқий тарбия билан уйғунликда олиб борилганлиги туфайли диёримизда ўзбек маданиятига улкан ҳисса қўшган қанчадан-қанча йирик мутафаккирлар, олимлар, илму фан, санъат ва адабиёт намоёндалари етишиб чиққан.

Манбаларда берилишича, ёшларни хунарманд бўлишга одатлантириш, кизиқтириш, йўллаш ва ундаш энг аввало оиладан бошланади. Хунар ўргатиш орқали ахлоқий тарбиялаш ҳам аввало оилада кейинчалик таълим муассасаларида давом этади. Оиладаги катталар ёшларни хунар ўрганишга йўналтириш, уларнинг хунарни эгаллаётганларини синчиклаб кузатиб бориши ва манзур бўлган ишлари учун рағбатлантириб, мақтаб, мукофотлаб туришлари ҳақида жуда кўп маълумотларни олиш мумкин. Зеро, халқ ўтмишида айтилган ахлоқ-одоб, хунар ҳақидаги фикрларни давр элагидан саралаб ўтказиш, дурдоналарини ардоқлаб, келажак авлодга узатади. Демак, халқ амалий санъати намуналари ёшларда касб-хунарга меҳр уйғотиш ҳамда меҳнатсеварлик ҳиссини сингдириш воситаси бўлиб қолаверади.

Маълумки, юртимиздаги тарихий обидалар, миллий меъморчилик намуналари улкан аҳамиятга эга бўлган ёдгорликдир. Уларнинг ҳар бири миллий бойлигимиз, миллий ўзлигимизни англашиб турувчи тарихий хотира, сабоқ, одобномалардир. Ана шу халқ дурдоналари жаҳон меъморчилиги тарихида ўзларининг бадий қадр-қиммати, обрўсига кўра Миср, Ҳиндистон, Эрон, антик Юнонистон ва қадимги Римдаги машҳур меъморчилик ёдгорликлари билан ҳақли равишда бир қаторда туради. Бу обидалар бир неча асрлардан бери вақт синовларига бардош бериб келаётганлиги, бетакрор безаклари ва салобати билан жаҳон халқларини мафтун қилиб келинмоқда. Ёш авлод ниҳоятда юксак ақл-заковат маҳсули бўлган бундай архитектура

ансамбллари, маҳобатли биноларни кўриб, улардаги мислсиз гўзалликни ҳис қиладилар. Ҳунарманд усталар ишини кўриб, ҳунар ўрганишга янада қизиқиши ортади. Шунингдек, бундай монументал қурилишлар, мажмуа ва ёдгорликлар ёшларни ахлоқий тарбиялашда муҳим манба ҳисобланади.

Аждодларнинг меъморчилик қобилятидан фахрланиш ҳисси Ватанни севишга, ватанпарварлик ҳиссининг уйғонишига олиб келади.

Ватанпарварлик эса ахлоқий тарбиянинг бош мезонидир. Юртимиздаги ҳар бир тарихий меъморчилик обидалари ўзига хос мураккаб архитектура асосида қурилган ва жуда катта меҳнат сарфланган. Амалий безак санъати турларидан Ўзбекистонда кенг тарқалган соҳаси - бўёқли расмлар чизишдир. Одатда, бу соҳа икки хилда: ганч сувоқли деворга расм чизиш ва ёғоч буюмларга рангли нақш беришдан иборат. Мазкур ҳунарни наққошлик санъати деб атайдилар. Ўтмишда юксак дид билан бунёд этилган нақшли мухташам бинолар ҳозиргача кишини ўзига мафтун қилиб келмоқда. Ниҳоятда бой, мазмунли миллий нақшларимиз турар жой ва йирик иморатларнинг девор ҳамда шифтларида, оддий идиш-товоқда, сандиқ ва кўрпачалар, беланчак, бешик, чолғу асбоблари ва бошқа буюмларда жиловланиб инсонни ҳайратга солади.

Демак, халқ ҳунармандчилиги, миллий меъморчилик намуналарининг фалсафий, психологик ва тарбиявий жиҳатларини англаш, мазмун моҳиятини чуқур билиш зарурдир. Чунки юқорида таъкидланган ҳунармандчилик турлари халқ ҳаётининг бевосита ифодаси бўлиб, халқимизнинг ижтимоий ҳаёт ҳақидаги тушунчаларини, унинг юксак дидини, эстетик қарашларини ва шу билан бирга ахлоқий тарбия билан боғлиқ муҳим қирраларини ўзида акс эттиради. Шунингдек, халқимизнинг узоқ тарихи, урф-одатлари, кенг дунёқараши, орзу-умидларини ҳам бутун улуғворлиги ва теранлиги билан намоён этиб, улар ҳақида кенг ва чуқур билим беради ва маънавий-ахлоқий кадриятларга, касб-ҳунарга қизиқиш уйғотишда муҳим манба ҳисобланади. Шунинг учун, мамлакатимизда миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш, ҳунармандчилик соҳасида янги лойиҳаларни амалга

ошириш, йўқолиб бораётган ҳунармандчилик турларини тиклаш борасидаги вазифалар Президент Фармонлари ва қарорларида белгилаб берилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маданият вазирлиги ва Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги “Ҳунарманд” уюшмаси билан биргаликда, 2020-2021 ўқув йилидан бошлаб ҳунармандчиликка ихтисослашган ҳудудларда ҳунармандчилик ва халқ амалий санъати йўналишлари бўйича болалар мусиқа ва санъат мактаблари, “Баркамол авлод мактаблари” ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тасарруфидаги касб-ҳунарга ўқитиш марказларида ўқув курсларини ташкил этиш каби масалалар. Шундай долзарб вазифаларни бажаришга ҳисса қўшиш мақсадида “Технология” фани негизида халқ ҳунармандчилигини ёш авлодга чуқур ўргатиш, келажакка халқ ҳунармандчилиги соҳаси бўйича миллий ижодкор кадрларни тайёрлаш масалалари тадқиқ этилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2017-йил 6-апрелдаги 187-сонли қарорида [5] умумий ўрта таълим тизимини мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, ривожланган хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибалари ҳамда илм-фан ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларига асосланган ҳолда ташкил этиш, маънавий баркамол ва интеллектуал ривожланган шахсни тарбиялаш кўзда тутилган. Унда, миллий, умуминсоний ва маънавий қадриятлар асосида ўқувчиларни тарбиялашнинг самарали шакллари ва усулларини, ўқув-тарбия жараёнига педагогик ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш каби вазифалар ҳамда, умумий ўрта таълимнинг таянч ўқув режаси умумий ўрта таълим муассасаларида ўқитиладиган ўқув фанлари номи, ўқув юкламасининг минимал ҳажми ҳамда уларнинг синфлар бўйича тақсимоти белгиланган. Ушбу ҳужжатга кўра, “Технология” ўқув предмети 1-синфдан

9-синфгача ўқитилиши, 1-2-3-4-синфларда ҳафтасига 1 соат, 5-6-7-синфларда эса ҳафтасига 2 соатдан ўқитилиши белгилаб қўйилган.

Ушбу фаннинг ўқув дастурлари таҳлил қилинганда, “Халқ хунармандчилиги“ бўлими мавзулари асосан, 8-9-синфларда ўқитилиши, бўлимни ўқитишда умумий ўрта таълимнинг мазмуни, шакли, воситалари ва усуллари танлашда инновация технологияларига асосланиши, ҳамда ўқувчиларда фанни ўрганиш ва таълим олишни давом эттириш учун умумий компетенцияларни ривожлантиришнинг таъминланиши зарурлиги каби талабларнинг бажарилиши ҳолати ўрганилди.

Инсон эҳтиёжларининг ортиши, унинг фаолияти мураккаблашиши ва илмий-техник тараққиёт туфайли имкониятларининг кенгайиш жараёнида касб доирасида меҳнатни табақалаштириш зарурияти юзага келди. Меҳнатнинг касб ичида бундай бўлиниши натижасида мутахассисликлар вужудга келди. “Мутахассислик касбий меҳнатдаги ишларнинг нисбатан тор доирасини ўз ичига олган касбий фаолият туридир”. Ишчиларнинг мутахассислиги қўлланилаётган меҳнат куруллари (токарлик, винт қирқиш, токарлик автомати ва бошқалар), меҳнат усуллари (эркин тоблаш, темирчиликда штамплаш) ва меҳнат маҳсулотлари (асбоблар тайёрлаш, машиналарни таъмирлаш ва ҳоказо) га боғлиқ ҳолда аниқланади [90]. Назарова Барно Алижон қизи, бўлажак ўқитувчиларда креатив ёндашув асосида тадқиқотчилик лаёқатини тарбиялаш [15]. Қўйсинов Одил Алмуратович, компетентли ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий-педагогик ижодкорлигини ривожлантириш технологиялари [41]. Бабаджанов Салоҳиддин Сабитджанович, педагогика олий таълим муассасалари ўқувчиларининг медиакомпетентлигини ривожлантириш [8], Ибрагимова Гулсанам Нематовна, интерфаол ўқитиш методлари ва технологиялари асосида Ўқувчиларнинг креативлик қобилиятларини ривожлантириш [13], Арипджанова Альфия Равильевна, развития креативного потенциала педагогов высших образовательных учреждений в условиях [6]. Алавуединова Надира Ганиевна, она тили дарсларида ижодий

фикрдаш кўникмасини шакллантириш методикаси (5-синф мисолида) [7]. Жалолова Дилафрўз Фаттоховна, махсус фанларни ўқитишда ўқувчиларнинг мустақил ва ижодий фаолиятларини ривожлантириш [11]ни илмий тадқиқ этганлар.

Бирор бир соҳадаги касб эгасининг фаолиятини тавсифловчи энг кенг тушунча - бу “ихтисослик” ҳисобланади. “Ихтисослик - бирор-бир турдаги меҳнатга яроқлилик, тайёргарлик даражасидир” [18]. Ихтисослик - бу мутахассиснинг касбий ўқиганлиги даражаси ва тури, унда маълум бир ишни бажариш учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг мавжудлиги ҳисобланади. Ихтисослик касбий вазифаларни бажариш учун зарур бўлган махсус билимлар, кўникмалар, малакалар ва тавсифлар билан ифодаланади ҳамда касбий муҳим хусусиятлар сифатида белгиланади.

Бугунги кунда ижодкорлик, яратувчанлик, янгилик яратишга қаратилган фаолият - креатив фаолият деб тушунилади. Креативлик сўзи (инглизча “креате” – яратувчанлик, ижодкорлик) сўздан олинган бўлиб, инсон шахсининг ижодкорликка бўлган қобилияти, ижодкорлик истеъдод даражаси, индивиднинг анъанавийлик ёки одат тусига кирган фикрлаш схемасидан узоқ бўлган, принсипиал янги ғояларни яратишга тайёрликни характерловчи, шунингдек, муаммоларни ўзгача тарзда бартараф этиш, иқтидорнинг мустақил фактори сифатида қабул қилинган ижодий қобилиятларидир [23].

Креатив шахс бўлиш, бизнинг мисолимизда эса, креатив ўқувчи бўлиш – бугунги таълим олиш фаолиятида афзалликларга эга бўлиш, масалан, бошқа ўқувчилар ичида ажралиб туриш, бошқаларга қараганда қизиқ суҳбатдош бўлиш, мураккаб мавзуларни ўзлаштириш, таълимда учрайдиган қийинчиликлардан чиқишда ноодатий тарзда йўл топиш демакдир.

Креатив қобилиятларни фақат янги ғояларни яратишгина учун эмас, балки ҳаёт тарзининг, ёки алоҳида олинган аспектларни яхшилаш учун қўллаш ва шахснинг ички дунёси ривожланишида муҳим ўрин тутди.

Креативлик ахборотни ёдда сақлаш ва фактларни йиғишга асосланганлиги туфайли анъанавий таълим системаси ҳар доим ҳам ўқитишда креатив ёндошувга асос бўла олмайди. Бу ҳолат шахсга йўналтирилган таълимнинг, хусусан ўқувчининг креативлик қобилиятини ривожлантиришга қодир эмас. Кундалик ҳаёт тарзи кўпинча шахснинг креатив хусусиятларининг пасайишига сабаб бўлади. Шу туфайли, креатив қобилиятларнинг ривожланиши учун фақат махсус ташкил қилинган муҳит бўлиши лозим.

Педагогик креативлик – педагогнинг анъанавий педагогик фикрлашдан фарқли равишда таълим ва тарбия жараёнини самарадорлиги таъминлашга хизмат қилувчи янги ғояларни яратиш, шунингдек, мавжуд педагогик муаммоларни ижобий ҳал қилишга бўлган тайёргарлигини тавсифловчи қобилияти [ 91].

Педагогнинг креативлик сифатларига эга бўлмаслиги туфайли ўқувчилар ҳам қизиқарли ва ажойиб ғояларга эга бўлсалар-да, бироқ, уларни ифодалашда сусткашликка йўл қўяди. Бунинг сабабли таълим жараёнида қўлланилаётган методлар ўқувчиларда эркин, мустақил фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилмаслиги билан белгиланади.

Касбий фаолият самарадорлигини баҳолашда педагогнинг ижодкорлиги – креатив потенциали даражасини баҳолаш муҳим аҳамиятга эга. Америкалик олим Д.Векслер “Креативлик фикрнинг шундай турики, у шахсга бир муаммо ёки масала юзасидан бирданига бир нечта ечимлар пайдо бўлишини тақозо этади ва шаблонли, зерикарли фикрлашдан фарқ қилиб, нарса ва ҳодисалар моҳиятидаги ўзига хослик, ноёблик сифатларини англашга ёрдам беради” - деб таъриф беради [128].

А.Маслоу ҳам креативликни - барчага хос туғма ижодий йўналиш, атроф муҳитнинг таъсирида кўпчиликда йўқолиб кетувчи фаолият деб ҳисоблаган [87].

Америкалик психолог олим Дж Пол Гилфорд ўзининг илмий тадқиқот ишларида креативлик ва интеллектни биринчи маротаба таққослади. У

интеллект структураси моделини яратишда тафаккурни конвергент ва дивергент турига ажратди [125].

*Конвергент тафаккур* - (лотинча *convergere* – “бир йўлдан”) тафаккур формаси бўлиб, муаммонинг бир қанча ечимларидан фақат ягона тўғриси танлашдир. Конвергент тафаккур асосида интеллект ётади, шунинг учун интеллектуал тафаккур деб ҳам аталади.

*Дивергент тафаккур* – (лотинча *divergere* – “бўлиниш”) ижодий тафаккур методларидан бири бўлиб, берилган бир муаммонинг бир қанча ечимларини топиш, шунинг билан бир каторда, дивергент тафаккур “бир вақтнинг ўзида турли йўналишларга изланиш, яъни бир муаммога бир нечта тўғри жавоблар борлигини ва оригинал ижодий ғояларнинг туғилишига хизмат қилади. Дивергент тафаккурнинг асосида креативлик ётади.

Джо Гилфорд умумий қобилиятлар соҳасини тадқиқ қилиш натижаларини тизимлаштириб, “Интеллект структураси модели” ни таклиф этади. Унинг модели асосида “мазмун”, “операция”, “реаксия” тушунчалари мавжуд.

*Реаксия* – материалга нисбатан қандай операцияни қўллаш натижаси. Гилфорднинг моделидаги барча факторлар мустақил бўлиб, у уч ўлчамли, баъзида эса номларнинг классификацион шкалалари турли хил ўлчамларда ҳам учраб туради.

*Операция* деганда Гилфорд синовдан ўтказилаётган объектнинг қобилиятини, яъни қуйидаги психик жараёнларни тушунади: тушунча (дунёқараш сифатида), хотира, дивергент унумдорлик (ҳар хил йўналишларда фикрлаш), конвергент унумдорлик (фақат ягона тўғри жавобга олиб келувчи фикр), баҳолаш.

*Мазмун* эса ахборот ёки материалнинг операция олиб борилаётган табиати билан аниқланади: тасвир, символлар (харфлар, рақамлар), семантика (сўзлар), хулқ.

*Натижалар* – синовдан ўтказилаётган объект томонидан қайта ишланаётган ахборотлар жой олган формади: элемент, муносабатлар, системалар, ўзгарувчанлик турлари ва хулосалари.



*Факторлар* ҳар бир ўлчамдаги категория (бўлим)ларининг бирлашуви билан характерланади. Гилфорднинг классификацион схемасида умумий факторлар сони  $5 \times 4 \times 6 = 120$  га тенгдир [125].

Ҳозирда юздан ортиқ факторлар ўрганилган, уларнинг диагностикаси учун алоҳида тестлар танлаб олинган. Гилфорднинг бу борадаги концепцияси АҚШ да педагоглар томонидан иқтидорли болалар ва ўсмирлар билан ишлашда кенг қўлланилиб келмоқда. Уларнинг асосида факторларни рационал режалаштириш ва қобилиятларнинг ривожланишига йўналтирувчи дастурлар яратилган. Олимлар Гилфорднинг асосий ютуғини унинг тафаккурни дивергент ва конвергентларга ажратиб берганлигида деб ҳисоблайдилар.

Гилфорд креативликни дивергент тафаккурнинг унумдорлиги билан боғлайди. Педагогик манбаларда сиз унинг “Креативлик – дивергент тафаккур жараёнидир” деган фикрини учратишингиз мумкин. Дастлаб, Гилфорд ўз креативлик структурасида дивергент тафаккурдан ташқари ўзгарувчанлик қобилияти, ечимнинг аниқлиги ва бошқа интеллектуал параметрларни бирлаштирди. Шунингдек, у креативлик ва интеллект ўртасида ўзаро узвий алоқа борлигини исботлади. Бироқ, Гилфорд ўз тажрибаларида юқори интеллектуаллиларнинг тест ечиш давомида ижодкорлик хулқини ҳар доим ҳам кўрсатмаслигини, креатив паст интеллектуалли бўлмаслигини аниқлади. Шундай экан, дивергент тафаккур креатив жараённинг барча хусусиятларини акс эттирмайди [128].

Пол Торренс креативликни тафаккур терминларида таърифлаб, ижодий тафаккурни “қийинчиликлар, муаммолар, ахборотдаги камчиликларни ҳис қилиш; шу камчиликларнинг гипотезлар тузилмаси, уларни текшириш ва баҳолаш, қайта кўриш ҳамда текшириш, ва ниҳоят, натижаларни умумийлаштириш” сифатида тушунади.

Торренс болалар креативлигини шакллантириш дастурини, “ёш болалардан катталаргача” креативликни аниқлаш тестларини яратди.

Умуман олганда, креативлик – бу янги, оригинал ғояларни яратиш, фикрлашнинг ностандарт шакли, берилган муаммоларга омадли ечимлар топишдир. Креатив тафаккур эса революцион тафаккур бўлиб, у конструктив характерни ифодалайди.

Э.П.Торренс фикрича, “креативлик” тушунчаси негизида қуйидаги ёритилади:

- муаммони ёки илмий фаразларни илгари суриш;
- фаразни текшириш ва ўзгартириш;
- қарор натижаларини шакллантириш асосида муаммони аниқлаш;
- муаммо ечимини топишда билим ва амалий ҳаракатларнинг ўзаро қарама-қаршилигига нисбатан таъсирчанлик.

Ўқитувчининг ижодкорлиги эса у томонидан ташкил этиладиган касбий фаолиятни ташкил этишга ижодий (креатив) ёндашувида акс этади. Сўнгги йилларда ушбу ҳолат “педагогик креативлик” тушунчаси билан ифодаланмоқда.

Психологияда Э.П.Торренс томонидан шахс креативлигини аниқловчи тест ишлаб чиқилган. Муаллифнинг фикрича, шахс креативлиги ўзида қуйидаги белгиларни намоён қилади:

- 1) саволлар, камчиликлар ва бир-бирига зид маълумотларга эътиборсиз бўлмаслик;
- 2) муаммоларни аниқлаш учун ҳаракат қилиш, илгари сурилган тахминлар асосида уларнинг ечимини топишга интилиш [114; 298-311- б.].

Демак, ўқитишга креатив ёндашув масаласи бу педагогик жараёни шахс имкониятларига йўналтирилган ҳолда ташкил этиш, таълим олувчиларнинг ижодий ва мустақил фикрлашига имкон берувчи зарурий ўқитиш технологияларини танлаш ва амалга оширишда, шунингдек, ўқитувчининг касбий-инновацион компетентлиги билан асосланадиган ўқитишга нисбатан замонавий ёндашув шаклларида саналади.

Ҳозирда кўплаб илм даргоҳларида (айниқса чет элларда) креативликни тарбиялашга катта эътибор қаратишмоқда. Сўнгги йилларда етакчи хорижий

мамлакатларнинг таълим тизимида ўқувчиларда креативлик сифатларини шакллантириш масаласига алоҳида, жиддий эътибор қаратилмоқда. Ўқитувчиларда педагогик фаолиятни креатив ёндашув кўникма, малакаларини шакллантириш ҳамда ривожлантиришга ишлар олиб борилаётганлигига қарамай, кўпчилик ўқитувчилар ўзларида ҳамда ўқувчиларда креативлик сифатларини қандай қилиб самарали шакллантириш тажрибасини ўзлаштира олмаётганлиги тажриба-синов ишларимизда аниқланди.

Шу боисдан педагогларнинг ўқувчиларда креативликни тарбиялашга эътибор қаратишлари мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бунинг учун биринчи навбатда креатив тафаккур ўқитувчининг ўзида мужассам бўлиши зарур. Қуйида креативликни тарбиялашнинг баъзи мезонларини келтираемиз:

1. Ўз тафаккурини оригинал, оптимал ечимлар топиш ва уларни тарғиб қилишга қаратиш, янги ғояларни ишлаб чиқишга ўзини ундаш;

2. Янгиликлардан ёки бошқа инсонлар сиз тўғринида нотўғри тушунчага боришидан чўчимаслик;

3. Кенг мушоҳада этишга ҳаракат қилинг, анъанавий бўлмаган усуллардан фойдаланиш, ўз тафаккур тарзи, миллий менталитет ва стереотиплар қобиғидан чиқиб кетишга урининг, эркин ижодий мушоҳада юритиш;

4. Агар биринчи тажриба муваффақиятсиз бўлса ҳам, ўз тажрибадан воз кечмаслик, ноанъанавий усулларда фикрлашни давом эттириш, масала ечимининг бошқа вариантларини топишга ҳаракат қилиш, бошқа йўللарни ақлан қидириб топиш, давом этиш;

5. Диспут, дискуссия, баҳс, мунозаралар учун доимо очиқ бўлиш, уни ўзига қаратилганлигига ишонмаслик, баҳсни тўғри ташкил қилиш, ўз фикрини ҳар қандай баҳслашув жараёнида назорат қилиб бориш;

6. Тушунарсиз нарса ва ҳодисаларнинг моҳиятини англашга ҳаракат қилиш;

7. Анъанавий усулларда фаолият олиб боришдан воз кечиш, янги усулларда ишлашга уриниб кўриш;

8. Янги ғоялардан кўркмаслик, уларни албатта кенг қўллаш кабилар.

Бугунги кунда дунё таълим ҳамжамияти, педагогика ва психология олдида таълим муассасаларида шахсни оптимал ривожлантириш вазифаси турибди. XXI аср ёшларини билимларни ўзлаштиришда, эртанги жамиятга тайёрлашда нафақат анъанавий, балки ноанъанавий креатив тафаккурга эга бўлган кадрлар қилиб тайёрлашимиз зарур. Зеро, замонавий таълим тараққиёти янги билим, малака ва ғоялар ҳисобига ривожланади. Бу эса ўз ўрнида жамият тараққиёти, халқ форовонлиги ва давлатимиз равнақи учун хизмат қилади.

Инсоннинг ижтимоий фаоллиги, қобилияти барча муваффақиятларининг гаровидир. Чунки ҳар бир инсон ўз меҳнати, ғайрати, интилиши билангина фаоллашади. Ўқитувчи қанчалик яхши ўқитмасин ёки тарбия бермасин, тарбияланувчининг ўзи ҳаракат қилмаса, ривожланиш муваффақиятли кечмайди. Зеро, барча маънавий-ахлоқий камчиликларнинг асосий сабаби ҳам инсоннинг ўз фаолиятини тўғри йўлга қўймаганлигидадир.

Шунинг учун ҳам инсон фаолияти унинг ривожланиши натижаси ҳамдир. Демак, шахс фаоллиги асосида ижтимоий фаоллик, ташаббускорлик, ижодкорлик хислатларини шакллантириш – унинг шахслик имкониятларини намоён этиши орқали фаолиятини ривожлантириш муҳим саналади.

## **§1.2. Мактаб ўқувчиларида креативликни шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ID-9426-сонли қарори [3] ва Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида 2020

йил 1 майга қадар ҳунармандчилик йўналишида касб-ҳунар таълим муассасаларида кадрлар тайёрлашнинг намунавий ўқув режалари ва дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, ҳунармандчилик соҳасини янада ривожлантириш бўйича «Йўл харитаси»ни тасдиқлаш, туман ва шаҳарларнинг ҳунармандчилик йўналишлари бўйича ихтисослашувидан келиб чиққан ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида 2020-2021 йилларда ҳунармандчиликни ривожлантириш стратегияларини ишлаб чиқиш каби долзарб вазифалар халқ ҳунармандчилигининг нақадар муҳим аҳамиятга эга эканлигидан далолатдир.

Республикамызда таълим-тарбия жараёнини ривожлантиришга қаратилган инновацион таълим муҳитини шакллантиришнинг муҳим омили сифатида таълим олувчиларнинг фаоллиги, ижодкорлиги, тадқиқотчилик фаолиятига йўналтирилган педагогик экспериментларни лойиҳалаш, ташкил этиш ва ўтказишнинг замонавий шакл ва методларидан кенг фойдаланилмоқда. Шунингдек, илм-фан, техника ва технологияларнинг тезкор ривожланиши бугунги замон талаблари асосида таълим тизимини ислоҳ қилиш, педагогика соҳасида илғор инновациялар, илмий ва амалий тадқиқотлар олиб борилиши ва уларни кенг жорий этилиши муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу сабабли ўқувчиларнинг “Технология” ўқув предмети машғулотларидаги муаммоларни қиёсий таққослаш, танқидий таҳлил қилиш, умумлаштириш ва иш бажариш методларининг оптимал вариантларини танлаш асосида амалий кўникмаларини шакллантириш орқали, уларнинг креативлик потенциали даражасини ошириш, келгуси касбий фаолиятга тайёрлаш жараёнини такомиллаштириш заруратини тақозо этади.

Умумий ўрта таълимнинг малака талаблари умумтаълим фанлари бўйича таълим мазмунининг мажбурий минимуми ва якуний мақсадларига, ўқув юктамалари ҳажмига ҳамда таълим сифатига қўйиладиган талаблардан иборат бўлиб, у қуйидагилардан ташкил топади:

билим — ўрганилган маълумотларни эслаб қолиш ва қайта тушунтириб бериш;

кўникма — ўрганилган билимларни таниш вазиятларда қўллай олиш;

малака — ўрганилган билим ва шаклланган кўникмаларни нотаниш вазиятларда қўллай олиш ва янги билимлар ҳосил қилиш;

компетенция — мавжуд билим, кўникма ва малакаларни кундалик фаолиятда қўллай олиш қобилияти.

Баҳолаш тизими — давлат таълим стандарти бўйича умумий ўрта таълимнинг малака талабларини ўқувчилар томонидан ўзлаштирилиши даражасини ҳамда умумий ўрта таълим муассасасининг фаолияти самарадорлигини аниқлайдиган мезонлар мажмуидан иборат [22].

Таълим мазмунини ўзлаштиришда ўқувчиларининг билим савияси, ўзлаштириш қобилияти, таълим манбаи, дидактик вазифаларига қараб, муносиб равишда қуйидаги методлар қўлланилади:

- ўқитишнинг оғзаки методи;
- ўқитишнинг амалий ишлар методи;
- ўқитишнинг кўргазмали методи;
- муаммоли эвристик моделлаштириш методи;
- ўқитишнинг муаммоли изланиш ва репродуктив методи;
- ўқитишнинг индуктив ва дедуктив методи;
- ўқитишда рағбатлантириш ва танбеҳ бериш методи;
- ўқитишда назорат ва ўз-ўзининг назорат қилиш методи [44].

“Технология” ўқув предметини ўқитишда ўқувчиларда креативликни шакллантиришда қуйидаги анъанавий методлардан қўлланилиб келинмоқда:

1. Таълим жараёнида турли кўргазмали қуроллардан фойдаланиш, ўқув информациясини кўргазмали узатиш ва кўриш орқали қабул қилиш методи. Кўргазмали усулнинг муҳимлиги ўрганилаётган нарса ва ҳодисаларни ҳиссий идрок этишга, уларни кузатиб мушоҳада қилишга ўқувчини ундаш, мантиқий ва назарий элементларнинг бирлигига ишонч ҳосил қилишга, ниҳоят назарий билимларни амалиётда қўллай олишга ўргатишдан иборат.

“Таълим технологияси” фанини ўқитиш жараёнида таълим асосан кўргазмалилик усули намойиш этиш, иллюстрация ва экскурсия тариқасида олиб борилиши, таълим жараёнида намойиш этиш усулидан фойдаланиш асосий материалнинг характериға - мазмуни, шакли ва ҳажмиға боғлиқ. Бу характер икки турлидир.

Тасвирий кўргазмали материаллар иккиға бўлинади.

А) буюм, нарса, ҳодиса ва воқеаларнинг тасвирини ифодаловчи материаллар, расм, сурат, фотосурат, диафильм ва ҳ.к.

Б) буюм, нарса, воқеаларнинг бирор шартли белгиси орқали ифодаланган символик ва схематик тасвирий материаллар география в тарих карталари, чизмалар, жадваллар, диаграммалар ва ҳ.к.

Тасвирий кўргазмали материаллар турлилиги ҳар хил қўллашни талаб этади. Масалан:

1. Буюм ва нарсаларни табиий ҳолда кўрсатишни икки усулда намойиш этилади.

а) ўтилаётган мавзуга оид бадиий кўргазма материаллари ўқувчи баён қилаётган бир вақтда (фақат ўқитувчи кўрсатади).

б) табиий кўргазмали материалларнинг сони етарли бўлса улар ҳар бир ўқувчиға тарқатиб берилади.

Тасвирий кўргазмали материалларнинг ҳар иккала турини ҳам икки хил усулда олиб бориш мумкин.

а) кўргазмали материалларни ўқитувчи намойиш этади.

б) кўргазмали материаллар ўқувчиға тарқатилади.

2. Ўқув информациясини амалий меҳнат ҳаракатлари орқали бериш (амалий методлар, машқлар, лаборатория, ишлари, дастур тузиш, педагогик масалаларни ечиш, меҳнат ҳаракатлари ва бошқалар).

Ўқитишнинг амалий усуллари доираси кенг. Бу усулларға: ёзма машқ, тажриба, лаборатория характеридаги машқлар, меҳнат топшириқларини бажариш кабилар мисол бўлади.

Ёзма машқлар жараёнида олинган назарий билимлар бевосита амалиётда қўлланади. Машқ қилиш давомида илмий билим ва маълум иш ҳаракат ўзлаштирилади, такомиллашади, улар аниқ ўқув фанининг характери ҳисобига мақсадли, режали тарзда амалга ошади. Машқ давомида ҳар бир машқ эътиборга олинади. Машқ давомида илгари эгалланган билим, кўникма, малакалар, қонунлар фаолиятга тадбиқ этилади.

Ўқувчиларнинг ўзлаштирилган кўникма ва малакаларни мустаҳкамлаш ижодий қобилиятларини ривожлантириш асосида машқ қилишда

-машқ учун берилган топшириқнинг мақсади ўқувчиларга аниқ тушунтирилган бўлиши;

-машқ устидан синф ўқувчилар жамоаси ва ҳар қайси ўқувчиларнинг шахсий интилиш, қизиқишини ҳисобга олиши;

-топшириқ бутун синф ўқувчиларининг актив фаолиятини таъминлайдиган бўлиши ва машқни белгиланган вақт ичида бажариши талаб этилади.

Машқ қилишда ўқувчиларнинг ёзма, ижодий машқлари алоҳида ўрин эгаллайди.

Юқорида қайд этилган методларни такомиллаштирган ҳолда, замонавий таълим технологияларини қўллаб ўқувчиларда креативликни шакллантиришни такомиллаштириш мумкин.

Креативлик (лот., инг. “create ” – яратиш, “creative ” яратувчи, ижодкор) – индивиднинг янги ғояларни ишлаб чиқаришга тайёрликни тавсифловчи ҳамда мустақил омил сифатида иқтидорлиликнинг таркибига кирувчи ижодий қобилияти маъносини ифодалайди [114; 298-311-б.]. Шахснинг креативлиги унинг тафаккурида, мулоқотида, ҳис-туйғуларида, муайян фаолият турларида намоён бўлади. Креативлик шахсни яхлит ҳолда ёки унинг муайян хусусиятларини, зеҳни ўткирликни тавсифлайди. Шунингдек, креативлик иқтидорнинг муҳим омили сифатида акс этади. Америкалик психолог П.Торренс фикрича, креативлик муаммо ёки илмий фаразларни илгари суриш; фаразни текшириш ва ўзгартириш; қарор натижаларини



шакллантириш асосида муаммони аниқлаш; муаммо ечимини топишда билим ва амалий ҳаракатларнинг ўзаро қарамақаршилигига нисбатан таъсирчанликни ифодалайди.

Бошқа ҳар қандай сифат (фазилат) каби креативлик ҳам бирданига шаклланмайди. Креативлик муайян босқичларда изчил шакллантириб ва ривожлантирилиб борилади. Яъни ўқувчида креатив тафаккур ва креатив фикрлаш шакллантирилиши лозим.

Креатив тафаккур жамият тараққиётининг янги босқичларини таъминлаш учун хизмат қиладиган ноанъанавий фикрлаш қобилияти ва тараққиёт омилларини таъминлашга йўналтирилган тафаккур ҳисобланади.

Креатив тафаккур ривожланган давлатларни халқ хўжалигининг барча тармоқларида энг қуйи босқичдан тортиб энг юқори даражаларгача креатив тафаккур талаб қилинади. Чунки у жамият тараққиётида унинг такомили, ўсиши, ривожланиши, кенгайиши ва мўътадил сақланишининг воситаси ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан педагогик фаолиятда шундай ўқитишни ташкил этиш керакки, ўқувчи креатив фикрловчи, келгусида замонавий жамият ва ишлаб чиқаришда муҳим режалаштириш, ташкиллаштириш, таҳлил қилиш, асослаш, мотивациялаш, назорат қилиш каби функцияларни креатив ташкил этиш имкониятига эга бўлсин.

Креатив тафаккур инсон маънавияти, тарбияси, билими, интеллекти, иқтидори кабиларни ишлата олиш қобилиятини ўз ичига қамраб олади. Демак, ҳар бир фан ўқитувчиси ўқувчиларда мана шу хислатларни педагогик диагностика методлари орқали аниқлаган ҳолда, уни шакллантириш ва ривожлантириши зарур.

Бунинг учун ўқитувчи ўқувчиларни онг, тафаккур ва ақлни барча йўналишларда истиқболни кўриш ва англашга ўргатиш, уларда тафаккур ақлнинг пешқадамлиги, тафаккурнинг ноанъанавийлиги, олдиндан башоратлай олиш, яъни прогноз қила олиш каби хусусиятларни педагогик жараёнда мақсадли шакллантирилиши керак.

Ҳар қандай муаммонинг ечими бўйича бир эмас бир нечта ечимларни кўрсата олиш, ҳамда уларнинг барчасини ўзига хос ижобий ва салбий томонларини ҳар томонлама асослаб бериш, кўпчилик ўйлаб кўрмайдиган масаланинг бошқа жиҳатларини ҳам очиб бериш каби ақл пешқадамлигига эга бўлиш;

Замонавий тараққиёт учун янги йўналишлар ва йўлларни кўра билиш, уларни тафаккур қила олиш ва шакллантира билиш, фаолиятни янгилаш, фаолиятдаги масалалар ечимини янги йўналишларини топа билиш каби ноанъанавий тафаккурга эга бўлиш;

Ўз меҳнат фаолияти соҳасидаги истиқбол ўзгаришларнинг моҳияти, зарурияти, амалга оширилиш муддатларини тафаккур орқали олдиндан англаш каби прогноз, башорат қила олиш каби хусусиятлар узлуксиз таълим жараёнида шаклланиши ва такомиллашиши ўқитувчининг таълим-тарбия жараёнини қандай ташкил этишига боғлиқ [36;104-107-б.].

Ушбу хусусиятлар маърузалар, панд насихат ёки кўрсатмалар билан эмас, балки йўналтириш, абстракт машқлар ва билимлар асосида, тарбиялаш орқали ҳосил қилиниши мумкин.

Креатив тафаккур мақсадга йўналтирилган, аммо шу вақтгача маълум бўлмаган ва анъанавий тарзда тажрибага киритилмаган, батамом янги усул, йўл, восита, ёндашувларнинг танланиши ва ишлаб чиқилишини англатади. Катта кенг қамровли ишлаб чиқариш тармоқларида ўнлаб ёки юзлаб креатив тафаккурга эга бўлган инсонларнинг фикрлари, қарашлари ва таҳлилларни умумлаштириш, режалаштириш, ўрганиш ва умумий ечимга келтириш асосида ностандарт қарорлар ва ечимлар қабул қилинади. Жаҳонда катта бизнес структураларнинг фаолияти корпоратив манфаатлар тафаккури тарғиб қилиниши креатив тафаккурнинг вужудга келишига туртки бўлган.

Креатив фикрлаш инсон онгининг юқори чегарасидаги ва у ўрганмаган фикрлар, ноанъанавий усуллар, мавжуд ҳолат негизида янги қарашлар асосида янгича фаолиятни ташкил этишга қаратилган мустақил мушоҳадалардир.

Инсонда маълум соҳа бўйича билим, кўникма ва малакаларнинг ҳамда тарбияланганликнинг мавжудлиги креатив тафаккурни шакллантиришга асос бўлиб хизмат қилади [38;198-199-б.].

Замонавий менежментда креатив тафаккур амалиётини билдирувчи маълум тизим шакллантирилган [29;1139-1143-б.]:

**1. Аналитик таҳлил жараёни-** бу тайёргарлик жараёни бўлиб, у ахборотларни йиғиш ва таҳлил қилиш, мавжуд аҳвол таҳлили, ахборотларни умумлаштириш, кўрсаткичларни таққослаш жараёни.

**2. Концентрация жараёни-**маълум бир муаммо атрофида ақлий салоҳиятнинг мужассамлашуви, маълум фактлар, уларнинг тизими, таҳлили олиб борилади. Ақлий салоҳият етишмовчилиги жараёнидан ўтиш ва мазкур жараённи босиб ўтишга интилиш. Онг фаоллигининг баъзан кўтарилиши ёки пасайиши, инсоннинг муаммо таҳлилига берилиши, натижада турли янги ностандарт ғояларнинг туғилиш ва шаклланиш жараёни.

**3. Ғоялар инкубацияси жараёни** – ақлий концентрация жараёнида юзага келган барча мавжуд ғоялар онг ортига ўтиб, улар мудроқ ҳолга келтирилади. Тафаккур қилиш жараёнида улар методологик асосларда қайта таҳлилдан ўтказилади ва гуруҳланади. Шахсий цензура янги ғояларнинг барчасини ахлоқий –маънавий ва қадриятлар нуқтаи назарида назоратдан ўтказди.Сўнг мазкур ғоялар пишиб етилган тайёр тарзда инсон психикасига ўтказилади.

**4. Ғоялар таҳлилини амалга ошириш жараёни-** ғоялар таҳлилини амалга оширишда, ғоялар қидиришда, тўлқинли тараққиёт жараёни содир бўлади. Инсон тафаккурида баъзи ўзгаришлар содир бўлади, бунда инсон тафаккури ўзини тинч ва осуда тутмайди, балки у турли кескин ҳаракатларга мойил бўлади. Бу вақтда одам бир мавзудан бирданига бошқа мавзуга ўтиб кетиши, баъзи ҳаракатларни бажариши мумкин бўлади. Бу инсон тафаккурида кечаётган онг оқимларининг фаолияти ҳисобланади. Ушбу жараёнларнинг натижаси сифатида –сўнгги қарор пишиб етилади.

**5. Анализ ва синтез жараёни**-креатив тафаккур фаолияти натижаларни таҳлил қилиш жараёни, яъни мантиқий таҳлил жараёни. Бу даврда онг оқимида пишиб етилган барча ғоялар яхлитлик ва умумийликда таҳлилдан ўтказилади, ҳамда креатив тафаккур меҳнатининг натижаси сифатида сўнги қарор қабул қилинади.

Юқорида қайд этилган жараёнлар ўта мураккаб жараёнлар бўлиб, у тезлик билан амалга оширилади. Креативлик тафаккурни одатдаги фикрлаш йўлидан анча қизиқарли бўлган ноанъанавий усулларга олиб келади, шу сабабли инсон тафаккурида оптимал қарорлар вужудга келади ва туғилади. Оригинал, уникал, ноанъанавий, оптимал қарорлар эса замонавий жамиятни илғорлик, тараққиёт, иқтисодий такомил сари етакловчи куч ҳисобланади.

Интеллект инсоннинг ақлий салоҳияти бўлса, креативлик мана шу ақлий салоҳиятни мақсадга йўналтирилган тарзда эркин ишлата олиш қобилияти ҳисобланади. У инсон фаолиятига илҳом ва ижодкорлик каби хусусиятларни бахш этади.

Интеллектуаллик – ёшларнинг ақлий салоҳиятини шакллантириш, уларни замонавий жамиятда яшашга тайёрлашнинг куйи босқичи ҳисобланади. Уларни креатив тафаккурга ўргатишгина, уларнинг ақлий салоҳиятини ишга сола олиш қобилияти тарбияланганлигини кўрсатади. Яъни креативлик мавжуд муаммоларнинг янгича ечимлари ҳисобланади.

Ўқитувчи ўқувчилардаги фикрлаш жараёни тўғри йўлга солиш учун амалиёт ҳар қандай билишнинг негизидир, деган қонидани ҳисобга олиш зарур. Таълимда ўқитувчи билим бериш билан чекланмайди, у ўқувчиларнинг фикрлаш фаолиятига ҳам раҳбарлик қилади, ўқувчиларда ишдаги мустақиллик, ижодкорлик қобилиятларини ўстиради ва шу тариқа ўрганилаётган нарсанинг онгли равишда ўзлаштириб олишга эришилади, материални идрок қилишлари ва тушуниб олишлари билан бирга, уни пухта эсда сақлаб қолишлари тўғрисида ҳам ғамхўрлик қилади.

Ҳозирги пайтда мактабларда дарс бераётган ўқитувчиларни кузатиб, икки хил хулосага келиш мумкин. Бирлари жуда фаол, интилувчан, ижодкор

ўқитувчилар бўлса, айримлари эса ҳеч бир интилиши йўқ, доимо бир хилда дарс берувчи ўқитувчилардир.

Ўқувчиларнинг ўз устларида ишлашларида ҳам ўқитувчи йўлланмаси, кўрсатмаси, топшириқлари муҳим рол ўйнайди. Шунинг учун ўқитувчи доимо изланишда бўлиши, фанга қандайдир бир янгиликлар олиб киришга интилиши, ўзининг одоби, касбий сифатлари билан бошқаларга ўрнак бўлиши даркор. Ўз устида ишлайдиган ижодкор ўқитувчиларнинг обрў - эътибори, мартабаси улуғ бўлади.

Ўқитувчининг ижодкорлиги ўқувчининг ижодкорлигини уйғотади. Қомусий олим Абу Райҳон Беруний “Жавоҳирот китоби”да шундай деб ёзган: ”...Мурувватли мард киши ўзидаги ва ўзиники эканлигига ҳеч ким тортишиб ўтирмайдиган нарсдан бошқасига эгалик қилмайди. Агар у одамларнинг осойишталиги деб машаққатларга чидаса; зикналик қилмасдан, бошқаларга насиб этмай, унга ато қилинган нарсаларни бировларга берса, бундай одам ўшандай қудрат билан шуҳрат топган мард киши саналади; у ўзининг ҳалимлиги, мулойимлиги, иродаси мустаҳкамлиги, чидамлилиги, камтаринлиги туфайли, улуғворлиги билан танилиб, гарчи у шу мартаба аҳлидан бўлмаса ҳам, олий даражага кўтарилади. У насл-насаб жиҳатидан эмас, балки ҳақли равишда (ўша сифатлари билан) эҳтиром қилинади” [42;12-б.]. Бугунги кунда ҳар бир соҳа учун А.Р.Беруний лутф этган кишилар зарур. Чунки шундай инсонларгина юрт тараққиёти учун ўз ҳиссаларини қўшадилар” [42; 12-б.]. Бунга фақатгина кучли таълим ва тарбия орқали эришиш мумкин. Билимли ва рақобатбардош кадрлар тайёрлаш энг долзарб масалалардан биридир. Жамиятга малакали мутахассислар тайёрлаш жараёнига мактабда ўқитилаётган фанлар катта таъсир кўрсатади. Шунинг учун ушбу фанларни ўқитишда акмеологик ёндашув асосида креатив йўналганликни таъминлаш, замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш орқали таълим самарадорлигини ошириш мумкин.

Шу ўринда бу жараёнларнинг таҳлилига эътибор қаратайлик . Ўқитиш жараёни педагогнинг ўргатувчилик фаолиятини ва ўқувчиларнинг махсус

ташкил этилган билиш фаолиятини ўз ичига олади. Таълимда ўқитувчининг бошқарувчилик роли ўз касбининг ижтимоий асосларидан келиб чиқиб, аждодларининг бой тажрибасини, инсониятнинг асрлар давомидаги билиш, меҳнат, мулоқот, умумий алоқалар, эстетик ҳамда ахлоқий қарашлар жараёнида қўлга киритган ютуқларни эгаллашни шарт қилиб қўяди.

Буларнинг барчаси ўқитувчининг таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи вазифаларини амалга оширишида ўз аксини топмоғи лозим. Ана шу асосдан келиб чиқиб айтиш мумкинки, таълим жараёнида ўқитувчи ўқувчиларига қўлга киритилган билимларни ўргатади. Ўқув фаолиятида уларни кўникма ва малакалар билан қуроллантиради. Шу билан бир пайтда у ўқувчиларда дунёқараш ва ахлоқ нормаларини ҳосил қилади, қизиқиш ва қобилиятларни шакллантиради, уларнинг билиш фаоллигини оширади. Ўқитувчининг фаолияти ўқувчи шахсининг мақсадга мувофиқ шаклланишига катта имкониятлар очиб беради. Янада аниқ қилиб айтсак, бутун ўқув жараёнини режалаштиради, ушбу жараёнда ўқувчилар билан биргаликдаги фаолиятни ташкил этади.

“Технология” фани ўқувчиларга қийинчиликларни енгиб ўтишда ёрдам беради ҳамда уларнинг билимларини ва бутун таълим жараёнини ташхис қилади. Ўз навбатида ўқувчиларнинг фаолияти ўқув жараёнида ўрганишга, билим, кўникма ҳамда малакаларни эгаллашга, ўзини жамиятга фойдали фаолиятга тайёрлашга йўналтиради. Таълим жараёнида ўқувчиларнинг фаолияти кўп қиррали йўналган ҳаракатни ифодалайди ва бу ҳаракат билишга доир вазифаларни ҳал қилишда уларга катта ёрдам беради.

Шу сабабли, “Технология” фанини ўқитиш сифатини яхшилаш, самарадорлигини ошириш, ўқитувчи ва ўқувчилар, ўқувчи ва ўқувчилар гуруҳи, шунингдек, жамоа ўртасида ўзаро ҳамкорликни қарор топтириш, ғоявий ва руҳий бирликка эришиш, ягона мақсад сари интилиш, ҳар бир таълим олувчининг ички имкониятларини рўёбга чиқариш, шахс сифатида намоён бўлиши учун зарур шарт-шароит ҳамда муҳитни яратишда катта имкониятларга эга.

Таълим технологиялари ўз моҳиятига кўра дидактик ёки тарбиявий мақсадларни амалга оширишда маълум даражада самарадорликка эришишни таъминласада, бироқ, уларнинг ҳар бири таълим ёки тарбия жараёнида маҳсулдорликни таъминлаш бўйича турли имкониятларга эга. Шу сабабли ўқитувчилар таълим технологияларини танлашда ўрганилаётган мавзу, муаммо ёки ҳал қилиниши лозим бўлган масалага эътибор қаратишлари мақсадга мувофиқдир.

Қолаверса, таълим технологияларининг самарадорлиги янада ошади, қачонки, уларни қўллашда таълим оловчиларнинг ёш, психологик хусусиятлари, дунёқараш даражаси, ҳаётий тажрибалари инобатга олинса. Бу ўқитувчилардан касбий маҳорат, малака, билимдонлик, сезгирлик ва интуицияга эга бўлишни тақозо этади.

Республикамиз узлуксиз таълим тизимида фаолият олиб бораётган ўқитувчилардан таълим технологияларининг моҳияти, хусусияти, қўлланилиш шартлари билан батафсил танишиб чиқиш, амалий аҳамиятини тўғри баҳолай олиш талаб қилинади.

Анъанавий таълимдаги бир томонламалик таълим тизимидаги машғулотларда устуворлик қилади. Унга кўра, “етказиб берувчи” ролида энди ўқитувчи эмас, балки ўқувчи намоён бўлади. Ўқувчи, асосан, ўзи ўзлаштирган билимларни намойиш этади, ўқитувчи эса унинг фикрларини тинглайди, зарур ўринларда саволлар билан мурожаат қилади. Ўқувчилар гуруҳи бу вазиятда бутунлай суст иштирокчи, тингловчи бўлиб қолади. Бир қарашда ўқувчи ёки ўқитувчи томонидан узатилаётган ахборотларнинг қабул қилиниши ўқувчилар гуруҳи учун билимларни ўзлаштириш имкониятини яратаётгандек таассурот уйғотади. Бироқ, психологик тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, шу тарзда қабул қилинган билимлар жуда тез унутилади.

Шунга кўра, креатив ёндашув таълим жараёнининг асосий иштирокчилари – ўқитувчи, ўқувчи ва ўқувчилар гуруҳи ўртасида юзага келадиган ҳамкорлик, қизғин баҳс-мунозалар, ўзаро фикр алмашиш

имкониятига эгалик асосида ташкил этилади, уларда эркин фикрлаш, шахсий карашларини иккиланмай баён этиш, муаммоли вазиятларда ечимларни биргаликда излаш, ўқув материалларини ўзлаштиришда Ўқувчиларнинг ўзаро яқинликларини юзага келтириш, “ўқитувчи – ўқувчи – ўқувчилар гуруҳи”нинг ўзаро бир-бирларини хурмат қилишлари, тушунишлари ва қўллаб-қувватлашлари, самимий муносабатда бўлишлари, руҳий бирликка эришишлари кабилар билан тавсифланади.

**Креатив ёндашув** – ўқув манбалари (маъруза матни, ўқув дарслиги, ўқув ва методик қўлланма ҳамда ўқув методик мажмуалар)ни самарали яратишнинг муҳим омилidir.

Умумтаълим мактабларида “Технология” ўқув предметининг Халқ хунармандчилиги бўлимини (8-9-синфларда) ўқитиш жараёнида, ўқувчиларда креативликни шакллантиришни такомиллаштиришнинг ташкилий-услубий ишлари ишлаб чиқилди. Яъни фан ўқитувчиси томонидан қуйидаги ташкилий-услубларни амалга ошириш талаб этилади:

1. Ўқув дастурларини яратишга креатив ёндашиш;
2. Назарий ва амалий машғулотлар учун материалларни тўплаш ва уларни саралашда креатив ёндашиш;
3. Ўқув ахборот (маълумот)ларини самарали излаш – педагогнинг креативлик сифатларига эга бўлиш;
4. Мавзу моҳиятидан келиб чиққан ҳолда тўлиқ, ғоявий мазмун ва илмий асосларга эга, амалий қийматга эга ўқув материални тайёрлаш;
5. Амалий педагогик фаолиятни ташкил этишга креатив ёндашиш;
6. Креатив ёндашув асосида назарий ва амалий машғулотлар учун дидактик ишланмалар тайёрлаш;
7. Ўқув топшириқларини ишлаб чиқишга креатив ёндашиш;
8. Маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этишда креативлик сифатларининг намоён бўлиши;
9. Ўқув машғулотлари ва маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этиладиган аудитория (жой)ни жиҳозлашга креатив ёндашиш;



10. Ўқув фанлари бўйича жорий, оралиқ ва якуний назоратлар учун синов топшириқларини тайёрлашга креатив ёндашиш;

11. Ўқув материалларини тайёрлашга креатив ёндашиш;

12. Ўқув жараёнининг босқичи ва ўқув материалининг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда турли мураккабликдаги топшириқлардан фойдаланиш;

13. Креатив ёндашув асосида муайян мавзуда ўқув машғулотини ташкил этиш учун аудиторияни жиҳозлаш;

14. Креатив ёндашув асосида муайян мавзуда маънавий-маърифий тадбирни ташкил этиш учун аудиторияни жиҳозлаш кабилар.

Шахсда креативлик сифатларини ривожлантириш жараёнининг умумий моҳиятини тўлақонли англаш учун дастлаб “креативлик” тушунчасининг маънони тушуниб олиш талаб этилади. Кен Робинсоннинг фикрига кўра, “креативлик – ўз қийматига эга оригинал ғоялар мажмуи” саналади. Гарднер эса ўз тадқиқотларида тушунчани шундай изоҳлайди: “креативлик – шахс томонидан амалга ошириладиган амалий ҳаракат бўлиб, у ўзида муайян янгиликни акс эттириши ва маълум амалий қийматга эга бўлиши лозим”. Эмебайлнинг ёндашуви нуқтаи назаридан ифодаланса, креативлик “муайян соҳа бўйича ўзлаштирилган пухта билимлар билан бирга юқори даражада ноодатий кўникмаларга ҳам эга бўлиш” демакдир.

### **§ 1.3. Ўқувчиларда креативликни шакллантиришни такомиллаштириш тизими**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги “Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5242-сонли Фармонида “Уста-шогирд” анъаналари асосида ёш хунармандлар авлодини тарбиялаш билан боғлиқ тадбирларни молиявий қўллаб-қувватлаш, халқ амалий санъати ва хунармандчилик миллий брендларини илгари суришга, шу

жумладан мамлакатимиз ва хорижда кўрғазмалар, ярмаркалар, фестивалларни ташкил этиш, шунингдек, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг шундай тадбирларда кенг иштирокини таъминлаш орқали кўмаклашиш [1] каби вазифаларнинг белгилаб берилганлиги, умумтаълим мактабларида “Технология” фанини ўқитишда (1-9-синф) халқ хунармандчилигини янада чуқурроқ ва самарали ўқитиш заруриятини келтириб чиқаради.

Хунармандчилик — миллий-анъанавий майда товар ишлаб чиқариш, оддий меҳнат куруллари ёрдамида якка тартибда ва кўл меҳнатига асосланган саноат тури; шундай маҳсулотлар тайёрланадиган касбларнинг умумий номи. Йирик саноат ишлаб чиқариши вужудга келишига қадар кенг тарқалган, айрим соҳалари кейин ҳам сақланган. Кам ривожланган мамлакатларнинг халқ хўжалигида ҳозир ҳам муҳим ўрин эгаллайди.

Хунармандчилик инсоннинг ишлаб чиқариш фаолияти билан вужудга келиб, жамият ривожланиши давомида аста-секин деҳқончилик ва чорвачиликдан ажралиб чиқди, турли ижтимоий тарихий даврлар доирасида техника ривожини билан алоқадор ҳолда такомиллаша борди, турли ихтисосликлар (кулоллик, дурадгорлик, темирчилик, мисгарлик, бинокорлик, тоштарошлик, ўймакорлик, каштадўзлик, кўнчилик, тикувчилик, тўқувчилик, заргарлик, дегрезлик, рихтагарлик, зардўзлик, бўёқчилик, кемасозлик, тунукасозлик ва бошқалар)га ажралди. Хунармандчилик қандай табиий ресурсларнинг мавжудлигига қараб, мас, пахта ва пилла бор ерда тўқимачилик, сифатли хом ашё бор ерда кулолчилик, жун ва тери кўп ерда тўқимачилик ва кўнчилик, шунга қараб косибчилик, ўрмонлар кўп ерда ёғочсозлик маъданларга бой ерларда металл ишлаб чиқариш ва темирчилик, денгиз ва дарё бўйларида кемасозлик ва бошқа ривож топган [82,83,84]. Жамият тараққиёти босқичлари, меҳнат тақсимооти билан алоқадор ҳолда хунармандчиликнинг 3 тури шаклланган:

- 1) уй хунармандчилиги;
- 2) буюртма билан маҳсулот тайёрлайдиган хунармандчилик;
- 3) бозор учун маҳсулот тайёрлайдиган хунармандчилик.

Уй хунармандчилиги капитализмга қадар бўлган даврларда хунармандчиликнинг энг кўп тарқалган тури бўлди. Хунармандчиликнинг бу тури натурал хўжаликнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Шаҳарлар ривожини буюртма билан хунармандчилик маҳсулотлари тайёрлаш ва бозорга хунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг жадал ўсиши билан узвий боғлиқ. Натижада хунармандчилик маҳсулотлари товарга айланди, товар айирбошлаш учун ишлаб чиқарилди. Давр тақозоси билан янги-янги турлари вужудга келди. Хунармандлар ҳам турли маҳсулотлар тайёрлаш бўйича ихтисослаша бордилар. Шаҳарлардаги маҳаллалар хунармандларнинг касбкорига қараб шаклланган ( XX-асрнинг бошларида Тошкентда кўнчилар, кулоллар, эгарчилар, бешикчилар, ўқчилар, косиблар маҳаллалари бўлган). Айрим маҳалла, квартал, шаҳар, ўлкалар хунармандчиликнинг маълум маҳсулотлари билан шуҳрат қозона бошлаган [130].

Хунармандчилик товар — пул муносабатларига кенгроқ ва чуқурроқ тортилганлиги сари табақалашди. Уддабурон ва серҳаракат хунармандлар бойиб дастлабки капитал жамғарилиши туфайли капитал соҳибига айланди ва уларнинг устахоналари негизида кичик завод ва фабрикалар вужудга келди, бу корхоналарда камбағаллашган хунармандлар йўлланиб ишлай бошлади. Натижада хунармандчиликнинг ривожини бозор иқтисодиётининг капиталистик шаклини юзага келтирди. Хунармандчилик Европа шаҳарларида саноат ривожига ҳам ўз ҳиссасини қўшди (тўқиш дастгоҳлари такомиллашди, XIV-аср Ўртағарида Германияда домна печларининг пайдо бўлиши металлургиянинг жиддий ўзгаришларга олиб келди. XIV- XV - асрларда ўқ отар қуроллар ишлаб чиқарила бошланди). Капиталистик ишлаб чиқариш муносабатларининг кейинги тараққиётига зарба берди, хунармандчиликнинг кўпгина соҳалари тушкунликка учради. Саноат тўнтарилиши оқибатида тез ва арзон оммавий ишлаб чиқарила бошланган фабрика, завод маҳсулотлари хунармандчилик маҳсулотларини бозордан сиқиб чиқарди.

Ривожланган мамлакатларда якка буюртмалар ва қимматбаҳо бадий буюмлар тайёрлайдиган хунармандчилик соҳаларигина (тикувчилик, этикдўзлик, гиламчилик, заргарлик, ўймакорлик ва бошқалар) сақланиб қолди. XX-аср бошларида эса машиналашган ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилиши билан хунармандчилик маҳсулотларининг тур таркиби ва ишлаб чиқариш ҳажми кескин камайди. XX-аср давомида ва XXI-аср бошларига келиб йирик индустриал ишлаб чиқариш қарор топган бўлса-да, хунармандчиликнинг мавқеи сақланиб қолди. Хунармандчиликнинг бозорда сегменти кичик бўлганидан йирик ишлаб чиқариш эгаллай олмайдиган, талаб индивидуаллашган ўз ўрни бор. Мини технологиянинг пайдо бўлиши хунармандчиликда товарларни якка тартибда ва сифатли ишлаб чиқариш имконини беради. Бунга миллий устбошлар, миллий чолғу асбоблари, майда асбоб-ускуналар, турли ёдгорлик буюмлари ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни киритиш мумкин. Ҳозирги хунармандчилик кичик бизнес таркибидаги якка меҳнат фаолияти ва оилавий корхоналардан иборат.

Ўзбекистон ҳудудида неолит давридаёқ хунармандчиликнинг дастлабки муҳим тармоғи ҳисобланган сопол буюмлар ишлаб чиқариш ва тўқимачилик вужудга келди (Хоразм воҳасидаги Калтаминор маданияти, Сурхондарёдаги Сополлитепа ва бошқалар). Милоддан аввалги II-асрдан бошлаб хунармандчилик маҳсулотлари савдосида Буюк ипак йўли муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ўрта асрларда Шарқ мамлакатларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (Араб халифалигида пўлат, Ўрта Осиё ва Ҳиндистонда шойи, чинни, қоғоз) Европа бозорларида қадрланди. Ҳиндистонда пахтадан нафис мато, Хитойда ипак мато тўқийдиган дастгоҳлар вужудга келди, Хитой ва Ўрта Осиёда шиша тайёрлаш технологияси такомиллаша борди.

IX-X-асрларда Ўрта Осиёда йирик хунармандчилик марказлари пайдо бўлди. Ип мато, гилам (Урганч, Шош), шойи (Марв), мис ва темирдан яроғ-аслаҳа, пичоқ тайёрлаш (Фарғона), шойи матолар, шиша маҳсулотлари тайёрлаш (Бухоро) авж олди. XIII-асрда мўғуллар босқини хунармандчилик

ривожига зарба берди. Темурийлар давлатининг вужудга келиши хунармандчилик ривожига жуда катта ижобий таъсир кўрсатди.

Ўрта Осиёда хунармандчиликнинг барча турлари XX-асрнинг 20-йилларигача сақланди. Бухоро, Самарқанд, Қўқон, Хива, Тошкент каби шаҳарларнинг ишлаб чиқариш муносабатларида хунармандлик катта рол ўйнади (XIX-асрнинг 60-йилларида Хивада хунармандчиликнинг 27 тури ривож топган, шаҳардаги бозорларда хунармандларнинг 556 дўкони бўлган, 80-йилларда шаҳарда 2528 хўжалик хунармандчилик билан шуғулланган).

Ўзбекистондаги хунармандчилик чуқур ихтисослашган бўлиб, ўзида хилма-хил касбкорларни бирлаштирган. Масалан, терини қайта ишлаш соҳасида кўнчилар, этикдўзлар, махсидўзлар, ковушчилар, эгар-жабдуқчилар, телпакчилар, пўстинчилар, камарчилар, тўқимачилик соҳасида бўзчилар, атласчилар, гиламчилар, шолча ва наMATчилар; металлни ишлаш соҳасида темирчилар, тақачилар, мисгарлар, чилангарлар, заргарлар каби касблар бўлган. Булар хунармандчиликнинг тармоқ структурасини белгилаган.

Шарқдаги мусулмон устахоналарида бўлгани каби Ўзбекистонда чеварлик, каштачилик билан аёллар уйда ўтириб шуғулланишган. Хунармандчиликнинг ижтимоий структурасида уста, халфа ва шогирд каби ижтимоий тоифалар мавжуд бўлган. Хунармандчиликнинг ички тартиб ва қоидаларини унинг низоми сифатидаги "Рисолалар" белгилаб берган. Ҳар бир касбнинг ўз раҳнамоси, яъни пири ва "Рисоласи" бўлган, авлоддан-авлодга ўтувчи одатлари ва удумларига риоя этилган. Масалан, иш бошлашдан олдин уста ўз пирини ёдга олиб ундан мадад сўраш, шогирдига фотиҳа бериш каби одатларга амал қилинган.

Ўзбекистон Россия мустамлакасига айлангач, хунармандчилик монополия саноатининг рақобатига дуч келиб, ўзининг илгариги мавқеини йўқотган бўлишига қарамай, унинг кўп тармоқлари сақланиб қолди, чунки у миллий эҳтиёжни қондирадиган товарларни, чунончи, кийим-кечак, идиш-товок, турли уй-рўзғор буюмлари, майда меҳнат куроллари яратиб, уларни маҳаллий бозорга етказиб берди. Хунармандчиликнинг яшовчанлигини

таъминлашда чет элдан келтирилган хом ашё, материаллар, кичик ускуналар муҳим рол ўйнади. Масалан, АҚШдан келтирилган тери бўёғидан фойдаланиб кўнчилар амиркон деб номланган юпка чарм ишлаб чиқара бошлади. Шу муносабат билан амиркон этик, маҳси ва ковушлар пайдо бўлди. Германиядан "Зингер" фирмасининг тикув машиналари келтирилиши билан тикувчилик (чеварлик) кенг ёйилди. XX асрнинг 20-йилларида шўролар ҳокимияти қарор топиши билан хунармандларнинг асосий қисми дастлаб артелларга, кейинчалик, завод, фабрикаларга, бадий буюмлар корхоналарига жалб қилинди. Уларга хом ашё, материал, асбоб-ускуналар давлат томонидан етказиб бериладиган, яратилган маҳсулотлар дўконлар ва матбуот кооперацияси орқали сотиладиган бўлди. Истеъдодли хунармандлар ижодий ташкилотларга қабул қилинди, амалий безак санъати ривожлантирилди.

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгандан сўнг хунармандчилик ривожда янги давр бошланди, халқ хунармандчилиги бозор қоидалари замирида қайтадан тикланди. Ўзбекистонда маҳаллий саноат корхоналарининг биринчилар қатори хусусийлаштирилиши натижасида майда давлат корхоналари хунармандларнинг хусусий корхоналарига айлантирилди, янги хунармандчилик корхоналари очилди. Хунармандчилик фақат ички бозорга эмас, балки экспортга ҳам ишлай бошлади. Хунармандчиликнинг ташкилий шакли ҳам ўзгарди: кичик оилавий корхона, якка тартибдаги меҳнат фаолияти шаклида ривожлана борди [81,82].

Мана шундай тарихий йўлни босиб ўтган халқ хунармандчилиги йўқолиб кетмаслиги, балки миллий ривожланиши келгуси ва авлодларга етказилиши керак.

Лекин, педагогик кузатишларимизда, мактаб ўқувчиларининг "Технология" фанига нисбатан математика, физика, кимё каби фанларни ўзлаштиришга кўпроқ эътибор қаратиши, халқ хунармандчилиги дурдоналарининг мазмун моҳиятини яхши англаб етмаслиги, меҳнатга бўйин товламаслиги каби салбий ҳолатлар маълум бўлди.

Кўплаб тадқиқотларда интеллект ва креативлик ўртасидаги алоқадорлик хусусида турлича қарашлар мавжуд. Бир гуруҳ тадқиқотчилар улар ўртасида ҳеч қандай боғлиқлик йўқ эканлигини уқтирсалар, иккинчи гуруҳ вакиллари креативлик ва интеллект даражаси бир-бирига боғлиқ эканлигини таъкидлайдилар. (“Креативлик” тушунчаси ўзида маданий хилма-хилликни акс эттиради.

Патти Драпеау нуқтаи назарига кўра креатив фикрлаш, энг аввало, муайян масала юзасидан ҳар томонлама фикрлаш саналади [55].

*Ҳар томонлама фикрлаш* ўқувчилардан ўқув топшириқ, масала ва вазифаларини бажаришда кўплаб ғояларга таянишни талаб этади. Бундан фарқли равишда *бир томонлама фикрлаш* эса биргина тўғри ғояга асосланишни ифодалайди. Мушоҳада юритишда масала юзасидан бир ва кўп томонлама фикрлашдан бирини инкор этиб бўлмайди. Бинобарин, бир ва ҳар томонлама фикрлаш креативликни шакллантиришда бирдек аҳамият касб этади. Яъни, топшириқни бажариш, масалани ечишда ўқувчи ечимнинг бир неча вариантини излайди (кўп томонлама фикрлаш), кейин эса энг мақбул натижани кафолатловчи биргина тўғри ечимда тўхталади (бир томонлама фикрлаш) [55].

Юқорида билдирилган фикрларга таянган ҳолда “креативлик” тушунчасини қуйидагича шарҳлаш мумкин:

- Шахснинг креативлиги унинг тафаккурида, мулоқотида, хистуйғулариди, муайян фаолият турларида намоён бўлади.

-Креативлик шахсни яхлит ҳолда ёки унинг муайян хусусиятларини тавсифлайди.

-Креативлик иқтидорнинг муҳим омили сифатида ҳам акс этади. Қолаверса, креативлик зеҳни ўткирликни белгилаб беради, “ўқувчилар эътиборини таълим жараёнига фаол жалб этишни таъминлайди. Хорижий мамлакатларда барча соҳаларнинг мутахассислари каби ўқитувчилар ҳам ўзларида креативлик сифатлари мавжудлиги ва унинг

**Креативлик** (лот., инг. “create ” – яратиш, “creative” – яратувчи,

ижодкор) –индивиднинг янги ғояларни ишлаб чиқаришга тайёрликни тавсифловчи ва мустақил омил сифатида иқтидорлиликнинг таркибига кирувчи ижодий қобилияти даражасини аниқлаб боради. Бунинг учун улар Е.П.Торренс томонидан 1987 йилда асосланган ва шахснинг креатив тафаккурга эгалигини аниқловчи тестдан ўтади. Мазкур тест шахс креативлиги ва унинг даражасини ижодий фаолиятни ташкил этишдаги фаоллик, тезкор фикрлаш, ўзига хос (оргинал)лик ва такомиллашганлик каби мезонлар бўйича баҳолаш имкониятини яратади [114].

Ўқувчи томонидан тавсия этилган саволларга бериладиган жавоблар айнан мана шу тўртта мезонни қанотлантириши лозим.

Э.П.Торренс фикрича, “креативлик” тушунчаси негизида қуйидаги ёритилади:

- муаммога ёки илмий фаразларни илгари суриш;
- фаразни текшириш ва ўзгартириш;
- қарор натижаларини шакллантириш асосида муаммони аниқлаш;
- муаммо ечимини топишда билим ва амалий ҳаракатларнинг ўзаро қарама-қаршилигига нисбатан таъсирчанлик [114].

Креатив фикрлаш ҳар бир ижтимоий соҳада яққол акс этиши мумкин. Ўқитувчининг ижодкорлиги эса у томонидан ташкил этиладиган касбий фаолиятни ташкил этишга ижодий (креатив) ёндашувида акс этади.

Шахснинг мутахассис сифатида касбий камол топиши, ривожланиши ўз моҳиятига кўра жараён тарзда намоён бўлади. Касбий етуклик инсон онтогенезининг муҳим даврлари касбий камол топиш, ривожланиш ғояларининг қарор топиши (14-17 ёш)дан бошланиб, касбий фаолиятнинг яқунланиши (55-60 ёш)гача бўлган жараёнда кечади. Ижодкор шахснинг шаклланиши ва ривожланиши унинг ички ва ташқи олами ўзгаришининг ўзаро мос келиши, ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар ҳамда инсон онтогенези – туғилишидан бошлаб то умрининг охирига қадар узлуксизлик, ворисийликни тақозо этадиган фаолият мазмунига боғлиқ. Маълумки, касбий тажриба билим, кўникма ва малакаларнинг



интеграцияси сифатида акс этади. Бироқ, касбий-ижодий фаолият кўникмаларининг ўзлаштирилиши нафақат амалий кўникма ва малакаларнинг интеграцияси, мутахассис сифатида фаолиятни самарали ташкил этиш усул ва воситаларини ишлаб чиқишни эмас, шу билан бирга касбий иждоқлик методологиясидан хабардор бўлиш, иждоий тафаккурни ривожлантириш ва креатив характерга эга шахсий сифатларининг етарли даражада ўзлаштирилиши талаб этади.

Иждоқ шахсининг шаклланишини шахсининг ўзаро мос тарзда бажарилган иждоий фаолият ва иждоий маҳсулотларни яратиш борасидаги ривожланиши сифатида белгилаш мумкин. Ушбу жараённинг суръати ва камрови биологик ва ижтимоий омиллар, шахсининг фаоллиги ва креатив сифатлари, шунингдек, мавжуд шарт-шароит, ҳаётининг муҳим ва касбий шартланган ҳодисаларга боғлиқ. Замонавий шароитда педагогнинг креативлик сифатларига эга бўлиши тақозо этади.

Педагогик кузатишлар жараёнида ўқитиш жараёни таҳлил қилинганда, ўқитиш асосан анъанавий усулда олиб борилаётганлиги сабабли ўзлаштириш самарадорлиги талаб даражасида эмаслиги ўқувчилар билан сўровнома ва савол-жавоб ўтказилганда маълум бўлди. Сўровномада берилган саволларда жавоб вариантлари ҳам берилган бўлиб, ўқувчилар ўз жавобларида шу вариантларнинг мос бандини белгилайдилар. Сўровнома натижаларига ва педагогик кузатишларга кўра, фанларни ўқитишда анъанавий дарс тузилиши: сўраш, тушунтириш, мустаҳкамлаш, уйга вазифа беришдан иборат эканлиги ва дарснинг бориши – дарс мавзусининг асосий мазмунини, тушунча ва далилларини ўқитувчи томонидан ўқувчиларга етказиш ва тушунтиришдан иборат эканлиги, – янги мавзуни ёритиш, турли машқлар ёрдамида мустаҳкамлаш, дарсга яқун яшаш, хулосалаш, баҳолаш ва уйга вазифа топшириш билан яқунланиши аниқланди.

Ўқув машғулотида ўқувчиларда танқидий, креатив тафаккурни шакллантириш ва ривожлантириш, уларни иждоий фикрлаш, янги ғояларни

ўйлаб топишга йўналтириш таълим олишга бўлган муносабатни ўзгартириш, уларни ютуқларга эришишга рағбатлантириш лозим.

Республикамиз умумтаълим мактабларидаги фанларни, жумладан “Технология” фанини ўқитиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, халқ ҳунармандчилиги асосида ўқувчиларда креативликни шакллантиришни такомиллаштириш, халқ ҳунармандчилигини ривожлантиришга оид илмий изланишлар олиб борилмаган. Педагогикада олиб борилган илмий изланишларда халқ ҳунармандчилиги асосида ўқувчиларда креативликни шакллантириш масаласи, мактаб ўқувчиларида креативликни такомиллаштириш услублари етарлича ишлаб чиқилмаган.

Зеро, узлуксиз таълим тизимининг тузилмаси ва мазмунини замонавий фан ютуқлари ва ижтимоий тажрибага таянган ҳолда тубдан ислоҳ қилишни кўзда тутди. Бунинг учун, аввало, таълим тизимининг барча шаклдаги муассасаларида таълим жараёнини илғор, илмий-услубий жиҳатдан асосланган янги ва замонавий услубиёт билан амалда таъминлаш лозим. Ёш авлодга таълим-тарбия беришнинг мақсади, вазифалари, мазмуни, услубий талабларига кўра фан, техника ва илғор технология ютуқларидан унумли фойдаланиш бугунги таълим тизими олдида турган долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Таълимнинг самарадорлигини ошириш, шахснинг таълим марказида бўлишини ва ёшларнинг мустақил билим олишларини таъминлаш учун таълим муассасаларига яхши тайёргарлик кўрган ва ўз соҳасидаги билимларни мустаҳкам эгаллашдан ташқари замонавий педагогик технологияларни ва интерфаол усулларни биладиган, улардан ўқув ва тарбиявий машғулотларни ташкил этишда фойдаланиш керак.

Таълимнинг интерфаол технологиялари ўқув хонасида ўқитувчи билан ўқувчи ўртасида ҳамкорлик муҳитини яратиш учун реал имконият беради. Интерактив методларга асосланган технология билан қуролланган ўқитувчи ижодий ҳаммуаллифлик тартибида ишлаш, асосли

Ўзгартиришларга тайёргарлик ва масъулиятли қарорлар қилишга тайёргарликка ўрганади.

Таълимнинг интерфаол методлари таълимда янгиликлар (инновациялар) сирасига киради. К.Ангелевски фикрича, «...барча давлатлар таълимга имкон қадар кўп янгилик киритишга интилоқда... Бугунги янгиликлар уларга уюшган, режали, оммавий ... ёндашувни талаб этади. Янгиликлар келажак учун узок муддатли инвестициялардир ... Новаторликка қизиқиш уйғотиш, яратишга интилувчан шахсни тарбиялаш учун таълимнинг ўзи янгиликларга бой бўлиши, унда ижодкор руҳи ва муҳити ҳукм суриши лозим».

Меҳнат бозоридаги инновацион, креатив мутахассисларга бўлган талаб ўқувчиларни янада юқори даражадаги билимларни эгаллашларига, креативлик ва инновацион потенциалнинг шаклланиши вазифасини юклайди.

Инновацион фаолиятнинг алоҳида ва умумий жиҳатларини ўрганиш борасида кўплаб педагог-олимлар илмий изланишлар олиб боришган. Масалан: Н.Н.Азизхўжаева [43], Б.Л.Фарберман [124], Н.Саидахмедов [99], М.Очилов [90], Б.Зиёмухамедов [60], У.Нишоналиев [16,235-259-б.], Р.Жўраев [10], Ў.Толипов [115], МДХ олимлари В.П.Беспалько, [47], В.А.Сластенин, [103], М.В.Кларин, [74], А.Я.Найн [88], А.В. Хуторский [127] ва бошқалар.

Юқоридаги тадқиқотлар муаллифлари аниқ далилларида келиб чиқиб, ўқув юртини тугатган ўқувчиларнинг инновацион креативлик сифатлари яхши ривожлантирилмаганлигини эътироф этганлар.

А.Я.Найн эса: “инновация деганда умуман янгича таълимни (ўзгача ёндашув), мавжуд таълим технологияси моҳиятини ўзгартирувчи янги ғояни, янги типдаги ўқув юртини ёки таълимни бошқаришни тушунамиз” дейди [88].

Н.И.Лапин, “янгиликни татбиқ этиш” (innovation) сўзини этимология нуқтаи назаридан талқин этади ва уни татбиқ этиш, яъни қандайдир

янгиликни яратиш ва фойдаланиш маъносини билдиради деб ҳисоблайди [78]. Бу ерда маълум ижтимоий талабга жавобан юзага келган ва бу талабни қондирадиган амалий воситани ифодаловчи янгилик ҳақида гап бормоқда. Шунингдек, таълимда педагогик амалиётда янгиликни яратиш, эгаллаш, фойдаланиш ва тарқатиш бўйича фаолиятлар мажмуини ҳам инновацион жараён деб аташади. Таълим соҳасида юзага келадиган новациялар ҳар доим ҳам назарий асосга эга бўлавермайди, чунки новатор ўқитувчилар одатда ўз авторлик мактабларини, концепцияларини, янги дастурларини, услубларини ва ҳ.к. амалий иш давомида ишлаб чиқадилар.

Франсуз олими Э.Брансуик эҳтимоли бўлган педагогик янгиликларнинг уч турини ажратади:

1. Янгилик сифатида тўлиқ янги ва илгари номаълум бўлган таълим ғоялари ва ҳаракатлари юзага чиқади.

2. Энг кўп миқдордаги янгиликлар мослаштирилган, кенгайтирилган ёки қайта тузилган ғоя ва ҳаракатлардан иборат бўлиб, маълум соҳа ва даврда алоҳида аҳамият касб этади.

3. Педагогик янгиликлар янги ҳолатларда, ўзгартирилган шароитларда юзага келади ва бу шароитлар маълум ижобий ғояларнинг самарасини кафолатлайди [140].

Педагогик фаолият кўп ҳолда бошқарувчининг фаолияти ва тафаккурига мос келади. Жамиятимиздаги қайта қуришлар билан, ижтимоий ишлаб чиқаришни баҳолаш меъзонларининг ўзгариши билан боғлиқ ҳамкорликдаги фаолият қурилиш усуллари, фаолият тизимини бошқариш ҳам ўзгармоқда. Янги бошқариш талабларига, демак педагогик фаолиятга ўтиш ҳам ўз навбатида таълим мазмуни ва жараёнини ўзгартириш бўйича бошқариш қарорларини қабул қиладиган инсоннинг шахси ва тафаккурига, бошқариш қобилиятига бўлган талабларни ўзгаришига олиб келади.

Бизга маълумки, креативлик – инсоннинг фикрлашида, ҳиссиётида, мулоқотда, фаолиятнинг алоҳида турларида намоён бўлувчи ижодий имконияти, қобилияти, шахсни бир бутунликда ёки унинг алоҳида

томонларини, фаолияти ҳосиласини, уни яратиш жараёнини характерлайди. Индивиднинг оригинал хазинани яратувчи, ностандарт қарорни қабул қилувчи ички хусусиятини акс эттирувчи қобилият. Креативлик истеъдоднинг муҳим ва нисбатан мустақил фактори сифатида қабул қилинади, у баъзан интеллект матнидаги академик ютуқларда намоён бўлади. Шунингдек, кўплаб фан тармоқларида катта ютуқларга эришиш учун ўзлаштирилаётган турли соҳалардаги билимларнинг интеграцияси талаб этилади. Айнан шундай муаммоларни ҳал қилишда STEAM ёрдам беради. Бу методика таълимни аралаш турда олиб бориш ва эгалланган назарий билимларни кундалик ҳаётда қўллаш олиш кўникмаларини шакллантиришга имкон беради. STEAM (STEAM-ҳозирги кунда дунё таълим тизимининг энг асосий урф бўлган инновацион методларидан бири ҳисобланади. Бир қараганда STEAM аббревиатураси жуда мураккаб кўринади, лекин уни алоҳида кўрадиган бўлсак содда ва аниқ эканини кўришимиз мумкин, яъни: S – science, T – technology, E – engineering, A – art, M – mathematics, ёки табиий фанлар, технология, муҳандислик санъати, ижод, математика.) бу мактабда ва мактабдан ташқарида лойиха ва ўқув-тадқиқот фаолиятини амалга ошириш имкониятини берувчи инновацион технологиядир. Ушбу метод ёрдамида фанлар алоҳида тармоқларда эмас, балки интеграциялашган ҳолда, умумий боғлиқлигини кўрсатиб ўргатилади. Фанларни кундалик ҳаёт билан боғлиқлигини кўрсатишдан ташқари, технология ўқувчиларнинг ижодкорлигини ҳам кўрсатиб бериши мумкин. Ушбу ёндашув ўқувчиларнинг фаолиятига бир қанча вазифаларни тақдим этади, ўқувчи уларни ҳал қилишида ижодкорлигини намоён қилишни ўрганади. Бундай вазифалар ёрдамида ўқувчи ғояларни нафақат ўйлаб топади, балки уларни кундалик ҳаётида амалга оширишни ҳам ўрганади. Шу тариқа, ўқувчи ўз фаолиятини олдига қўйилган вазифалари ва мавжуд имкониятлари доирасида ҳал қилишга ўрганади [137,139].

Креатив тафаккур инсон маънавияти, тарбияси, билими, интеллекти, иқтидори кабиларни ишлата олиш қобилиятини ўз ичига қамраб олади.

Демак, ҳар бир фан ўқитувчиси ўқувчиларда мана шу хислатларни педагогик диагностика методлари орқали аниқлаган ҳолда, уни шакллантириш ва ривожлантириши зарур.

Ўқитишда креатив ёндашув масаласи бу педагогик жараёни шахс имкониятларига йўналтирилган ҳолда ташкил этиш, таълим олувчиларнинг ижодий ва мустақил фикрлашига имкон берувчи зарурий ўқитиш технологияларини танлаш ва амалга ошириш, шунингдек, ўқитувчининг касбий-инновацион компетентлиги билан асосланадиган ўқитишга нисбатан замонавий ёндашув шаклларида саналади. Ижодкор шахснинг шаклланишини шахснинг ўзаро мос тарзда бажарилган ижодий фаолият ва ижодий маҳсулотларни яратиш борасидаги ривожланиши сифатида белгилаш мумкин. Ушбу жараёнинг суръати ва қамрови биологик ва ижтимоий омиллар, шахснинг фаоллиги ва креатив сифатлари, шунингдек, мавжуд шарт-шароит, ҳаётининг муҳим ва касбий шартланган ҳодисаларга боғлиқ. Замонавий шароитда педагогнинг креативлик сифатларига эга бўлиши тақозо этади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, фан ва техника тараққиёти ривожланган сари инсоннинг билим доираси янада кенгайиши, бир вақтнинг ўзида кенг қамровли билимларни ўрганиши, халқ хўжалигининг ҳар бир соҳаси учун ижодкор мутахассислар тайёрлашни тақозо этади. Креативликни шакллантириш эса умумтаълим мактабларида амалга оширилиши мақсадга мувофиқ.

## **I - боб бўйича хулосалар**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги “Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5242-

сон Фармонида “Уста-шогирд” анъаналари асосида ёш ҳунармандлар авлодини тарбиялаш миллий анъана ва қадриятларга суяниш муҳимлиги кайд этилган. Шунга кўра, тадқиқот ишида “Технология” ўқув предметининг “Халқ ҳунармандчилиги” соҳасини ўқитишда ўқувчиларда креативликни шакллантириш, халқ ҳунармандчилигини мукамал ўрганиш бугунги кунда долзарб эканлиги аниқланди.

Республикамиз умумтаълим мактабларидаги фанларни, жумладан “Технология” фанини ўқитиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, халқ ҳунармандчилиги асосида ўқувчиларда креативликни шакллантиришни такомиллаштириш, халқ ҳунармандчилигини ривожлантиришга оид илмий изланишлар, педагогикада олиб борилган илмий изланишларда халқ ҳунармандчилиги асосида ўқувчиларда креативликни шакллантириш масаласи, мактаб ўқувчиларида креативликни такомиллаштириш услублари етарлича ишлаб чиқилмаганлиги аниқланди.

“Таълим технологияси” фанини ўқитиш жараёнида таълим асосан кўргазмалилик усули намойиш этиш, иллюстрация ва экскурсия тариқасида олиб борилиши, таълим жараёнида намойиш этиш усулидан фойдаланиш асосий материалнинг характериға - мазмуни, шакли ва ҳажмиға боғлиқ, замонавий таълим технологияларини қўллаб ўқувчиларда креативликни шакллантиришни такомиллаштириш мумкин.

Бунинг учун ўқитувчи ўқувчиларни онг, тафаккур ва ақлни барча йўналишларда истиқболни кўриш ва англашға ўргатиш, уларда тафаккур ақлнинг пешқадамлиги, тафаккурнинг ноанъанавийлиги, олдиндан башоратлай олиш, яъни прогноз қила олиш каби хусусиятларни педагогик жараёнда мақсадли шакллантирилиши керак.

Креативлик (лот., инг. “create ” – яратиш, “creative ” яратувчи, ижодкор) – индивиднинг янги ғояларни ишлаб чиқаришға тайёрликни тавсифловчи ҳамда мустақил омил сифатида иқтидорлиликнинг таркибига кирувчи ижодий қобилияти маъносини ифодалайди. Шахснинг креативлиги унинг тафаккурида, мулоқотида, ҳис-туйғуларида, муайян фаолият турларида

намоён бўлади. Креативлик шахсни яхлит ҳолда ёки унинг муайян хусусиятларини, зехни ўткирликни тавсифлайди.

Креатив тафаккур жамият тараққиётининг янги босқичларини таъминлаш учун хизмат қиладиган ноанъанавий фикрлаш қобилияти ва тараққиёт омилларини таъминлашга йўналтирилган тафаккур ҳисобланади. Креатив тафаккур ривожланган давлатларни халқ хўжалигининг барча тармоқларида энг қуйи босқичдан тортиб энг юқори даражаларгача креатив тафаккур талаб қилинади. Чунки у жамият тараққиётида унинг такомил, ўсиши, ривожланиши, кенгайиши ва мўътадил сақланишининг воситаси ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан педагогик фаолиятда шундай ўқитишни ташкил этиш керакки, ўқувчи креатив фикрловчи, келгусида замонавий жамият ва ишлаб чиқаришда муҳим режалаштириш, ташкиллаштириш, таҳлил қилиш, асослаш, мотивациялаш, назорат қилиш каби функцияларни креатив ташкил этиш имкониятига эга бўлсин.

Креатив ёндашув таълим жараёнининг асосий иштирокчилари – ўқитувчи, ўқувчи ва ўқувчилар гуруҳи ўртасида юзага келадиган ҳамкорлик, қизғин баҳс-мунозалар, ўзаро фикр алмашиш имкониятига эгаллик асосида ташкил этилади, уларда эркин фикрлаш, шахсий қарашларини иккиланмай баён этиш, муаммоли вазиятларда ечимларни биргаликда излаш, ўқув материалларини ўзлаштиришда ўқувчиларнинг ўзаро яқинликларини юзага келтириш, “ўқитувчи – ўқувчи – ўқувчилар гуруҳининг ўзаро бир-бирларини ҳурмат қилишлари, тушунишлари ва қўллаб-қувватлашлари, самимий муносабатда бўлишлари, руҳий бирликка эришишлари кабилар билан тавсифланади.

## **II-БОБ. МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИДА КРЕАТИВЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МЕТОДИКАСИ**

### **§2.1. Умумтаълим мактаблари ўқувчиларида халқ хунармандчилиги асосида креативликни шакллантиришни такомиллаштириш методикаси**



Халқ хунармандчилиги тарихи халқларнинг, жумладан, ўзбек халқининг пайдо бўлиши, шаклланиши, тарихий ривожланиши, миллий қадриятларини ифодаладиган соҳа бўлиб хизмат қила оладиган маънавий, моддий, маданий меросимиздир. Шунинг учун ёшларга, мактаб ўқувчиларига халқ хунармандчилигига оид ишларни ўргатиш уларни маънавий томондан тарбиялаш, ўз халқининг хунармандчилиги, урф-одатлари, асрий миллий қадриятлари билан таништиришда ва касб-хунарга йўналтиришда катта аҳамиятга эгадир. Бу борада умумий ўрта таълим мактабларида ўқитиладиган меҳнат таълими ўқув фанида ўқувчиларга халқ хунармандчилиги ҳақида маълумот бериш, халқ хунармандчилигига оид ишларни ўргатиш кўзда тутилган бўлиб, бунда бевосита юқоридаги вазифаларни амалга ошириш учун катта имкониятлар мавжуд. Бинобарин Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги 2019-йил 28-ноябрда имзолаган қарорда кўрсатилганидек [2], ёшларни халқ санъати усталарининг кўникмаларига ўқитиб, ўргатиш учун зарур бўлган шартшароитларни вужудга келтиришда амалий ёрдам кўрсатиш энг муҳим вазифадир.

Халқ хунармандчилиги 150 дан зиёд соҳага эга бўлиб, ўзида меҳнат ва касб таълимининг кўпгина хусусиятлари-амалийлиги, ижодийлиги, миллийлиги, маҳаллий хомашёларни топиш ва уларга ишлов беришнинг қулайлиги, ўғил ва қиз болалар меҳнатининг ўзига хослиги, шаҳар ва қишлоқ мактабини уйғунлаштира олиши, асосий ҳолларда мураккаб қурилмалар, ускуналар, асбоблар ва станоклар талаб қилмаслиги, машғулотларни ташкил этишнинг соддалиги билан ажралиб туради. Жумладан наққошлик, ёғоч ва ганч ўймакорлиги каби халқ хунармандчилиги турларини мактаб ўқувчиларига ўргатиш катта қийинчилик туғдирмайди.

Натижада бундай соҳани етарлича ўрганган, маълум касбларни эгаллаган ёшларнинг ишсиз қолмасликлари, меҳнат бозорининг рақобатбардошлиги билан алоҳида эътиборга моликдир.

Халқ ҳунарманчилиги санъати миллий қадриятларни, анъаналарни изчил ўрганиш, ривожлантириш ва такомиллаштирган ҳолда бойитиб бориш малака ва кўникмаларига асосланади. Бинобарин “Таълим тўғрисида”ги қонунда: "Умумий таълим узлуксиз давлат таълими тизимида асосий бўғин бўлиб, таълим олувчилар илмий билим, меҳнат ва бошланғич касб-кор кўникмалари, ишбилармонлик асосларини эгаллашлари, шунингдек, ижодий қобилиятлари ва маънавий фазилатларини ривожлантиришни таъминлайди, - деб таъкидланган[150].

Халқ ҳунарманчилиги ёшларнинг тафаккури, тасаввури, эстетик диди, эпчиллиги каби сифатларини шакллантиришга ёрдам беради. Зеро, бу сифат ва фазилатлар ёш авлодни ҳар томонлама ривожлантиришга самарали таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон Республикасида ёшларнинг меҳнат ва касб тайёргарлиги тизимини амалга ошириш, бунда миллий, тарихий, ҳудудий, маънавий, маданий ва этник хусусиятларни етарлича ифодалаш мақсадида умумтаълим мактабларида Технология фани 5 та йўналишда, жумладан, "Халқ ҳунаромандчилиги технологияси" бўлими ўқитилади. Халқимизнинг узок ўтмишга-эрамыздан аввалги даврларга бориб тақаладиган ҳунаромандчилиги, амалий санъати, миллий қадриятларини чуқур ёшлар онгига сингдириш учун меҳнат ва касб таълимини ўқитишда халқ ҳунаромандчилиги соҳаларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўқитувчининг ижодий тафаккури ва инновацион фаолияти ўзгараётган жамият талабларига мос ўқув жараёнини қайта қуришни таъминловчи ва ҳар қандай мақсадни самарали эгаллашда ҳал қилувчи омиллардан бири бўлиб юзага чиқмоқда. Анъанавий инновацион педагогик лойиҳаларга авторлик мактабларининг дастурлари таълимнинг оригинал технологиялари (В.Ф.Шаталов, [129], Н.Ф.Тализина[120].) альтернатив турдаги таълим

муассасаларининг (лицейлар, коллежлар, комплекс-мактаблар ва ҳ.к.) ўқув-норматив хужжатлари; таълим муассасалари амалиётига диагностик технологияларни (мониторинг, тест, анкета, рейтинг, педагогик конкурслар ва ҳ.к.) татбиқ этиш тааллуқлидир. Барча инновацион педагогик лойиҳаларнинг турлари тегишли назарий асослашсиз бошқарув органлари ёки ўқитувчи-новаторларнинг ташаббуси билан вужудга келган.

Таълимга инновацион ёндашишни икки асосий турга ажратиш мумкин:

1. *Инновация – модернизациялар*, анъанавий репродуктив йўналиш қолипидаги кафолатланган самарага эришишга йўналтирилган ўқув жараёнини модернизацияловчилар. Улар асосида ётувчи таълимга технологик ёндашиш аввало ўқувчиларга билим беришни ва намуна бўйича фаолият усуллари шакллантиришни кўзда тутуди, юқори натижали репродуктив таълимга йўналган.

2. *Инновация – трансформациялар*, анъанавий ўқув жараёнини ўзгартиради, унинг тадқиқот характерида бўлишини таъминлайди, изланиш ўқув-билиш фаолиятини ташкил этади.

Таълим соҳасидаги янгиликларни мазмуни, аҳамияти ва оқибати бўйича ажратиш мумкин. Янгиликлар глобал ёки қисман, ташкил этилган ёки спонтан (баъзи ўқитувчиларда) бўлиши мумкин. Одатда инновацион педагогик фаолиятнинг таҳлили илғор педагогик тажриба таҳлилига келиб тақалади (муаллифлик курсларининг баёни, муаллифлик мактаблари, оригинал таълим технологиялари концепцияси, педагогик диагностика услублари ва ҳ.к.).

А.Я.Найн ўз монографиясида кўрсатишича, ўқитувчи-новаторлар тажрибаси татбиқ этилиб амалга оширилганда унга янги педагогик маданият намунаси сифатида қаралгандагина муваффақиятга эришилади [88]. Аммо, кўпинча шахсий тажрибанинг муаллифлик баёни қабул қилинган талабларга ва илмий ҳисоботларга тўғри келмайди. Шу билан боғлиқ ўқитувчи-новаторларни тадқиқот фаолиятига тайёрлаш вазифалари юзага чиқади.

Анъанавий таълим амалиёти ўз вазифасини ўқитилаётганларни жамиятнинг умумлаштирилган ва тизимлаштирилган ижтимоий амалий тажрибасидан баҳраманд этишда деб билади. Ана шундан назарий билимларнинг етакчи ролини тасдиқлаш, фанлар асосини эгаллашга йўналтириш келиб чиқади. Ўқувчининг ўқув фаолияти ҳаётдан ажралиб қолгандек бўлади – унга тўпланган ахборотларни эгаллаш мақсади юкланади. Шу билан кўпчилик Ўқувчиларнинг таълим ва касбга бўлган кизиқишларининг сусайиши изоҳланади. Шундай қилиб, диққат, идрок ва хотира жараёнига таянувчи анъанавий таълим билан касбий фаолиятдаги ижодий диалогик тафаккур ва ижтимоий фаоллик даражасидаги билиш жараёнига Ўқувчи шахсини жалб этишни таъминлаш зарурлиги ўртасида қарама-қаршилик юзага келади.

Замонавий анъанавий таълим ривожланишидаги ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиш тамойилларини қайта кўриб чиқиш, таълим субъекти билиш фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш тизимини ташкил этишга, ижодга ўргатишга, шахсга йўналтирилган таълимга ўтиш лозимдир. Олий таълимдаги педагогларнинг ижодий тафаккурисиз ва инновацион фаолиятисиз бундай ўтиш мумкин эмасдир. Олий таълимдаги ўқитувчиларнинг кўпчилиги анъанавий таълим тизимида ишлаётганига ва янгиликларга эътиборсиз бўлишларига қарамай, педагогик ҳамкорлик инновациялар тизимини қабул этишга тайёрдир.

Педагогнинг инновацион фаолиятини шахснинг сифати, яратиш жараёни ва ижодий фаолият натижаси деб изоҳлаш мумкин. Педагогнинг ижодий унумли шахси кенг қизиқишларга, педагогик янгиликларни тез уқишга эга бўлади.

Ўқитувчи таълим мазмунини тушуниши ва тафаккурни ривожлантирувчи, назарияга, касбий ва ижтимоий тажрибага изланувчан ёндошувчи таълимнинг янги технологияларидан фойдалана билиши лозим.

Педагог киритаётган ҳар қандай тушунча Ўқувчининг олдинги тажрибаси тузилишини ўзгартирмоғи лозим. Таълимнинг предмет-мазмунли

Ўқув натижаси билан бир қаторда изланиш фаолияти тажрибасини рефлексив англаш ҳам алоҳида натижа бўлиши лозим. Бунда янги тажрибани эгаллаш мотивлари, билиш имкониятларининг кенгайиши, бўлажак касбий ҳолатлардан фойдаланиш имкониятлари мавжуд бўлади.

Ўқувчиларга бўлган замонавий талаб – бу олий маҳорат, мулоқотга кириша билишлик, кўникувчанлик, ривожланган тафаккур асосида мураккаб муаммоларни ҳал эта билишдир.

Таффакур эса фақат эслаб қолиш етарли бўлган ўқитувчи олдиндан айтган мисол бўйича вазифаларни ҳал этиш йўлида эмас, балки муаммоли ҳолатларда юзага келади,

Ўқувчининг тафаккурини ривожлантира туриб, авваламбор фаол бўлган таълим услублари - муаммоли маърузалар, ролли ўйинлар, семинар-мунозаралар, ринглар, дебатларга таяниш лозим. Булар муаммоли ҳолатни ностандарт ҳал этишни ва ундан чиқишни таъминлайди. Шубҳасиз, Ўқувчиларнинг турли хил таълим шакллари ва ўқув-тадқиқот ишлари, курс ишлари, диплом лойиҳалари янги ахборот технологиялари фаол таълимнинг таркиби бўлиб ҳисобланади.

Н.Азизхўжаева [44], У.Нишоналиев [16], М.В.Кларин [74], В.А.Сластенин [104], тадқиқотларида ўқитувчи инновацион фаолиятига қўйиладиган бир қатор талаблар кўриб чиқилган. Бу авторларнинг тадқиқотларига таяниб, биз 15инновацион фаолиятга тайёрлашни ташкил этишдаги бир қатор шартларни аниқладик:

- Ўқувчининг ўз шахсини намоён қила олиш қобилияти, ўқув-билиш жараёнини Ўқувчининг шахсига йўналганлиги инновацион фаолиятга тайёргарликни ташкил этишда устунлик қилиши;

- Профессинал билим ва кўникмаларни эгаллаш жараёнида ўқувчининг ўзини ижодий намоён этиш ҳуқуқи сифатида танлаш эркинлигини кенгайтиришни;

- Рефлексив жараёнларни ривожлантиришни;

- Бўлажак инноваторнинг методологик маданиятини шакллантириш.


Ўқувчиларни инновацион фаолиятга жалб этишда, ўқувчилар инновацион жараёнлар ҳақидаги дастлабки тасаввурларини “Технология” фанини ўрганишда эгаллашади. Бунда новаторлик фаолиятининг моҳияти очиқ берилди, ижодиёт хусусияти ҳақидаги илк тасаввурлар шаклланади. Амалий машғулотларда инновацион фаолият у ёки бу ғояларнинг аҳамияти ва истиқболи ҳақида хулосалар чиқарилади.

Ўқувчиларда инновацион креативликни шакллантиришнинг турли шакллари излаш умумтаълим мактабларидаги ҳал қилинмаган муаммолардан биридир. Бу муаммо янги педагогик муаммоларни аниқлаш ва англаш, назария ва амалиёт таҳлилида танқид ва ўз-ўзини танқид, таълим, тарбия ва ўқувчи шахсини ривожлантиришда ностандарт йўللарни танлаш, услуб ва услубиятдаги доғмалардан воз кечиш билан характерланади.

Таълим жараёнида педагогга хос креативлик сифатлари ўқувчилардаги ташаббускорлик, интилувчанлик, ижодкорлик, ноодатий фикрлаш каби хусусиятлар билан уйғунлашиши муҳим ўрин тутди. Креатив ёндашув шахсининг ички имкониятларини рўёбга чиқарибгина қолмай, балки, ўқувчиларда мустақиллик, ижодкорлик сифатларини таркиб топишига, уларнинг фаоллашувига кўмак беради. Шунга кўра, “Технология” фанини ўқитишда креативликни шакллантириш тузилмаси ишлаб чиқилди (2.1.1-расм).

Ушбу тузилмада: -ўқув мақсади аниқланди, мазмун танланди, яъни улар, бўлим мавзулари мураккаблиги, фанлараро алоқадорлиги ва бошқалар инobatга олинган ҳолда амалга оширилди. Мақсадга кўра, ўқитиш методи танланди. Бунинг учун биринчи навбатда гуруҳда ўтказилган психологик тест натижалари бўйича, ўқувчиларнинг қобилияти ва қизиқишлари, фанлараро алоқадорлик инobatга олинди.

**“Технология” фанини ўқитишда  
креативликни шакллантириш**



2.1.1-чизма. “Технология” фанини ўқитишда креативликни шакллантириш тузилмаси

Бунда ўқитиш сифатини баҳолаш учун, ўқувчиларнинг баҳолаш варақасига ҳамда ўқувчиларнинг ўзлаштириш баҳолари натижаларига кўра натижалар аниқланди. Ўқув-тарбия жараёнини креатив ёндашув асосида ташкил этиш билан фанларига мустаҳкам пойдевор ўрнатишга ва натижада келгусида етук рақобатбардош мутахассислар тайёрлашга эришиш мумкин (2.1.1-чизма). Тузилмага кўра: ўқув мақсади аниқланди, мазмун танланди, яъни улар, бўлим мавзулари мураккаблиги, фанлараро алоқадорлиги ва бошқалар инобатга олинган ҳолда амалга оширилди. Мақсадга кўра, ўқитиш методи танланди. Бунинг учун биринчи навбатда гуруҳда ўтказилган психологик

тест натижалари бўйича, ўқувчиларнинг креатив қобилияти ва қизиқишлари, фанлараро алоқадорлик инобатга олинди.

Шунга кўра, ўқитишнинг интерфаол ва электрон усуллари танланди. Танланган усулга қараб ўқув манбаларидан фойдаланилди. Олиб борилган ўқитиш сифатини аниқлаш учун ўқувчиларни баҳолаш билан бир қаторда уларнинг фикрларини бўлимнинг сўнггида такрорлаш дарсида “Ўқувчиларнинг баҳолаш варақаси” жавоблари ҳам ўрганиб чиқилди. Ўқитишнинг сифати аниқланди (3-боб мавзуларида натижалар келтирилган). Ўқитишнинг сифати қандайлигига кўра, мақсад ва мазмун қайта танланади (2.1.1-чизма).

Ўқувчиларда креативликни шакллантиришнинг тўртта йўли мавжуд:

**1-йўл: креатив фикрлаш кўникмасини шакллантириш.** Бунда асосий урғу креатив фикрлаш кўникмаларини шакллантириш асосий эътибор марказида бўлиб, ўқувчилар иш бажариш усуллари асосида феъллар ёрдамида креатив характердаги ҳаракатларнинг моҳиятини ифодалашга йўналтирилади. Хусусан, ўқитувчилар креатив фикрлаш кўникмасини самарали шакллантириш мақсадида ўқувчиларга уларни фикрлашга ундовчи саволлар таркибида мавзу бўйича маҳсулотни тайёрлаш усулларининг бўлишига эътибор қаратилади. Бу ҳолат мисоллар билан тушунтирилса, ўқувчиларда “Халқ хунармандчилигида-зардўзлик” мазмунидаги назорат саволи уларда креативликни шакллантирмайди. Зеро, савол таркибидаги “таърифлаб беринг” тушунчаси ўз моҳиятига кўра “мавжуд билимларингизни бирма-бир айтиб ўтинг” дейиш билан тенг. Назорат саволларини беришда ўқувчиларни фикрлашга ундовчи сўз (феъл)лардан фойдаланиш уларнинг креатив фикрлашларини осонлаштиради. Шу сабабли шахсда креатив сифатларни шакллантиришнинг биринчи йўлига кўра педагоглар турли, антиқа, ноанъанавий ҳамда пухта жавобни беришга мажбур қилувчи сўз (феъл)лардан фойдаланишлари мақсадга мувофиқдир. Масалан: “яратинг”, “фикрни мантиқан баён этинг”, “тасаввур қилинг” каби сўз (феъл)лардан



фойдаланиш амалий жиҳатдан самарали саналади. Натижада ўқувчилар ҳам мавжуд билимларни умумлаштириш, ҳам янги фикр ва ғояларни илгари суриш имкониятига эга бўлади.

**2-йўл: амалий креатив ҳаракат кўникмаларини ривожлантириш.**

Педагог ўқувчиларда креатив ҳаракат кўникмаларини шакллантириш ва Drapeau Patti. Sparking student creativity (practical ways to promote innovative thinking and problem solving). – Alexandria – Virginia, USA: ASCD, 2014. ривожлантиришда кўрсатмали метод ва усуллардан фойдаланади. Бу ўринда “усулини топинг”, “ўзгартириш киритинг”, “мақбул вариантни танланг” каби креатив амалий ҳаракат кўникмаларини шакллантириши, ўқувчиларда интерфаоллик ва киришимлиликини ривожлантириш имконияти .

**3-йўл: креатив фаолият жараёнларни ташкил этиш.** Мазкур йўл ўқувчиларни муаммони ечиш ва инновацион ғояларни илгари суриш жараёнида креатив, ижодий фикрлашга урғу беради. Мазкур жараёнларда креатив метод ва усуллар фаол қўлланилмаса-да, креатив фикрлаш юз беради. Масалан: “янгича кўриниш ҳосил қилинг”, “бошқача усулда тайёрланг”, “оптимал вариантни танланг” каби топшириқларни бажарар экан, ўқувчилар халқ хунармандчилигида-зардўзликни такомиллаштириш билан боғлиқ турли муаммоларни таҳлил қилади. Натижада ушбу жараёнда кўп томонлама фикрлаш, мушоҳада юритиш рўй беради.

**4-йўл: креатив маҳсулот (ишланма)лардан фойдаланиш.** Бу йўлни тутишда педагог ўқувчиларга “Халқ хунармандчилигида-зардўзлик ва менинг янги ғояларим” мавзусида ўз ишланмасини яратиш топшириғини бериши мумкин. Топшириқни тайёрлаш жараёнида ўқувчиларда креатив фикрлаш кўникмалари фаол ривожланади. Ўқувчилар ўзларининг креатив фикрлаш қобилиятларини қулай муҳитда тўла намоён қилишлари мумкин. Агар ўқувчиларда муваффақиятсизликка учраш кўрқув ҳисси мавжуд бўлса, фикрни нотўғри ифодалашдан ҳадиксирасалар, танқидга учрасалар бундай вазиятда уларда креатив фикрлаш кўникмаларини самарали шакллантириш ёки

ривожлантириш мумкин бўлмайди. Ўқувчиларда креативликни одатга айлантириш орқалигина креатив фикрлаш кўникмасини муваффақиятли шакллантириш мумкин. Таълим амалиётини кузатиш, ўқувчилар ўқув фаолиятини ўрганиш, ташхисловчи методларни қўллаш натижасида маълум бўлдики, ўқувчиларда креативлик муайян босқичларда, яъни креативлик куйидаги тўрт босқичда шаклланади ва ривожланади (2.1.1-жадвал):

### Креатив шахснинг шаклланиш босқичлари

#### 2.1.1-жадвал

Босқичлар	Мазмуни
1-босқич	Мактабдаги туркум фанларнинг (жумладан, “Технология” фанини) назарий-методологик асосларини ўзлаштириш
2-босқич	Ўзлаштирилган назарий билимларни амалий машғулотлар ва мустақил таълим жараёнида амалиётга тадбиқ этиш кўникмаларини ҳосил қилиш
3-босқич	Мустақил равишда ўқиб-ўрганиш ва ижодий изланиш асосида ҳосил қилинган амалий кўникмаларнинг малакаларга айланишига эришиш
4-босқич	Мавжуд назарий билим, амалий кўникма ва малакаларга таянган ҳолда фаолиятни самарали ташкил этишга психологик жиҳатдан тайёрланиш

Шахсда креативлик сифатларини ривожлантириш мураккаб жараён саналади. Бунинг учун, “Технология” фанини ўқитишда креатив характерга эга машғулотларни ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Бундай машғулотлар ўқувчиларнинг қизиқишларини кучайтириб, улар янада кўпроқ ҳаракат қилишга ундайди. Биз, халқ хунармандчилигини ўрганиш жараёнида ўқувчиларда креативлик сифатларини ривожлантирувчи метод, восита ва технологияларни юқоридаги ўқувчиларда креативликни шакллантиришнинг тўртта йўлини уйғунликда қўладик. Жумладан, **Электрон алоқа** технологиясида педагогик модератор воситасидан таълим-тарбия жараёнида таълим берувчи билан таълим олувчи ўртасидаги алоқани танлаб бериш, ёшлар орасида ўтказиладиган турли семинар, тренинг, анжуманлардаги ўзаро алоқаларда ҳам ундан самарали фойдаланиш мумкин. Бунда, электрон алоқа

орқали мунозарали формлар ўтказиш ва улардан ўқув жараёнида фойдаланиш учун турли рўйхатларни жонлантиришни ташкил этиш мумкин. Кўпчилик ўқув алоқа анжуманларида мунозараларни бошқариш ва уларни мувофиқлаштириш мақсадга мувофиқ. Бундай анжуманлар модерланувчи ҳисобланади. Ушбу технологияда ўқув жараёнида фойдаланишнинг самараси кўп томондан модератор (фасилитёр) нинг ихтисослаштирилганлиги, унинг ўқув курси мақсадига энг юқори даражада эришилишини таъминлайдиган мунозараларни бошқара олиш жараёнида фойдаланилади (2.1.1-расм).

Бу ерда модератор – таълим мазмунини яратувчиси, модулларни ишлаб чиқувчи шахс ҳисобланади.

Модератор- қабул қилинган қоидаларга амал қилишни текширади, ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш ва ишлаш қобилиятларни ривожлантириш, билиш фаолиятини фаоллаштиришга ёрдам беради. Маълумотни, семинарни, тренинглар ва давра суҳбатларини бошқаради, фикрларни умумлаштиради.

Тадқиқот ишида педагогик модератор фаолияти фанни ўқитиш жараёнига “Мустақил ҳаракатланиш” таълим мақсадини амалга оширишда қўлланилди. Мустақил ҳаракатланиш-таълим мақсади Германияда таълимнинг энг муҳим мақсади сифатида қаралади, унга ўқувчини мустақил фаолиятни бажаришга қодир қилиш, бунинг ичига эса мустақил режалаштиришни амалга ошириш ва текшириш киради [128].

Албатта ўқувчилар бундай кенг малакага уларнинг шарт-шароитлар ва имкониятлари доирасида жавоб бера оладилар. Шу боис мустақил режалаштириш амалга ошириш ва текшириш деганда ўқувчининг умумий ўқув фаолияти билан адаштириш мумкин эмас. Мустақил ҳаракат қилиш дегани шуни англатадики ўқувчи унга топширилган ишларни мустақил равишда яъни бировнинг бошқариб туришисиз амалга ошириши керак. Масалан бирор ишни бошлашдан олдин иш тартибини режалаштириш ишлаб чиқариш усулини белгилаш ёки керакли материалларни танлаш ва иш тугатилганидан кейин натижа сифатини назоратини ўтказиш.



2.1.1-расм. Модератордан ўқув жараёнида фойдаланиш.

Бундан ташқари мустақил ва маъсулиятли ўқувчилардан кутиладиган нарса шуки улар иш тартибини иқтисодий мезонлар асосида яъни тежамкорлик асосида режалаштириш ва амалга оширишлари керак. Яъни улар масалан тежамли ишлаб чиқариш усулларини ишлатиш материаллардан ёки энергиядан тежамли фойдаланиш усулларини билишлари керак.

“Технология” фани ўқув жараёнида “мустақил ҳаракатланиш” деб аталган ўқув мақсаднинг эришилиши фақат тасодифан бўлишига йўл қўйилмайди. Бу малакани систематик равишда ўргатиш таълим амалиётининг доимий омили бўлиши лозим. Мустақил ҳаракатланишни ривожлантириш таълимнинг биринчи куниданоқ унинг таркибий қисми бўлиши лозим. Бунинг учун топшириқларни бажаришда режалаштириш ва текшириш вазифалари киритилиши лозим [27; 84-88- б.].

Фан ўқитувчиси модераторни гуруҳ лидерларидан танлайди, лидер аълочи ўқувчи ёки синф сардори бўлиши шарт эмас, муҳими у синф ўқувчиларини ўқув топшириқларини бажаришга мустақил ҳаракатлантириши лозим.

Педагогик модератор ёрдамида ўқув машғулотида замонавий таълим технологиялари қўлланилди. Жумладан, Ассесмент технологияси қўлланилди. “Ассесмент” инглизча сўз бўлиб, “баҳо”, “баҳолаш” маъносини билдиради. Ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакалари даражасини ҳар томонлама, холис баҳолаш имкониятини таъминловчи топшириқлар тўплами бўлиб, у биографик анкета, таълим соҳасидаги ютуқлар баёни, ўқув индивидуал топшириқ, баҳс-мунозара, интервью, ижодий иш, тест, индивидуал кейс, такдимот, эксперт кузатиш, ролли ҳамда ишбилармонлик ўйинлари кабилардан ташкил топади. Технология, асосан, қуйидаги уч мақсадга хизмат қилади:

- 1) Ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини ҳар томонлама, холис баҳолаш;
- 2) Ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини ривожлантириш имкониятларини аниқлаш;
- 3) Ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини ривожлантиришга хизмат қиладиган истиқболли режа (мақсадли дастур)ни шакллантириш [40].

Ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакалари камида тўртта топшириқ бўйича баҳолаш мумкин (2.1.2.-расм).

Демак, инновацион фаолият янги ижтимоий талаблар билан анъанавий меъёрларнинг мос келмаслиги ёхуд амалиётнинг янги шаклланаётган меъёрининг юзага келган меъёр билан тўқнашувчи натижасида вужудга келган қатор муаммоларни ечишга йўналтирилган фаолият саналади.

<p style="text-align: center;"><b>Изоҳли луғат</b></p> <p style="text-align: center;">(Чилангарлик, заргарлик, пичоқчилик ишлари ва уларда қўлланиладиган иш усулларига оид сўзлар ёзилади)</p>	<p style="text-align: center;"><b>Муаммоли вазият</b></p> <p style="text-align: center;">(Чилангарлик, заргарлик, пичоқчилик ишлари ва уларда қўлланиладиган иш усулларига оид муаммоли вазият баён қилинади)</p>
<p style="text-align: center;"><b>Ижодий иш</b></p> <p style="text-align: center;">(Чилангарлик, заргарлик, пичоқчилик ишлари ва уларда қўлланиладиган иш усулларига оид бирор ижодий иш бажарилиши сўралади)</p>	<p style="text-align: center;"><b>Тест</b></p> <p style="text-align: center;">(Чилангарлик, заргарлик, пичоқчилик ишлари ва уларда қўлланиладиган иш усулларига оид тестлар ишланади)</p>

2.1.2-расм. Педагогик модератор ёрдамида “Ассесмент” технологиясини қўллаш

У шахсинг, хусусан, педагогнинг инновацион жараёни ташкил этишга ташкилий –технологик, методик ва ижодий жиҳатдан тайёрлиги ҳисобига ташкил этилади. Педагогик инновацияларнинг изчил равишда педагогик фаолиятга янгиликларни олиб киришга имкон бериш орқали таълим тизими ёки жараёни мунтазам ривожланиб боради. Ўқитувчининг инновацион фаолияти педагогик жамоани ҳаракатга келтирувчи, олға ундовчи, бунёдкорликка рағбатлантирувчи куч сифатида намоён бўлади ҳамда у таълим жараёнининг сифатини кафолатлайди. Шу боис ҳар бир ўқитувчи инновацияларнинг моҳиятини тўла тушунган ҳолда ўз фаолиятига изчил татбиқ эта олса таълим жараёни ҳам сифат ҳам самарадорлик нуқтаи назардан тараққий этади. Бу эса ўз навбатида таълим тизимининг ривожини таъминлайди.

Замонавий шароитда таълим амалиётида лойиҳа ҳамда муаммоли таълим технологияларининг қўлланилиши ўқитиш жараёнини самарали кечишини таъминлаш билан бирга Ўқувчиларда мустақил, танқидий ва

ижодий фикрлаш қобилиятини ривожлантиради. Таълим сифатини яхшилаш ва самарадорлигини оширишга нисбатан қўйилаётган ижтимоий талаблар ўқитувчилардан лойиҳа ва муаммоли таълим технологияларини ўқитиш жараёнида мақсадли, самарали қўллашни талаб этади. Мазкур таълим технологияларининг моҳиятига оид маълумотлар билан танишиш малака ошириш курслари тингловчиларининг мавжуд билимларини бойитиш билан бирга амалий кўникма, малакаларини янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Шахсга йуналтирилган таълим муассасасида ҳар бир ўқувчи учун ўқишга қабул қилинган кундан бошлаб, бир хил тенг шароит яратилади, бунда ўқувчининг интеллектуал ривожланиш даражаси инобатга олинмайди. Таълим- ҳар бир таълим олувчининг ривожланиши учун шароит сифатида, унинг индивидуал қизиқишлари ва эҳтиёжларини, ҳозирги тез ўзгараётган оламда муваффақиятга ва ижодга интилишини ҳурмат қилиш асосида, унинг фаоллигини, мустақиллигини таъминлашдир. Айнан мана шундай таълимни биз шахсга йуналтирилган таълим деб атаймиз. Унинг асосий функцияси-ҳар бир таълим олувчининг индивидуал хусусиятини аниқлаш орқали унинг ривожланиши учун шароит яратиш, таълим воситалари орқали боланинг танқидий муносабат, мустақиллик, соғлиғига, руҳиятига таъсир этмоқда, бу эса айрим ҳолларда уларнинг ўқишга бўлган қизиқишининг сусайишига сабаб бўлиши мумкин. Фаоллик, ижодий ёндашув каби фазилатларини ривожлантириш ҳамда уларни хулқ-атворда, тафаккурда намоён бўлишини таъминлашдир [39. 93-95-б].

Бозор муносабатлари шароитида фаолият кўрсатиш бевосита ижтимоий рақобат муҳитини талаб этади. Бу муҳит ўз навбатида янгиликларга, юқори сифат ва самарадорликка интилиш, ижодкорлик, изланувчанлик, ишчанлик каби онгли фаолиятга асос бўлиб хизмат қилади. Шу сабабли ёш авлодда мустақил равишда ўқиб ўрганишга нисбатан онгли муносабат ҳис-туйғусини (рағбат) уйғотади.

Педагогик жараёнда рағбат уни сифат ва самарадорлигини кафолатловчи асосий омил деб қаралади. Бундан таҳсил олувчиларда ўқиб ўрганишга бўлган рағбат муҳим аҳамият касб этиши табиий ҳолдир. Давр таҳсил олувчини фаол иштирокчига айланишини талаб этмоқда. Бу фаоллик ўз навбатида онгли муносабат, мустақиллик, ижодкорлик, изланувчанлик каби сифат (фазилат)ларни таркиб топтиришга асос бўлиб хизмат қилади.

Кичик гуруҳларда ишлаш давра суҳбати, баҳс, мунозара, лойиҳалаш, викторина, ўйин каби ноанъанавий шакл ва методлар, беллашув, мусобақа, ўзаро рағбат хусусиятига эга бўлганлиги боис, таҳсил олувчиларни онглилик ва фаолликка ундайди. Уларда мустақиллик, ижодкорлик, тадбиркорлик, изланувчанлик каби муҳим шахсий хислат (фазилат, сифат)ларни шакллантиришни кўзда тутди. Маълумки, педагогик жараённинг самарадорлиги фақат унинг ташкил этиш шаклигагина эмас, балки унинг барча ташкил этувчи компонентлари ва кўплаб омилларга боғлиқ. Бу ерда бир неча тескари алоқа жараёнлари мавжуд, яъни “Маълумот йиғиш” “Режалаштириш”, “Амалга ошириш” ва “Текшириш” босқичларини ўқувчи дейярли бутунлай ўзи ёки кичик гуруҳларда бажариши мумкин. “Қарор қабул қилиш” ва “Хулоса чиқариш” босқичларида эришилган натижалар эса амалиёт ёки назарий ўқитувчилари билан батафсил муҳокама қилиниши керак. Ўқув жараёнини бундай босқичларга бўлиниши ўқувчиларни иложи борича кўпроқ мустақил ўрганишга туртки беради. Ўқувчиларга “Маълумот йиғиш” ва “Режалаштириш” босқичларида ёзма ҳужжатлар масалан техник чизмалар жадваллар эслатмалар йўриқномалар ёки ўқитувчи ўзи тузган ҳужжатлар берилса мақсадга мувофиқ бўлади. Бундай ҳужжатлар мустақил ўрганиш жараёнини жуда яхши кучайтиради [31;73-б.].

Ўқитувчиси ўқув жараёнида модератор билан биргаликда у ҳар бир босқич учун керакли маълумот материаларини тайёрлайди ва ўқувчиларга мустақил маълумот йиғишда ёрдам бериб туради. У ўқувчиларни аниқ мақсадга қаратилган иш-ҳаракат қилишига туртки беради ўқувчининг прогрессини



назорат қилади ва ўқитувчилар билан биргаликда ўрганишдаги нуқсонларни бартараф этиш йўллари ҳақида ўйлайди.

Ўқувчи эса ўз таълимнинг фаол қатнашчиси бўлиб қолади. Энди у фақат тингловчи эмас балки бажариладиган топшириқ учун керакли барча маълумотларни йиғади ўз иш тартибини ва керакли вақтни ўзи режалаштиради ва қолаверса ўз иш натижасини ўзи баҳолайди. Буларнинг хаммасини ўқувчи битта ўзи қилиши мумкин ёки бошқа ўқувчилар билан биргаликда бажариши мумкин бу эса мақсадга ниҳоятда мувофиқ бўлади. Ўқитувчилар шундай роль ўйнашлари ва ўзларини шундай тутишлари «пойдевор квалификациялар» деб аталган қобилиятлар ривожланишига жуда ҳам катта ёрдам беради, яъни мустақил ўрганиш мулоқот тузиш жамоада ишлаш ва энг муҳими ўз натижаларини ўзи баҳолаш ва иш-ҳаракатларини режалаштириш каби қобилиятларини ривожлантиради [28;1057-1062-б.].

Режалаштириш. Ўқувчилар мустақил равишда иш режасини тўлдиришади. Иш режаси уларга формула сифатида берилиши мумкин. Бу режада иш босқичлари уларнинг технологик кетма-кетлигида материал инструментлар ёрдамчи воситалар ва ҳоказо режалаштирилиши лозим. Бу ерда ҳам улар йўналтирувчи саволларни қўллаб ўзларининг шахсий ёзувларидан масалан назарий дарсда қилинган ёзувларидан фойдаланишади. ўқитувчилар ўзлари ҳам шундай режа лойиҳасини ишлаб чиқаришлари мумкин. Бу нарса таълимнинг олдинги босқичида амалга оширилиши ёки бажармаслиги мумкин. Негаки иш режаси - бу берилган топшириқни бажариш учун керакли босқичлар кетма-кетлигининг таърифидир. Лекин иш режаси бирор иш жараёнининг бир қисми бўлиши ҳам мумкин. Иш режасида технологик босқичлар ва улар учун ажратилган вақт керакли инструментлар ва ускуналар ҳамда меҳнат хавфсизлигига оид чора-тадбирлар ҳақида маълумотлар ҳам кўрсатилиши мумкин.

Иш режаси билан бир вақтнинг ўзида бир неча ҳар хил кичик гуруҳларда “Қисман лойиҳа”лар устида ишлайдиган ўқувчилар орасида вазифалар тақсимланишини ва сифат назорати режалаштириш мумкин.

Қарор қабул қилиш. ўқувчилар ўқитувчи билан биргаликда режалаштириш даврида (фазасида) юзага келган натижаларни муҳокама қилишади. Ўқитувчи бу дискуссияни модераторлик йўлида ўтказиши мумкин. Бундай равишда ҳар хил ечимлар бир бири билан таққосланади ва энг яхши вариант танлаб олинади. Бу иш пайтида кичик гуруҳлар аъзолари ҳам аниқ белгиланади. Уларнинг вазифаси бутун лойиҳанинг қисман топшириқларини ҳал қилиш бўлади.

Амалга ошириш. ўқувчилар иш топшириғини иш режаси асосида мустақил равишда бажаришади. Улар яқка тартибда ёки кичик гуруҳларда ишлашлари мумкин. Ўқитувчи жараёни назорат қилиб туради пойдевор квалификациялар ривожланишини таҳлил қилади ва назорат натижаларини махсус «Назорат протоколи»га ёзиб қўяди. Бу протоколда ўқувчиларни баҳолаш мезонлари бўлиши лозим. Бу мезонлар тегишли пойдевор квалификацияларни ҳисоблаб аниқлашни кўрсатади. Пойдевор квалификациялар деганда бу мисол учун мулоқот қобилиятлари ҳамкорлик маъсулиятга онгли муносабат ва креатив қобилиятлар бўлиши мумкин [32, 271- 272-б].

## **§2.2. Ўқувчиларда креатив фикрлаш кўникмасини шакллантириш методикаси**

Ўзбекистонда кўпчилик кундалик ҳаётининг ажралмас қисми бўлган хунармандчилик санъати, хусусан, ёғоч ўймакорлиги, ганчкорлик, кулолчилик, тўқимачилик, зардўзлик, созгарлик, кандакорлик, заргарлик неча-неча минг йиллик тарихга, ўзига хос ижодий мактаб ва анъаналарига, атоқли намояндаларига эга.

Миллий маданиятимизнинг барча соҳалари қатори хунармандчиликни, унинг анъана ва мактабларини тиклаш, ривожлантириш ва тарғиб этишга ҳам

алоҳида эътибор қаратилмоқда. Кейинги йилларда ана шу бой маданий меросимизни асраб-авайлаш, халқ бадий ва амалий санъатини янада ривожлантириш, бу борада тарихий анъаналарни изчил давом эттириб келаётган моҳир усталарнинг машаққатли меҳнатини муносиб рағбатлантириш мақсадида тегишли фармон ва қарорлар қабул қилиниб, уларга янги имконият ва имтиёзлар яратилди.

“Хунармандчилик ва халқ амалий санъатини ривожлантириш истиқболлари“ мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференцияда (2019 йил 14 сентябрь) 30 дан зиёд давлатдан олимлар, мутахассислар, мартабали фахрий меҳмонлар, маданият ва туризм соҳаси намоёндалари, юртимизда ва хорижда фаолият кўрсатаётган хунармандчилик ва амалий санъат йўналишидаги олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, ўқувчилар, санъатшунослар, музейшунослар, хунармандлар иштирок этди.

Буларнинг барчаси мамлакатимизда миллий хунармандчиликни ривожлантириш, ёшларни фойдали меҳнатга жалб этиш, иқтидорли шогирдлар тарбиялаш каби кўплаб вазифаларни, уни амалга ошириш негизи эса умумтаълим мактабларида “Технология” фанини ўқитишда халқ хунармандчилигининг турли соҳаларида қадимий анъаналарни замонавий тажриба ва янгиликлар билан уйғунлаштирган ҳолда ўқитиш, ўқувчиларда креативликни шакллантиришни юклайди [31, 73-б].

**Мавзу: Чилангарлик, заргарлик, пичоқчилик касбларида кўлланиладиган иш усуллари**

Дарснинг мақсади:

- а) таълимий - металлга ишлов берадиган станокларнинг турлари ва бажарадиган ишлари билан таништириш;
- б) тарбиявий - станоклардан эҳтиёткорлик билан фойдаланишни ўргатиш;
- в) ривожлантирувчи - металлга ишлов берадиган станокларнинг тузилиши ва вазифаси ҳақидаги билимларни шакллантириш.

Дарснинг жиҳози: тарқатма материаллар, кўргазмали қуроллар, техника хавфсизлигига оид стендлар, техника хавфсизлиги бурчаги намунаси,

металларга кесиб ишлов бериш асбоблари, кескичлар, эговлар, металл намуналари, мавзуга оид адабиётлар, дарс ўтишга оид ўқув-услубий кўлланмалар.

Дарс тури: амалий дарс.

Дарс типи: кўникма ва малакаларни шакллантириш.

Дарсда кўлланиладиган ўқитиш усуллари: амалий, кўргазмали, ақлий хужум.

### **Дарсинг бориши:**

I. Ташкилий қисм.

II. Ўтилган мавзунини сўраш. Ўқувчиларнинг жавоблари умумлаштириб, янги мавзу юзасидан йўл-йўриқлар берилади. Янги мавзунини тушунтириш учун режа берилади ва режага асосан тушунтирилади.

III. Янги мавзу баёни

Режа:

1. Чилангарлик, заргарлик, пичоқчилик ишлари ва уларда кўлланиладиган иш усуллари.

2. Чилангарлик, заргарлик, пичоқчилик касблари тарихи ва уларни ишлатиш.

Пичоқчилик санъати деганда биз пичоқ яшаш касбини тушунамиз. Пичоқ боболаримиз учун қадимдан тирикчилик воситаси бўлиб хизмат қилган. Ҳозирги вақтда пичоқ яшаш санъати халқ амалий санъати қаторида эъзозланиб келинаётир. Нодир пичоқлар яшашда ўзбек пичоқсоз усталарининг олдига тушадиган уста кам топилган. Пичоқ, яшаш бошланғич палеолит давридаёқ маълум бўлган. Темир даврида хунармандчилик пайдо бўлган ва ривожланган. Мис ва бронзадан пичоқ яшаш бронза даврига келиб авж олган. Темирнинг кашф этилиши пичоқчилик санъати тараққиётида катта бурилиш бўлди.

Гесиоднинг "Меҳнат ва кунлар", Гомернинг "Илиада" асарларида пичоқнинг хўжаликдаги роли ҳақида батафсил баён этилган. Ўрта Осиёда пичоқчиликнинг энг ривожланган жойи араб мамлакатлари бўлган, Испания ва Италияда эса тез ўсиб ривожланиб кетган, ҳозирги кунда

юртимизда кўплаб пичоқчилик мактаблари мавжуд. Қорасув, Чуст, Хива, Шахрихон, Қўқон пичоқчилик каби мактабларни кўрсатишимиз мумкин. Пичоқларнинг турлари. XVI асрда Германия, Франция, Англия, Австрия каби мамлакатларда пичоқчилик касб сифатида эъзозланиб, пичоқлар ошхоналарда ишлатилган (19-расм). XVII аср бошларида пичоқнинг очиб ёпиладиган, пакки, устра, чўнтакда сақланадиган паккилар ва бошқа турлари юзага келди.

Археологик топилмалардан маълумки, Ўрта Осиё худудида миллион йил аввал 2 минг йилликка оид пичоқ намуналари топилган. Болалик тепа, Афросиёб, Варахша деворларига ишланган расмлардан маълум бўлдики, пичоқ уй-рўзғордан ташқари харбий қурол сифатида ишлатилган. V-XII асрларда пичоқ яшаш ривожланиб, уни безаш технологиялари ўзгарган. XV-XVII асрларда ёнга осиб юриладиган пичоқларнинг турли хиллари пайдо бўлди. Буни Навоий, Бобур асарларига ишланган миниатюралардан кўриш мумкин.

Кейинчалик пичоқчиликнинг ўзига хос мактаблари пайдо бўлди. Фарғона водийси, Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Хоразм, Қашқадарё, Сурхондарё қадимдан пичоқчилик марказлари бўлиб, улар ўзининг ишлаш технологияси, шакли, катта-кичиклига ва безаклари билан фарқ қилган. Ўрта Осиёда қадимдан металлни қайта ишлаш, яъни ҳунармандчилик қуроллари ишлаб чиқариш учун шароит деярли мавжуд эди. Миснинг табиий запаслари, кумуш, кўрғошин, алюминий каби материаллар жуда кўп эди. Ҳунармандлар қадимдан бир-бирлари билан бирикиб бир маҳаллада яшаганлар, шунинг учун маҳаллаларнинг номи кўпчилик қайси ҳунар билан шуғулланса шу ном билан юритилган. Масалан, заргарлик билан шуғулланса заргарлик (заргарон), мисгарлик билан шуғулланса мисгарлик (мисгарон) ва ҳоказо маҳаллалар деб юритилган. Бухорода "Суфикордгар" қишлоғининг номи ҳали ҳам сақланиб қолган. У ерда ҳозир ҳам пичоқсозлар авлоди яшайди. Ўрта Осиё худудидаги вилоятларда бундай маҳаллалар кўп бўлган. Пичоқдан кесувчи асбоб тариқасида кунда фойдаланилса, қадимда Ўрта Осиёда

эркакларнинг иш қуроли, беаги тариқасида фойдаланилган. Пичоқларни бадий безаш ҳам катта роль ўйнаган. Шунинг учун ҳам Шарк маданиятининг энг яхши анъаналарини қайта тиклаш ва ўзлаштириш натижасида мамлакатимиз пичоқсозлари миллий пичоқни санъат даражасига кўтарганлар.

Ўзбек халқ амалий безак санъатининг энг кенг тарқалган турларидан бири кандакорликдир.

Кандакорлик деганда металлдан ясалган бадий буюмларга ўйиб ёки буртик қилиб нақш ишлаш тушунилади. Ўрта Осиё шаҳарларида металлдан ясалган бадий буюмлар ишлаб чиқариш қадимдан ривожланиб келаётган санъат бўлиб, бу санъат ўзининг қадимийлиги билан кулолчиликдан кейин иккинчи ўринда туради. Савдо-сотикда қадимдан кандакорлик буюмларига талаб катта бўлган. Бу асарлар рамзий ифодаларнинг янги услублар ҳамда ғояларини тарқатиш манбаи бўлиб, хизмат қилган. Маҳаллий санъат асарлари қўшни мамлакатлар санъатининг энг яхши ютуқлари билан бойиб борган. Қадимда буюм яшаш урф бўлиб қолган. Маҳаллий усталар олтин, кумуш, жез, мис ва бошқа металллардан ҳар хил буюмлар ясаганлар. Қадимги ва илк ўрта аср кандакорлиги асосан талланган кумуш буюмларда ўз ифодасини топган.

Археологик топилмалардан эрамиздан аввалги III аср охири ҳамда II аср бошларида биринчи (махсус мис қотишмаси) тўғнағичлар Миср, Ўрта Ер денгизи, Месопотамия, Ҳиндистон Ўрта Осиёда кенг тарқалганлиги аниқланган. Бу бадий металл буюмлари ишлашнинг илк намуналари эди. Тўғнағичларда кичик-кичик воқеалар, ҳайвон ва бошқа нарсалар тасвирланган.

Фарғонадан топилган маросим қозони 1-минг йилнинг ўрталарида кандакорликда "ҳайвонот услуби" ривож топганлигини исботлади. IV асрда Ўрта Осиё Жанубий вилоятларининг Александр Македонский томонидан босиб олинишни тасвирий ва амалий санъатнинг маҳаллий анъаналарнинг тарқалишига имкон яратди. III-VIII асрларда, яъни сўнгги

антик ва илк ўрта аср даврида Ўрта Осиёда кандакорлик жуда юқори даражада ривож топди. Қимматбохо металлдан хокимлар ҳамда аёллар учун ҳар хил ниҳоятда чиройли безак буюмлари ишлатилди. Бу олтин ёки кумуш буюмларда тўй-томоша, тахтга ўтириш маросимлари, дунёвий мавзулар, шикор ва кураш манзаралари, мифологик ҳамда эпик қахрамонлар, ҳаётий мавжудот, парранда ва бошқа тасвирларни кўриш мумкин эди. VI-VII асрларда бадий металл буюмлар юксак техник маҳорат билан бажарилганлигига “Аниқов лагани” мисол бўла олади. Бу лаганда қалъа дарвозаси олдидаги сахна тасвирланган, "Яккама-якка олишув" воқеаси тасвирланган коса ўша давр ҳаётидан бир парча бўлиб, ундаги ўйманинг майинлиги, аниқ нафосати, композитцияси, таъсирчанлиги билан машхурдир.

**Мис буюмларнинг турлари.** Металлдан ишланган идишларнинг умумий шакли маълум пропорция ҳамда силуэтга эга. Жумладан мис лаганлар кўпинча дойрасимон, баъзи бирларигина овалсимон ёки тўртбурчак бўлади. Бухоролик ва самарқандликлар чоркунж деб юритадилар, Лавхўри — овалсимон ёки тўртбурчак мис лаганларнинг лаблари ён томонга қайрилган бўлади. Бу лаганлар ўсимликсимон, геометрик ва рамзий нақшлар билан жуда нафис қилиб безатилган. Дулава - тухумсимон ёки тўртбурчак шаклдаги мис лаганларнинг ён томонга қайрилиб яна давом этиб пастга қайрилгани. Бу лаганлар ҳам жуда чиройли қилиб ишланган.

**Заргарлик буюмлари.** Заргарлик буюмлари турли-туман бўлиб, улар ўзига хос номланади. Пешонага тақиладиганлари тиллақош, баргак, қулоққа зирак, бошга тақдўзи, санчоқ, олтин тумор, кўкрак беагига мургак, зебигардон, туморча, соч безаклари, сочпопук, зулфи тилла, осма безак, гажак, бутун тирноқ, ярим тирноқ, қўш дуо, бурун беаги, арабак, юз бёаги, бел беаги камар, бўйинтумор, билагузук, узук ва бошқалар бор. Безаклар аёллар либосининг кўп қисмини эгаллайди. Бош, бўйин, пешона, кўкрак, қўлтиқ, бел, бурун, қулоқ, чакка ва бошқа тақинчоқларнинг бутун бир комплексини ишғол этади. Буларнинг ҳаммаси келин-куёвлар либосини

тўлдириб, хонодонда тўй, байрам ва бошқаларда тақилади. Баъзи зеб-зийнатлар бир умр тақиб юрилади. Турфа соч безаклар қизлар кийим бошида муҳим ўрин тутган. Буларга сочпопук, юмалок, туф ва бошқалар киради. Сочпопук - соч безак турларидан бири бўлиб, аёллар сочларига тақадиган заргарлик бегагидир. Бу безак қора ипакдан эшилган, учлари попукдан 15-20 тача чийратма ип бўлади. Бу ипларда қумушдан қуйма гуппа, қўнғироқча ҳамда найча шаклидаги яна бошқа тақинчоқлар тақилади. Сочпопук турли шакллардан иборат бўлиб, улар турли номлар билан юритилади. Андижонда сочпопук, бекакул сочпопук, Наманганда эса какулли сочпопук, панжарали сочпопук, пур сочпопук ва бошқа турлари бор. Қўқонда кубба сочпопук ёки катта кубба сочпопук каби турлари кенг тарқалган.

#### IV. Дарсни мустаҳкамлаш:

1. Пичоқчилик касби ҳақида маълумотлар беринг:
2. Заргарлик ҳақида тушунча беринг.
3. Кандакорлик касби ва унинг ҳозирги кундаги ўрни қандай?

#### V. Дарсни яқунлаш:

а) уйга вазифа бериш (уйларида қандай турдаги пичоқлар борлигини аниқлаш, иложи бўлса пичоқ, ясашда ишлатиладиган материаллардан топиб келиш;

б) дарсни тугатиш.

Ўқувчиларда креативликни шакллантиришни такомиллаштиришда ўқитишнинг репродуктив ва муаммоли изланиш, муаммоли вазият яратиш, ўқитишнинг индуктив ва дедуктив усуллари ва бошқа усуллар муҳим аҳамиятга эга.

Қуйида улардан бир нечтасини таҳлил этамиз:

**Ўқитишнинг кўرғазмали усуллари.** Ўқитиш жараёнида кўрғазмалилик усулидан фойдаланишнинг муҳимлиги ўқитувчининг ўрганилаётган нарса ва ходисаларини хиссий идрок этишга, уларни кузатиб мушоҳада қилишга ўқитувчини ундаш, мантиқий ва назарий элементларнинг бирлигига ишонч



ҳосил қилишга, ниҳоят, назарий билимларни амалиётда қўллай олишга ўргата билиши билан изоҳланади. Ўқитувчилар сезиб идрок этиш мумкин бўлган нарсаларни қулоқ билан эшитиб, ҳиди бор нарсаларни ҳидлаб кўриб, таъмини сезиш мумкин бўлган нарсаларни татиб кўриб билиб оладилар.

Технологик таълим фанини ўқитишда кўрғазмалилик усули намойиш этиш, иллюстрация ва экскурсия тариқасида олиб борилади. Таълим жараёнида намойиш этиш усулидан фойдаланиш асосий материалларнинг характерига мазмуни, шакли ва хажмига боғлиқдир. Муассасаларимизда қўлланиладиган кўрғазмали материаллар характер эътибори билан икки турда бўлади:

Аслича кўрсатилиши мумкин бўлган буюм ва нарсалар: ўсимлик ва уларнинг таркиби, ҳайвонлар, маъданлар, коллекциялар, асбоб ва машиналар, моделлар ва ҳоказо.

Тасвирий-кўрғазмали материаллар. Тасвирий кўрғазмали материаллар ҳам мазмуни ва тузилиши шаклига қараб икки турга бўлинади:

а) буюм, нарса, ходиса ва воқеаларнинг тасвирини ифодаловчи материаллар-рasm, сурат, фотосурат, диафильм, кинофильм ва ҳоказо;

В) буюм, нарса, ходиса ва воқеаларнинг бирор шартли белгиси орқали ифодаланган символик ва схематик тасвирий материаллар жуғрофия ва тарих карталари, чизмалар, жадваллар, диафрагмалар ва ҳоказо.

Тасвирий кўрғазмали материалларнинг ҳар иккала тури иллюстрация материаллари деб ҳам юритилади. Кўрғазмали материалларнинг турлилиги уларнинг ҳар хил қўлланилишини талаб қилади.

Масалан, 1. Буюм ва нарсаларни табиий ҳолда кўрсатишни икки усулда намойиш қилиш мумкин:

а) Ўтилаётган мавзуга оид бадий кўрғазма материаллари ўқитувчи баён қилаётган ўқув материали билан бир вақтда (фақат ўқитувчи томонидангина) кўрсатилиши мумкин;

в) Табиий кўрғазмали материалларнинг сони етарли бўлса, улар ҳар қайси ўқувчига тарқатиб берилиши мумкин.

2. Тасвирий кўргазмали материалларнинг ҳар иккала турини ҳам икки хил усулда олиб бориш мумкин.

а) Кўргазма материални ўқитувчи намоёниш қилади;

в) Кўргазма материаллар ўқувчиларга тарқатилади.

Таълим жараёнида тасвирий иллюстрация материалларидан фойдаланиш кенг қўлланилади. Ундан унумли фойдаланиш учун қуйидаги қоидаларга риоя қилмоқ зарур; ўқувчиларга машғулот олдида намоёниш жараёнида кўзланган мақсад қисқача тушунтирилади; кўргазмали материаллар ўқитувчи баёнининг маълум пайтида кўрсатилади ёки тарқатилади; намоёниш жараёни ўқитувчи томонидан изоҳлаб берилди.

Табиий фанлар-биология, физика, химия фанлари бўйича физикавий ва химиявий ходисаларни тажриба қилиб кўрсатиш алоҳида тайёргарликни талаб қилади. Бунда айниқса, тажрибанинг муваффақиятли чиқишини таъминлаш муҳимдир.

**Ўқитишнинг амалий усуллари.** Ўқитишнинг амалий усуллари доирасида жуда кенг улар ёзма машқ (масалалари ечиш, чизмалар тайёрлаш ва бошқалар) тажриба лаборатория характердаги машқлар (фронтал тажрибалар, лаборатория ишлари, амалиётлар, ўқитишнинг техника воситалари, ўргатувчи машиналар ва бошқалар билан ишлаш); меҳнат топшириқларини бажариш усулларини ўз ичига олади.

Амалий усулларга ёзма машқлар киради. Уларни бажаришда олинган назарий билимларни амалиётда бевосита қўллашга ўргатилади. Машқ қилдиришда илмий билим ва маълум бир иш ҳаракатнинг ўзлаштириш ёки такомиллаштириш мақсадида режали суратда ташкил этилган такрорлаш назарда тутилади. Машқ қилдиришда ўқув фанининг ўзига ҳос хусусиятлари ҳисобга олинади. Машқ учун берилган топшириқлар воситасида олиб борилади. Машқ учун берилган топшириқлар, албатта илгари ўзлаштирилган қоида ва қонунларни ўз ичига олган бўлиши лозим.

Ўқувчиларнинг “Технология” фанидан ўзлаштирган кўникма ва малакаларини мустаҳкамлаш, ижодий қобилиятларини ривожлантиришда машқ қилдиришда:

1. Машқ учун берилган топшириқнинг мақсади ўқувчиларга аниқ тушунтирилган бўлиши.

2. Машқ устида синф ўқувчилар жамоаси ва ҳар қайси ўқувчининг шахсий интилиши, қизиқишини ҳисобга олиш.

3. Топшириқ бутун синф ўқувчиларининг фаол фаолиятини таъминлайдиган бўлиши ва машқни, албатта белгиланган вақт ичида бажариш талаб қилиниши керак, машқ қилдириш усулида ўқувчиларнинг ижодий амалий машқлари алоҳида ўрин эгаллайди.

Лаборатория машқ ишлари ҳам ўқитишнинг амалий усули бўлиб, унда машқлари ҳар томонлама тажрибалар, лаборатория ишлари, амалиётлар, ўқитишнинг техник воситалари ва муассаса ўқув қуроллари туридаги асбоб-ускуналар билан машғулотлар тарзида ўтказилди.

Амалий машғулотлар усулида “Технология” фанини ўқитиш ўқувчиларга таълим бериш ва меҳнат малакаси билан қуроллантиришда асосий усул бўлиб хизмат қилади шунинг учун ҳам муассасаларнинг 5-9 синфларида муассаса ўқув устахонасида бир қатор амалий ишлар олиб борилди. Ўқувчиларни муассаса ўқув устахонаси ёғоч ва металлларни қўлда ва механизмларда, электрлаштирилган асбоблар ва дастгоҳларда ишлай олиш малакаси билан қуроллантириш назарда тутилди.

**Ўқитишнинг репродуктив ва муаммоли изланиш усуллари.** Ўқитишнинг репродуктив ва муаммоли изланиш усуллари энг аввало, ўқувчиларнинг янги тушунча, ходиса ва қонунларни билишдаги ижодий фаолликлари даражасини баҳолаш асосида қисмларга ажратилади.

Репродуктив усуллар биринчи навбатда, ўқувчиларнинг ўқув материалларини мустаҳкамроқ эслаб қолишларини таъминлаш, билишга доир фаолиятни бошқариш, камчиликларни тез аниқлаш учун амалий кўникма ва малакаларни таркиб топтириш мақсадида қўлланилади.

Репродуктив усуллар айниқса, ўқув материалининг мазмуни асосан ахборот характерида бўлса, амалий ҳаракатларнинг усулларини таърифласа, ўқувчиларнинг билимларини мустақил қидириб ола билишлари учун жуда янги ҳисобланса вазиятларни ҳал қилиш учун тайёр билимлар йўқ бўлса самарали қўлланилади.

Тафаккурнинг репродуктивлилик характери ўқитувчи ёки бошқа манба орқали хабар қилинадиган ўқув ахборотларини фаол идрок қилиниши ва эслаб қолинишини назарда тутди. Бу усулларни ўзига ҳос моддий асоси бўлиб ҳисобланадиган ўқитишнинг оғзаки, кўргазмали ва амалий усулларида фойдаланмай қўллаш мумкин эмас. Ҳикоя усули репродуктив тузилганда ўқитувчи омилларни, далилларни, тушунчаларнинг таърифини тайёр ҳолда беради.

“Технология” фанини ўқитишда халқ ҳунармандчилигига оид билимларни беришда репродуктив характердаги амалий ишлардан фойдаланилди, бу ишларнинг давомида ўқувчилар намунага кўра илгари ёки яқиндагина ўзлаштирилган билимларини қўладилар. Репродуктив машқлар амалий кўникма ва малакаларни намуна бўйича бир неча бор такрорлаш орқали айниқса самарали таъсир кўрсатди.

«Халқ ҳунармандчилиги» фанининг асосий мақсади ва вазифаси – бўлажак касб таълими ўқитувчиларни ўз касбининг устаси қилиб тарбиялаш, уларга бой миллий - маданий тарихимизни чуқур ўргатиш, миллий кадриятларимиз, урф-одатларимиз, анъаналаримиз, халқ ҳунармандчилиги тармоқларини қайта тиклаш ва ривожлантириш каби масалаларни ёритиб беришдир.

Маданий меросимиз ҳисобланмиш маҳобатли меъморий обидалар, ноёб ва гўзалликни ўзида тураннум этган зебу-зийнатлар, ҳар хил рўзгор анжомлари, ип ва ипақдан тикилган матолар, лой ва ганчдан ясалган сопол ҳамда чинни идишлар, хум ва хумдонлар, кулолчилик санъатига мансуб бўлган буюмлар барчаси халкимизнинг моддий ҳамда маданий мероси бўлиб келмоқда. Шу боисдан халқ усталари яратган ноёб асарларга эътиборимиз

янада кучаймоқда. Устоз бобокалонларимизнинг ҳаётий ҳамда ижодий йулини урганиш, уларнинг сермахсул анъаналарини билиш, улар яратган услуб ва йулларни янада такомиллаштириш, гўзалликка бўлган интилишларини чуқур ҳис этиш давримиз талаби тақозоси бўлиб қолмоқда.

Қадимшунос ва тарихчи олимларимизнинг тадқиқотларидан кўриниб турибдики, Ўзбекистон жабҳасида қадимдан ҳар воҳанинг амалий ҳунармандчилиги марказлари вужудга келган ва асрлар давомида шаклланиб борган.

Албатта бундай жамоатчилик анъаналарига таяниш, махсус маҳаллаларда яшаб бир-бирлари билан яқиндан касбий-ижодий алоқада бўлиш ўзи ва ҳамкасбининг шахсий манфаатини қўллаб-қувватлаш, керак бўлса уни кези келганда қўриқлаш мақсадини ҳам олға сурган.

Ҳозирда ҳунармандлар шахрига айланган Марғилон, Қўқон, Риштон, Самарканд, Ургут, Карши, Термиз, Бойсун, Бухоро, Гиждувон, Шахрихон, Наманган ва бошқа ўнлаб туман ва қишлоқ марказларининг ишлаб чиқараётган маҳсулотлари ўзининг ноёблиги, чидамлилиги ва бошқа сифатлари билан халқимизнинг маиший турмуш маданиятига салмоқли ҳисса қўшмоқда. Бизнинг давримизга келиб юқорида қайд этганимиздек, ўзбек халқ ҳунармандчилиги миллий маданиятимизнинг таркибий қисми ҳисобланиб ўзига ҳос бўлган хусусиятларга эгадир. Ўтган замонларда ўтрок ўзбек халқи нафақат қўшни элат ёки мамлакатларнинг маҳсулотларини истеъмол, яъни харид қилиб келган, балки улар учун ҳам заруратга айланган ҳунармандчилик маҳсулотларини етказиб беришга ўз имкониятларини сафарбар қилганлар. Ҳунармандчилик тобора такомиллаша бориб, турли ихтисосликларга ажралиб кетган. Масалан, кулолчилик, дурадгорлик, темирчилик, мискарлик, бинокорлик, тоштарошлик, уймакорлик, каштадўзлик, кунчилик, заргарлик, дегрезлик, рихтагарлик, зардўзлик, ўнлаб бошқаларни кўрсатишимиз мумкин. Албатта халқимизнинг буюк тарихида, бутун жаҳон халқлари амалий санъати ва маданий тараккиётида бу

халк ижодига мансуб бўлган меросни ҳозирда ҳам эъзозлаб келмоқда. Бу мумтоз мерос халқимиз абадий бўлгани каби абадийдир.

**Муаммоли вазият яратиш усуллари.**Муаммоли таълимда ўқув материални ўқувчилар онгида илмий изланишга ўхшаш билиш вазифалари ва муаммолари пайдо бўладиган қилиб ўрганиш тушунилади. Ўқувчининг фикрлаш фаолиятида мантикий тўғри, илмий хулосаларни излаш ва ўзлаштиришга рағбатлантирадиган муаммоли вазиятлар вужудга келади. Пайдо бўлаётган муаммони ҳал қилиш учун, ўрганиладиган қоидаларни тўғри тушуниб олишга интиладилар. “Технология” фанини ўқитишда мавзуга кўра муаммоли вазиятларнинг ҳар хил турлари қўлланилди. Ўқувчиларнинг эстетик, миллий дунёқарашини кенгайтириш учун топшириқлардан, масалалардан улар учун мос бўлган ва ҳар нарсани билишга, бажаришга қизиқиш ва ҳавас уйғотадиган шароитлардан фойдаланилди. Бунда муаммоли вазият янги мавзу мазмуни ёки топшириқнинг шартда акс этди. У топшириқ ва савол шартлари ўқувчи онгида муқаррар суратда муайян бир савол туғилладиган ва шу саволга жавоб қайтариш истаги пайдо бўладиган қилиб тузилди.

**Ўқитишнинг индуктив ва дедуктив усуллари.**Дарсларга тайёрланиш жараёнида ўқитишнинг индуктив, дедуктив каби усулларини танлаш зарурияти ҳам туғилади. Тафаккурнинг индуктив усулларини шакллантирмай туриб фақат умуммехнат характердаги тажрибалар орқалигина мувоффақиятларга эришиб бўлмайди. Индуктив ёки дедуктив усулларини қўллаш ўрганилаётган мавзунинг очишнинг маълум мантиқини хусусийдан умумийга ёки умумийдан хусусийга танлашни англатади.

Индуктив усуллардан “Технология” фани мавзуларига мос равишда техник қурилмаларни ўрганишда ва амалий топшириқларни бажаришда кенг қўлланилди. Ўқитувчи ўқувчиларни айрим умумийроқ тушунчаларни мустақил эгаллашларига олиб келиш зарур деб ҳисобланган ҳолларда масала индуктив воситасида ечилди.

Дедуктив услуб ўқув материални тезроқ ўтишга ёрдам беради тафаккурни бир мунча фаолроқ ривожлантиради. Назарий материални ўрганишда анчагина умумий ҳолатларида айрим оқибатларини аниқлашни талаб қилувчи масалаларни ечишда дедуктив усулни қўллаш айниқса фойдалидир. Шу сабабли асосан назарий ўқув материалларини ўқитишда ушбу услубдан фойдаланилди.

**Таълим жараёнида ўқувчиларни рағбатлантириш ва танбех бериш усули.** Ўқув фаолиятини рағбатлантириш деб кишининг актив фаолиятга бўлган ташқи мойиллиги айтилади. Шунинг учун ҳам рағбатлантириш-ўқитувчи фаолиятининг омили ҳисобланади. Аммо рағбатлантириш кишининг фаолиятига бўлган ички мойилига таъсир қилганлигини реал мақсад сари ундайдиган кучга айланади. Бунинг устида яна бундай ички ундош фақат ташқи рағбатлантиришлар таъсиридагина эмас, балки ўқувчиларнинг ўз-ўзининг таъсирида ҳам, унинг олдинги тажрибаси, эҳтиёжлари ва ҳоказолар таъсирида ҳам юзага келади. Ўқишга қизиқишнинг рағбатлантириш турларидан бири – фанга доир мавзунини ўзлаштириш жараёнида маълум қийинчилик сезаётган ўқувчиларга мувоффақиятли вазиятларни яратишдир. Чунки муваффақият қувончини бошдан кечирмай, ўқишдаги қийинчиликларни бартараф қилмай туриб яхши натижаларга эришиб бўлмайди.

Муваффақиятга эришиш вазиятини ўқувчининг оралиқ ҳаракатларини рағбатлантириш, яъни уни зўр берилишига махсус ундаш йўли билан ҳам ташкил қилиш мумкин. Муваффақият вазиятларини яратишда у ёки бу топшириқларни бажариш жараёнида қўллаш маънавий руҳий муҳитни таъминлаш муҳим ўрин эгаллайди. Ўқиш вақтидаги қулай микро иқлим ишончсизлик, кўрқиш ҳиссиётини камайтиради. Бундай ҳавотирлик ҳолат ўрнини ўзига нисбатан ишонч туйғуси эгаллайди. Рағбатлантириш ва танбех бериш усуллари ўзига ҳос хусусиятларига эгадир. Масалан, баҳо билан рағбатлантириш, махсус танланган топшириқлар бериш йўли билан ўқишдаги мувоффақият вазиятини яратиш, амалий топшириқ ва лаборатория

ишларини тайёрлашда қатнашиш орқали рағбатлантириш; билимларни жамоатчилик томонидан кўриш якунларига қараб рағбатлантириш, шунингдек, ўқишга доир танбехлар: дарс пайтидаги оғзаки танбехлар беришлар, кундалик дафтарига ёзишлар, хатоларини кўрсатиш ва бошқа усуллар орқали қўлланилди.

**Ўқитишда назорат ва ўз-ўзини назорат қилиш усуллари.** Ўқитиш тизимида назоратни зарурлиги, энг аввало, бутун ўқув юртлари тизимини самарали ишлаётганлиги ҳақида ахборот олишга бўлган ижтимоий эҳтиёждан келиб чиқади. Назорат таълим жараёнининг ажралмас қисмларидан бири саналади. Чунки назорат қилиш туфайли ўқитишдаги ўзаро мулоқот, ўқитишнинг боришини жадал бошқариш ва камчиликларни ўз вақтида тузатиш янги дарсга аниқ вазифалар қўйиш имконини берувчи алоқа амалга оширилади [40].

Назорат муассасадаги ўқитиш жараёнига ҳос бўлган: таълимий, тарбиявий ривожлантиришдек бир қатор асосий вазифаларни бажаради. Назоратни таълимий таъсири ўқитувчи барча ўқувчиларини ўз ўртоқларининг жавобини тинглашга, бажарган топшириғини кўриб чиқишга жалб қилиши, кузатиш ва қўшимчалар таклиф этиши орқали таъминланди, шу туфайли ҳам сўраш жараёнида барча ўқувчилар ўрганиб, ўзлаштириб олган билимларини тизимга солишди, такрорлашди ва мустаҳкамлашди.

Назоратни турларга бўлишнинг хусусияти шундаки, назоратнинг кенг келувчи ҳар бир турида ҳам олдинги турдаги белгилар намоён бўлади. Шунинг учун назоратнинг оғзаки, ёзма ва лаборатория турлари ҳамда уларга мувофиқ келувчи усуллар қўлланилади. Оғзаки назорат яқка ва рухий сўраш йўли билан амалга оширилди. Ўқитиш жараёнида фанлар бўйича диктант, баён ва иншолар ўтказиш йўли билан ўқувчилар билимини ёзма назорат қилиб боришда амалга оширилди. Ёзма назорат ишларини ўтказишда баҳоларнинг тўлиқ объективлигини таъминлаш билан бўш ўзлаштирувчиларни илғорлар сафига тортиш, топшириқни табақалаштириш йўлини қўллаш мумкинлиги аниқланди.



Ўз-ўзини назорат қилиш ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини муҳим элементларидан биридир. Ўқувчиларда ўз-ўзини назорат қила олиш маҳоратини шакллантириш, масалан, ўқувчиларга уй вазифани бажараётганда ўз-ўзини текширишнинг қуйидаги усуллари тавсия қилса бўлади: дарслик матни ўқиб чиққандан сўнг унинг муҳим жойларини ифодаловчи қисқа режасини мустақил тузиш, режадан фойдаланиб, матннинг асосий маъносини гапириб бериш, китоби шу мавзу юзасидан берилган саволларга жавоб бериш учун тайёргарлик кўриш, бундай иш усулини юқори синфларда ҳам қўллаш мумкин. Шунингдек, ўқувчиларга “Технология” фани мавзуларига мос равишда мустақил бажариш топшириқлари ва уй вазифалари берилиб, назорат ва ўз-ўзини назорат қилиш услубларини ўзаро моҳирона бириктирилиши фани бўйича таълим самарадорлигини оширишга ёрдам берди.

Case study (кейс стади) технологиясидан фойдаланилди:

**Кейс-стади** (инглизча case - тўпلام аниқ вазият stadi -таълим) кейсда баён қилинган ва таълим олувчиларни муаммони ифодалаш ҳамда унинг мақсадга мувофиқ тарздаги ечими вариантларини излашга йўналтирадиган аниқ реал ёки сунъий равишда яратилган вазиятнинг муаммоли-вазиятли таҳлил этилишига асосланадиган таълим услубидир.

**Кейс-стади** - таълим ахборотлар коммуникация ва бошқарувнинг қўйилган таълим мақсадини амалга ошириш ва кейсда баён қилинган амалий муаммоли вазиятни ҳал қилиш жараёнида башорат қилинадиган ўқув натижаларига кафолатли етишишни воситали тарзда таъминлайдиган бир тартибга келтирилган оптимал усуллари ва воситалари мажмуидан иборат бўлган таълим технологиясидир. Кейсда тавсифланган аниқ вазият ўрганишни воқеликка боғлаб қўяди: сизга муаммони ҳал этиш бўйича вазиятни таҳлил қилиш таҳминларни шакллантириш муаммоларни аниқлаш қўшимча маълумотни йиғиш таҳминларни аниқлаштириш ва аниқ қадамларни лойиҳалаштириш имконини беради.

Ушбу технологияни “Технология” фанини ўқитиш жараёнида қўллашда: ўрганилган ўқув мавзу курси бўйича (назарий таълимдан сўнг) билимларни мустаҳкамлаш; -муаммоларни таҳлил қилиш ва қарорларни яқка тартибда ва гуруҳли қабул қилиш кўникмаларини эгаллаш; ижодий ва ўрганиш қобилиятлар мантикий фикрлаш нутқ ва муҳит шароитларига мослашиш қобилиятларини ривожлантириш; янгиликка қарорларни мустақил қабул қилишга тайёргарлик; масъулдорлик мустақиллик коммуникативлик ва эмпатия рефлексиянинг шаклланишини; ўқув маълумотларини ўзлаштириш сифатини ўз текшириш каби имкониятлар мавжудлиги аниқланди [40.].

Кейс-ишлаб чиқаришда содир бўладиган аниқ муаммоли вазиятнинг тафсилотидир. Кейс усули ишлаб чиқариш масалаларини машғулотларда таҳлил қилиш ва ҳал қилиш усули унда иштирокчиларга ҳақиқий ҳаётий вазият бўйича фикр юритиш таклиф қилиниб бу вазият баёнида нафақат амалий масала ифодаланиб қолмасдан ундаги муаммони ечиш жараёнида ўзлаштирилиши зарур бўлган ўқув материали ҳам ифодаланади. Муаммоларни олдини олиш йўллари ишлаб чиқиш “Кейс стади”га асосланган ўқитиш технологиясининг асосий мақсади ҳисобланади. Ушбу технология амалий вазиятларни ҳал этиш жараёнида ўрганилган ўқув мавзуси бўйича билимларни мустаҳкамлашга муаммоларни таҳлил қилиш ва унинг ечимини яқка тартибда ёки гуруҳларда еча олиш кўникмаларини эгаллашга ижодий ва ўрганиш қобилиятлари мантикий фикрлаш нутқ ва муҳит шароитларига мослашиш қобилиятларини ривожлантиришга ҳамда қарорларни мустақил қабул қилишга ва ўз-ўзини назорат қилишга ёрдам беради.

### **Кейс методи асосида дарс ўтишнинг фарқловчи хусусиятлари.**

Фарқловчи кўрсаткичлар	Ўқитиш методлари	
	Анъанавий методлар асосида	Кейс методи асосида
Мақсад –билим бериш	-фикрлаш; -рағбатлантириш;	-фикрлаш; -муаммони ҳал этиш

		кўникмаларини ҳосил қилиш; -кашфиётларга интилиш ҳамкорликка тайёр бўлиш сифатларини рағбатлантириш;
Ўқитувчининг вазифаси-ўз фанининг мазмунини билиш	-Ўз фани мазмунини билиш;	-Муҳокама жараёнини бошқара билиш
Ўқитувчи - ўқувчи муносабатлари	Ўқитувчининг ўқувчи – ўқувчи устидан ҳукмронлиги. иерархия ҳуқуқларининг тенг эмаслиги	Шериклик ва ҳамкорлик
Ўқувчиларнинг ўз – ўзини ва бир – бирини ўқитиш жараёнида иштироки	Суст	Фаол ўқувчилар ўқитувчининг вазифаси ҳисобланувчи муҳокама режасини тузиш асосий мақсадни аниқлаш мустақил муҳокама қилишга кодир бўладилар

Кейслардан таълим жараёнида фойдаланиш таълим олувчилар шахсида қуйидаги профессионал-педагогик зарурий сифатларни шакллантиради:

- мустақил ижодий фикрлаш қобилиятини ривожлантиради;
- назария ва амалиёт ўртасида узвий боғлиқликни шакллантиради;
- муаммоли вазиятни янгича шакллантиришга ёрдам беради;
- вазиятларни ҳал этишда унга таъсир этувчи омилларнинг мавжудлиги ва уларнинг таъсирини эътиборга олишга имкон беради;
- бошқалар фикрини ҳам қабул қила олиш малакасини шакллантиради;
- савол бериш маданиятини таркиб топтиради;
- қабул қилинган қарор учун масъулилик ҳиссини тарбиялайди.

Кейсларни ҳал қилишда қуйидагиларга эътибор бериш зарур: асосий муаммони ва унга таъсир этувчи омилларни аниқлаш асосий ва иккинчи даражали омилларни ажратиш муаммони ҳал қилишнинг муқобил ечимини ҳам кўриб чиқиш энг мақбул қарор қабул қилиш. Кейсларни ҳал қилишда ёзма усулда таҳлил қилиш унда баён этилган муаммони янада чуқурроқ англашга ёрдам беради, шунингдек, Халқаро Trends in International Mathematics and Science Study (TIMSS) тадқиқоти 4 ва 8-синф таълим олувчиларининг математика ва табиий йўналишдаги фанлардан ўзлаштириш

даражасини баҳолаш, The Programme for International Student Assessment (PISA) тадқиқоти 15 ёшли таълим олувчиларнинг ўқиш, математика ва табиий йўналишдаги фанлардан саводхонлик даражасини баҳолаш учун қўлланиладиган дастурларида мустақил ижодий фикрлаш қобилиятни ривожлантиришнинг энг самарали усулларида бири бўлиб ҳисобланади. Илмий тадқиқотлар ва амалий кузатишлар машғулотларда бу каби кейсларни ечиш таълим олувчиларнинг фаоллигини оширибгина қолмасдан балки мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантиради ҳамда уларни бўлажак мустақил педагогик фаолиятга тайёрлашда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Ўқитишда кейс стади методидан фойдаланиш ўқувчиларни фикрлашга муаммоларни ҳал этиш кўникмаларини ҳосил қилишга кашфиётларга интилиш ҳамкорлик ва шериклик сифатларини шакллантиришга ўқитувчи томонидан берилган вазифаларни ҳал этиш режасини тузишга ва энг асосийси ўқувчилар олдига қўйилаётган муаммони ҳал қилишга уни мустақил муҳокама қилишга қодир қилиб таълим ва тарбия бериш имкониятини яратади.

Технология фанини ўқитишда кейс стади технологиясидан фойдаланишнинг аҳамияти жуда каттадир. Бунда ўқувчиларни мустақил ишларнинг турли шакллари бажариш жараёнида кейс бўйича аниқ турдаги хунармандчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнидаги муаммоли вазиятларга тегишли бўлган топшириқларни бериш ўқувчиларни махсус фанлардан эгаллаган билимларини чуқурлаштиришга ва мустаҳкамлашга маҳсулотни ишлаб чиқариш технологиясининг барча қирраларини ҳар томонлама чуқур ўзлаштириб олишга ишлаб чиқариш шароитида юзага келадиган амалий – муаммоли масалаларни ҳал қилиш ва ҳаётий вазиятларни еча олиш кўникмаларини ривожлантиришга ёрдам беради.

Шу мақсадда кейс – стади технологиясининг вазифа - топшириғи сифатида халқ хунармандчилигининг аниқ маҳсулот турини ишлаб чиқаришда маҳаллий хом ашёлардан фойдаланиш муаммолари ишлаб чиқаришда ноанъанавий хом ашёларни қўллаш имкониятлари ишлаб

чиқарилаётган махсулотнинг сифат кўрсаткичларини ошириш муаммолари ишлаб чиқариш чиқитларини юзага келиш сабаблари ва уларни камайтириш муаммолари энергияни ва ресурсларни тежайдиган юқори самарадор технологияни яратиш муаммолари мавзу тарзида берилса уни бажариш жараёнида ўқувчининг тегишли фан бўйича ўзлаштирган билимлари янада кенгайтирилади мустақил фикрлаш қобилияти ривожланади ҳамда унда эгаллаган билимларини ностандарт вазиятларда қўллаш кўникмалари шаклланади [40; 57-68-б.].

### **§2.3. Ўқувчиларда халқ ҳунармандчилиги асосида креативликни шакллантиришга йўналтирилган методлар тизими ҳамда уни баҳолаш кўрсаткичлари**

Халқ усталари кашта тикиб беаган буюмлар чиройли гуллари билан, рангларининг бир-бирига мослиги, тўла мутаносиблиги, бажариш усуллариининг профессионал аниқлиги билан ажралиб туради. Кашта тикилган ҳар бир буюм амалий вазифасига тўғри келади.

Мамлакатимиз музейларида халқ каштачилигининг кўп намуналари тўпланган, айниқса XIX аср кашталари энг яхши сақланиб, шу кунларгача етиб келган. Ўзбек миллий каштачилиги амалий санъатнинг энг қадимий турларидан бўлиб, у халқнинг ўз турмушини гўзал қилиш истаги натижасида юзага келган. Каштачилик санъати нафақат мамлакатимизда балки, чет элларда ҳам шуҳрат қозонган.

Ўзбек халқ усталари қўллари билан тикилган сўзана, зар девор, гул кўрпа, чойшаб каби турли ҳил нақшли буюмлар мамлакатимизнинг фақат хонадонларида эмас балки, музейларда ҳам экспозитцияга айланиб қолган.

Ўзбек каштачилиги қўшни халқлар каштачилиги таъсирида бойиди ва ривожланди. Кашталаш кийимлар ва буюмларни безашда, , ҳамда уй-рўзғор безак буюмлари тайёрлашда, қадимдан қўлланилиб келмоқда [130; 22 -27 б.].

Каштачиликнинг махсус турларидан бири аппликациядир. Аппликация - лотинча ёпиштириш деган маънони билдириб, газлама, қоғоз ва бошқа материалларга тикиш йўли билан безак бериш демақдир.

Аппликация каштачиликнинг махсус тури бўлиб, у ўзига хос




технологияга эга. Асосий матога рангдор мато парчасини, чарм ва бошқа матога рангдор мато парчасини ва бошқаларини қадаб атрофи чокланади.


Ҳозирги вақтда кўпинча болалар пальтоларида, кўйлақларида, бош кийимларида, ҳар-хил куш, мева, гул ва ҳайвонлар тасвири аппликация усулида чокланади. Ўрта

Осиёда каштачилик кенг тарқалган. Каштачиликда мато, кигиз, чарм, кортон, зигир, жун, ипак, сунъий ишлар, зар ишлар, майин сим, хом чармдан тайёрланган тасмалар, мунчоқлар, маржон, металл, пулакча, қимматбаҳо табиий ва сунъий тошлар ва материаллар ишлатилади.

Каштачиликнинг ўзига хос иш қуроллари мавжуд бўлиб, улар турли вазифаларни бажаради. Каштачилик турли рангли ипак атрофи ип билан игна илмоқли бигизда ҳар-хил матоларга майда гул тикишдир.





1-расм. Кашта тикиш чамбараклари.



2-расм. Каштачилик гуллари. Безакнинг симметрик тузилиши





3-расм. Безакни катаклар бўйича катталаштириш:



4-расм. Қизил цейлонга ипак билан кашта тикилган сўзана ва қора сатинга ипак билан кашта тикилган кирпич.



Кашта чоклари бажариш техникаси бўйича шартли икки гуруҳга бўлинади: газлама ипини санаб тикиладиган **санама чоклар** ва олдиндан чизилган контур бўйлаб тикиладиган **ихтиёрий чоклар**.

Санама кашта чокларига ироқи, чизма чок, атлассимон чок, санама текис чок, ўрим чок ва бошқа чоклар киради.

Чизма контур бўйлаб тикиладиган ихтиёрий чоклар кашталарда кашта гул контури бўйлаб баҳя чоклари туширилади ёки кашта гулини тўлдириб тикиб, дона-дона, бўртиқ фактурали кўшимча сатҳ ҳосил қилинади. Бундай чокларга текис чоклар (оқ текис чок, владимирча чок, рангли текис чок ва бошқалар), шунингдек, контур ва оддий чоклар – сув чок, ироқсимон чок, ўрим чок ва бошқа чоклар киради. Кашта чокларнинг ҳамма турлари, қоида бўйича гардишда тикилади.



**Безакни газламага кўчириш усуллари.** Безакни газламага бир неча усулда кўчириш мумкин. Ҳамма ҳолларда ҳам олдин безакни асл нусхадан калькага ёки миллиметрли қоғозга учи яхши очилган қаламда кўчириб олинади. Шундан кейин уни газламага кўчирилади.

**Безакни кўчириш рангли қоғози ёрдамида кўчириш.** Газламанинг танда ва арқоқ иплари қийшайиб қолмаслигига эътибор бериб, дазмолланган газламани текис жойга қўйилади. Безак кўчирилган калькани газлама устига қўйиб, тўғнағич билан қадаб қўйилади. Кўчириш рангли қоғозини тўқ томонини газламага қаратиб калька тагига қўйилади, учи яхши очилган қалам билан безак устидан чизиб чиқилади. Кўчириш учун турли рангдаги кўчириш рангли қоғозлари комплекти бўлгани маъқул, шунда оч рангдаги газламага тўқ рангли (кора, кўк, яшил), тўқ рангли газламага оч рангли (оқ, сарик) кўчириш қоғози ишлатилади.

Безак кўчириб олингач, кўчириш рангли қоғози олиниб, бир томондаги тўғнағичлар чиқарилади ва безакни текширилади. Шундан кейингина калька олиб ташланади.

Расмни кўчириш рангли қоғози билан кўчиришда безакнинг чизиқлари қалин бўлмаслигини ёдда тутиш керак, акс ҳолда кашта тикаётганда газлама ва ип кир бўлиб қолади. Шунинг учун ишлатилган кўчириш рангли қоғозидан фойдаланиш яхшироқ, янгисини эса ишлатишдан олдин қуруқ пахта ёки латта билан артиш керак.

**Безакни ёруққа тутиб кўчириш.** Юпқа шаффоф газламаларга кашта гулини газлама тагидан ёритиш йўли билан кўчириш мумкин. Тагига лампа қўйилган ойна устига яхши кўринадиган кашта гулини қўйиб, унинг устига яхши тортилган (гардишга ўрнатилган) газлама қўйилади. Газлама тагида кўришиб турган кашта гулини учи яхши очилган қалам билан газламага чизиб чиқилади.

**Безакни папирос қоғоз ёрдамида кўчириш.** Мовут, бахмал ва ялтироқ газламалар устига кашта гулини папирос қоғоз устидан кўклаш йўли билан кўчирилади. Бунинг учун безакни папирос қоғозга кўчириб олиб, уни газлама устига қўйилади-да, бутун контури бўйлаб майда зич қавиқлар билан игнани олдинга йўналтириб тикиб чиқилади. Кейин қоғоз йиртиб ташланади. Кашта тикиб бўлингач, кўкланган ип сўкиб ташланади.

**Безакни тешма кўчириш.** Уни қоғозга чизиб олинади, устига калька қоғозини кўйиб, ўтроф қоғозни игна билан тўғналади, юмшоқ газлама ёки бир неча қават газета қоғози устига кўйилади. Безак контури буйлаб эхтиёткорлик билан ҳар 2-3 мм ораликда игна билан тешиб чиқилади. Натижада калька устида нуқталардан тешма кашта гул ҳосил бўлади.

Кашта гул чизилган калька қоғозни керосинланган латта билан артиб, тоза томонини газламага қаратиб кўйилади-да, бир неча жойидан тўғналади. Мовут ёки пахмоқнинг (очроқ рангли бўлгани яхши) ёки пахтанинг устига дока ўраб тампон қилинади, кейин тешикли қоғоз устидан суртилади. Калька тешикларидан буёқли ўтро ўтиб, газлама устида из тушириб кўчириш юли билан нуқталар шаклидаги из ҳосил бўлиб, шу из бўйлаб кашта тикса бўлади.

Тўқ рангдаги газламага безакни кўчириш учун тампонни бўр ёки тиш порошоги аралаш керосинда хўллаб олинади. Шу мақсадда ҳеч нарса билан аралашмаган тиш пастасини ишлатиш ҳам мумкин.

Тешиб кўчиришда кашта гулининг газламадаги тасвири аниқроқ, бузилмай чиқади. Бу айниқса кашта гулининг ўтро бўлагини бир неча марта тикиш керак бўлганда, меҳнатни осонлаштиради ва тезлаштиради. Бу қоғозлар алоҳида пакетда ёки папкада сақлангани маъқул.

Расм чизилган газлама гардишга тортилади. Агар кашта кичкина газлама парчасига тикиладиган, уни айлана гардишга тортиш қийин бўлса, бу газлама парчасининг четларига иш тугагандан кейин сўкиб ташланадиган, хоҳлаган бошқа газлама парчасини улаб кўйиш мумкин.

Халқ амалий безак санъатида, жумладан, зардўзликда ҳам нақшлар муҳим ўрин тутди. Чунки, зардўзлик халқ амалий санъатининг қўл чоклари орқали ҳосил қилинган нақшлар асосида бадиий ишлов бериш туридир.

«Нақш» арабча сўз бўлиб, «гул», «тасвир» деган маъноларни англатади. Нақш – қуш, хайвон, ўсимлик, новда(гирих) ва бошқа элементларнинг маълум тартибда такрорланишидан ҳосил қилинган безакдир. Нақш элементлари табиатдан тўғридан-тўғри олинмасдан, қайта ишлаш асосида ҳосил қилинади. Қайта ишлаш – ўсимлик ва хайвонот дунёсидаги табиий

шаклларни рамзий шаклларга айлантириш. Қайта ишлаш табиат қонуниятларига ҳамда амалий санъатнинг бадиийлик қонуниятларига асосланади.

Педагогик жараёнда таълимнинг ижтимоийлашуви ва индивидуаллашувининг бир вақтда намоён бўлиши, уни ўзига хос ташкиллаштиришни тақозо этади ва бу шахсга йуналтирилган таълим деб аталади. Бундай таълимнинг ташкил этишдан мақсад-барча таълим олувчилар учун ягона, лекин бир вақтнинг ўзида ҳар бир ўқувчининг индивидуал қобилиятлари, дунёқараши, қадриятлари ва шахсий установакалари асосида ривожланишига имконият берувчи кўп қиррали таълим муҳитини яратишдир. Таълим муассасаси шу даражага асосланган ҳолда, ҳар бир ўқувчининг индивидуал таълим олиш йўлларини ишлаб чиқади. Бундай таълим муассасаси-барча ўқувчилар учун ягона ва ҳар бир ўқувчи учун индивидуалдир.

Лойиҳа усули доирасидаги ташкилий шакллар. «Лойиҳа усули»ни қўллаш учун 3 хил ташкилий шакллар қўланади. Бу ташкилий шакллар пойдевор квалификациялар ривожланишига маълум равишда кўмаклашишади:

- мустақил режалаштирилган индивидуал иш
- гуруҳда режалаштирилган индивидуал иш
- гуруҳда бажариладиган иш.

Ташкилий шакллар ва пойдевор квалификациялар орасидаги ўзаро алоқа яққол ва тушунарли чунки мустақил режалаштирилган индивидуал иш пайтида индивидуал шахсиятга оид ва касбий компетенциялар (иш топшириғини ўзи ташкиллаштириш ва амалга ошириш қобилиятлари мустақиллик ва шахсий жавобгарлик чидамлилик ва ҳоказо) ривожланса гуруҳда режалаштирилган индивидуал иш ҳамда гуруҳда бажариладиган иш пайтида эса ижтимоий ва касбий компетенциялар (мулоқот ва ҳамкорлик қобилияти режалаштириш ва қарор қабул қилиш қобилияти жамойй жавобгарликни англаш ва бошқа қобилиятлар) ривожланишига хисса

қўшишади.

Мустақил режалаштирилган индивидуал иш:

Ўқувчига лойиҳа ҳужжатлари берилгандан кейин у ўз лойиҳасини режалаштиради бутунлай шахсий жавобгарликда индивидуал равишда ишлаб амалга оширади ва натижаларини ўзи таҳлил қилади. Ўқувчилар орасида ҳеч қандай мулоқот юзага келмайди. Гуруҳда режалаштирилган индивидуал иш: Гуруҳга лойиҳа ҳужжатлари берилгандан кейин гуруҳ ўқувчилари биргаликда «Маълумот йиғиш - Режалаштириш - Қарор қабул қилиш» босқичларини амалга оширишади. Ундан кейин эса ҳар бир ўқувчи индивидуал равишда ишлаб ўз лойиҳасини амалга оширади. Яъни режалаштириш пайтида у бошқалар билан биргаликда жавобгарликни ўз зиммасига олади лекин амалга ошириш пайтида шахсий жавобгарликни ўз бўйнига олади.

Гуруҳда бажариладиган иш: Гуруҳга лойиҳа ҳужжатлари берилгандан кейин гуруҳ ўқувчилари биргаликда умумий режани тузишади. Сўнг лойиҳа бир неча «қисман лойиҳа»ларга бўлинади ва уларни бир-бирига боғловчи касбий бўғинлар гуруҳда келишиб олинади. Деталли режалаштиришни эса ҳар бир ўқувчи ўзи амалга оширади. Сўнг ҳар бир ўқувчи ёки кичик гуруҳ ўзининг қисман лойиҳасини тузади. Бу ҳолда уларнинг ҳаммаси қисман лойиҳаларни ишлай оладиган яхлит лойиҳага бирлаштириш учун биргаликда жавоб беришади.

**Blended learning (аралаш ўқитиш) усули.** Ўқувчи ўзининг аниқ шароитлари ва имкониятларига энг кўп мос келадиган ўқув жараёнини онгли равишда танлаб олиши фойдадан холи эмас. Бу иш дарснинг муҳим томонларини танлашдаги таваккалчиликка билим кўникма ва малакаларни ўзлаштириш жараёнини бошқаришга қандайдир тасодифий ёндашишга йўл қўймайди.

Дарсга бўлган талаблар. Дарс юқорида айтиб ўтилганидек. Ўқитишни ташкил этишнинг ўзгармас шакли эмас. Ўқув амалиёти ва педагогик тафаккур доимо уни такомиллаштириш йўллари излайди. Бу соҳада турли

хил кўрик-танловлар, республика миқёсида ўтказилаётган педагогик ишларда ўртага қўйилаётган илғор ўқитувчиларнинг фикр ва мулоҳазалари диққатга сазовордир. Турли-туман фикр ва мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда дарс қуйидаги умумий дидактик талабларга жавоб бериши лозим.

1. Ҳар бир дарс маълум бир мақсадни амалга оширишга яратилган ва пухта режалаштирилган бўлмоғи лозим.

2. Ҳар бир дарс мустаҳкам ғоявий-сиёсий йўналишга эга бўлмоғи лозим.

3. Ҳар бир дарс турмуш билан амалиёт билан боғланган бўлмоғи лозим.

4. Ҳар бир дарс хилма-хил усул услуб ва воситалардан унумли фойдаланган ҳолда олиб борилмоғи лозим.

5. Дарсга ажратилган ҳар бир соат ва дақиқаларни тежаб ундан унумли фойдаланмоқ лозим.

6. Ҳар бир дарс ўқитувчи ва ўқитувчиларнинг фаоллиги бирлигини таъминламоғи лозим.

7. Дарсда ўқув материалларининг мазмунига оид кўрсатмали қуроллар техника воситалари ва компьютерлардан фойдаланиш имкониятини яратмоқ лозим.

8. Дарс машғулотини бутун синф билан ёппасига олиб бориш билан ҳар қайси ўқувчининг индивидуал хусусиятлари уларнинг мустақиллигини ошириш ҳисобга олинади.

9. Ҳар бир дарсда мавзунинг характеридан келиб чиқиб, халқимизнинг бой педагогик меросига мурожаат қилиш ва ундан фойдаланмоқ имкониятини изламоғи лозим.

**Эвристик ўқитиш методи.** Эвристик ўқитиш методини қўллашда ўқитувчи ўқувчилар билан ҳамкорликда ҳал этилиши зарур бўлган масалани аниқлаб олади. Ўқувчилар эса мустақил равишда таклиф этилган масалани тадқиқ этиш жараёнида зарурий билимларни ўзлаштириб оладилар ва унинг ечими бўйича бошқа вазиятлар билан таққослайди. Ўрнатилган масалани ечиш давомида ўқувчилар илмий билиш методларини ўзлаштириб

тадқиқотчилик фаолиятини олиб бориш кўникмаси тажрибасини эгаллайдилар.

Таълим жараёнида тадқиқотчилик ўқитиш методини қўллашда ўқитувчи ва ўқувчилар томонидан қуйидаги ҳаракатлар амалга оширилади (2.3.1-жадвал):

2.3.1-жадвал

Ўқитувчи тузилмаси	фаолияти	Ўқувчи фаолиятининг тузилмаси
<ul style="list-style-type: none"> <li>- ўқувчиларга ўқув таклиф этиш;</li> <li>- ўқувчилар билан тадқиқот ўрнатиш;</li> <li>-ўқувчиларнинг фаолиятини ташкил этиш</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>муаммосини ҳамкорликда масаласини илмий</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- ўқув муаммолари моҳиятини англаб олиш;</li> <li>- тадқиқот муаммосини ўқитувчи ва ўқувчилар билан биргаликда ўрнатишда фаоллик кўрсатиш;</li> <li>- уларни ечиш усулларини топиш;</li> <li>- тадқиқий масалаларни ечиш усулларини ўзлаштириш</li> </ul>

Эвристик методи ўқитувчилардан ижодий хусусият касб этувчи юқори даражадаги билиш фаолиятини ташкил эта олиш кўникма ва малакаларига эга бўлишни тақозо этади. Бунинг натижасида ўқувчилар мустақил равишда янги билимларни ўзлаштира оладилар. Улар одатда юқори синф ўқувчиларининг ўзлаштириш даражаларини ҳисобга олган ҳолда маълум ҳолатларда қўлланилади. Ушбу методлардан бошланғич синфларда фойдаланиш амалиётчи-ўқитувчиларнинг фикрларига кўра бир мунча мураккаб ҳисобланади [40.].

**Мультимедиа технологиялари. 3D технологиялар** Мультимедиа тушунчаси кенг маъноли бўлиб, турли соҳа мутахассислари уни қўлланиш мазмунига қараб турлича талқин этишга ҳаракат қиладилар.

Бугунги кунда мультимедиа технологиялари иқтисодиётнинг турли соҳаларида қўлланилишини кўриш мумкин. Мультимедиа воситалари аппарат ва дастурлар тўплами бўлиб, у инсонга ўзи учун табиий бўлган жуда турли-туман муҳитларни: товуш, видео, графика,

матнлар, анимацияларни ишлатган ҳолда компьютер билан мулоқот қилиш имконини беради.

Мультимедиа тушунчаси кенг маъноли бўлиб, турли соҳа мутахассислари уни қўлланиш мазмунига қараб турлича талқин этишга ҳаракат қиладилар. Электроника билан шуғулланувчи мутахассислар ушбу атамани ҳар хил форматдаги матн, графика, анимация, товуш, видео кўринишдаги маълумотлар билан ишлаш имкониятини таъминловчи аппарат воситалари сифатида тушунадилар. Мультимедиа тушунчасининг энг умумлашган ҳолати (мультимедиа воситалари) – матн, расмлар, схема, жадвал, диаграмма, фототасвирлар, видео ва аудиофрагментлар ва бошқа ҳар хил маълумотларни рақам кўринишида ишлаб чиқиш, яратишнинг дастурий-аппарат воситалари тушунилади. Мультимедиа (multi – ko`p, media – muhit) - бу компьютер технологиясининг турли хил физик кўринишга эга бўлган (матн, графика, расм, товуш, анимация, видео ва ҳ.к) турли хил ташувчиларда (оптик диск, флеш хотира ва ҳ.к.) мавжуд бўлган ахборотдан фойдаланиш билан боғлиқ соҳасидир. Мультимедиа воситалари - бу аппарат ва дастурлар тўплами бўлиб, у инсонга ўзи учун табиий бўлган жуда турли-туман муҳитларни: товуш, видео, графика, матнлар, анимацияларни ишлатган ҳолда компьютер билан мулоқот қилиш имконини беради.

**Мультимедиали технология-** бир вақтнинг ўзида маълумот тақдим этишнинг бир неча усуллари билан фойдаланишга имкон беради: матн, графика, анимация, видеотасвир, товуш в.ҳ. Мультимедиали технологиянинг энг муҳим хусусияти интерфаоллик– ахборот муҳити ишлашида фойдаланувчига таъсир ўткази олишга қодирлиги ҳисобланади.


Сўнгги йиллар давомида кўплаб мультимедиали дастурий маҳсулотлар яратилди ва яратилмоқда: энциклопедиялар, ўргатувчи дастурлар, компьютер тақдимотлари ва бошқалар. Тадқиқот ишида компьютер технологияларидан фойдаланишда компьютер тақдимотлари, маъруза ёки бошқа чиқишларда одатда кўргазмали намоиш этиш воситаси сифатида плакатлар, қўлланма, лаборатория тажрибаларидан фойдаланилди (2.3.1-расм).





2.3.1-расм. Технология фанини ўқитишда компьютер технологияларидан фойдаланиш

Бу мақсадда диапроекторлар, кодоскоплар, график тасвирларни экранда намоиш этувчи слайдлардан фойдаланилди. Компьютер ва мультимедиали проекторнинг пайдо бўлиши эса маърузачи нутқини товуш, видео ва анимация жўрлигида сифатли ташкил этишнинг барча зарурий жиҳатларини ўзида мужассам қилган кўрғазмали материалларни тақдимот сифатида тайёрлаш ва намоиш этишга имкон берди [40].



2.3.2-расм. Мультимедиа маҳсулоти таркиби

Сўнги йилларда мультимедиа маҳсулотлари кенг харидорлар олиши мумкин бўлган даражага келди. Уларнинг ишлатилиши ҳар доим ҳам бир хил эмас. Турли мультимедиа жиҳозларини сотиб олишда қуйидаги кўрсаткичларга аҳамият бериш керак:

- берилаётган материалнинг сифати ва ишончилиги;
- берилаётган график материалнинг сифати;
- товуш жўрлиги (матн, мусиқий безак ва бошқалар);
- видеоматериал мавжудлиги ва уларнинг сифати;
- интерфаоллик имкониятлари (турли йўналишларда кўриш, материални чуқур ўрганиш, чоп этиш имконияти ва бошқалар);
- дўстона интерфейс

Мультимедианинг дастурий таъминоти.

Мультимедиа маҳсулоти яратиш учун қуйидагиларни жалб қилиш мумкин:

1. Бутун малакали дастурчилар гуруҳи билан ишлашни талаб қилувчи дастурлаш тили.

2. Инструментал воситалар, яъни Macromedia Director, Formula Graphics Multimedia System, Multimedia Creator, Asymetrix ToolBook, AuthorWare Professional ва бошқа шу каби маҳсул дастурий маҳсулотлар. Бу шаклда яратилган лойиҳалар анча арзон, шу боис унчалик универсал эмас, қўлланилган инструментлар имкониятлари чекланган бўлса-да, малакали фойдаланувчилар бундай инструментал воситалар ёрдамида ишлай оладилар. Таълим бериш мақсадида мультимедиа маҳсулотини Microsoft Office дастурлари асосида ишлаб чиқиш мумкин, материални тайёрлаш учун эса PhotoShop (расмларни қайта ишлаш), Adobe Premier ёки Vstudio2 (видеоклипларни қайта ишлаш), Stoik Software (тасвирларни қайта ишлаш ва морфинг яратиш), товуш ёзиш ва уни қайта ишлаш каби қўшимча дастурлардан фойдаланилади. Мультимедиали дастурий маҳсулот кўпинча ишлатиш мумкин бўлган маълумотлар базаларидан таркиб топади, масалан,

MS Access ёки MS Word ёрдамида. Расмлар ёки клиплар намоёиши MS Power Point дастури ёрдамида амалга оширилади.

Интерфаоллик режимини яратиш учун тўлиқроқ изоҳга мурожаат қилишга ёрдам берадиган гипермуурожаатлардан фойдаланилади. Мультимедиа маҳсулотлари яратишга мўлжалланган дастурлар: - Macromedia Director – тақдимот ва мультимедиа маҳсулотлари яратишга хизмат қилади.

Ушбу дастур ММХ-технологиялар билан ишлайди ва тугмалар, слайдлар, клип ва анимациялар билан ишлашга имкон беради;

- Formula Graphics Multimedia System – интерфаол режимда ишловчи мультимедиа дастурларини тайёрлашни таъминлайди.

Санаб ўтилган дастурлар қиммат туради, шунинг учун фойдаланувчилар орасида булар кам ишлатилади. Мактабда мультимедиа лойиҳаларни ишлаб чиқишда, бунинг учун кенг имкониятларга эга бўлган Microsoft Office дастурларидан фойдаланиш етарли. Агар ўқувчилар тайёрлаган лойиҳаларни маълумотлар базаси қўшмоқчи бўлсак, у ҳолда MS Access, анимация эффектлари билан тақдимот тайёрлашингиз учун эса MS PowerPoint дастуридан фойдаланамиз.

### **Ижодий вазифаларни гуруҳ бўлиб ечиш методларини қўллаш:**

**1.Дельфи методи** – тавсия этилган сериядаги муқобиллардан энг яхшисини танлаб олишга ёрдам беради. Гуруҳ аъзоларидан ҳар бир муқобилга муайян изчилликда баҳо бериш талаб қилинади. Тадбирни ўтказиш тартиби қуйидагича. Масалан, статистик методлар орқали 5та камчилик (дефект) сабаблари аниқланган. Қайси бири муҳим камчилик? Муҳокама иштирокчилари муаммони аввало муҳимлик даражасига кўра саралаб чиқадилар. Ўзлари учун муҳим ҳисобланган муқобилни биринчи ўринга, иккинчи даражаларини бешинчи ўринга қўядилар.

## Муқобилларни баҳолаш

2.3.2-жадвал

М.Қ	Муқобиллар														
	1			2			3			4			5		
	Т	Б	Ҳ	Т	Б	Ҳ	Т	Б	Ҳ	Т	Б	Ҳ	Т	Б	Ҳ
А	4	7	28	3	4	12	1	1	1	2	3	6	5	10	50
Б	5	2	10	3	6	18	2	7	14	1	10	10	4	4	16
В	2	8	16	1	1	1	4	3	12	3	4	12	5	2	10
Г	5	10	50	4	5	20	3	4	12	2	3	6	1	1	1
Ҳосила			104			51			39			34			77

Изоҳ: Т- тоифа баҳоси (1 дан 5 гача)

Б- балл бўйича баҳо (1 дан 10 гача)

Ҳ- ҳосила (яъни Т+Б)

МҚ- муҳокама қатнашчилари

Шундан сўнг ҳар бир муқобилга ҳар бир иштирокчи камчиликларнинг сабабларига тўхталган ҳолда 10 баллик тизим асосида баҳо қўйиб чиқади. Бунда энг юқори балл сифатида 1 ва энг пастки 10 балл этиб белгиланади. Учинчи босқичда муқобилларнинг ҳар бири ўзаро кўпайтирилади ва ҳосила рақам топилади. Энг кам рақам тезликда ва биринчи навбатда бартараф қилинадиган сабабни билдиради. Ҳисоблашни осонлаштириш учун махсус жадвал (4.03) ясалиши мумкин.

**2. «Қора қути» методи.** Бу метод асосида ечиладиган муаммолар аниқ вазиятни таҳлил қилиш орқали амалга оширилади, яъни таҳлил давомида иштирокчилар беихтиёр камчиликлар (дефектлар)нинг юзага келиши масалаларига тўхталдилар. Иштирокчиларни бунга махсус, мақсадга мувофиқ қўйилган саволлар ундайди. Масалан, «Бу вазият нимага олиб келади?» ёки «Бу ҳолатда механизмлар иши қай даражада барқарор?» ва б. «Қора қути» методининг моҳияти шундаки, унда камчиликлар сабаби йўл-

йўлакай аниқланади. Бунда кишиларнинг ижодий ташаббуслари ривожлантирилади.

**3. Кундалик тутиш методи.** Гуруҳнинг ҳар бир аъзосига ён чўнтак дафтарчаси тарқатилади. Унга, айтиқлик, бир ҳафта давомида муҳокама қилинадиган муаммо бўйича туғилган фикрлар қайд қилиб борилади. Барча ўқувчиларнинг ёзиб борган фикрлари пешқадамлар томонидан таҳлил қилиниб, тайёрланган материал охириги муҳокамага олиб чиқилади. Бу метод қуйидаги жиҳатлари билан ажралиб туради: биринчидан, туғилган ғоя, аниқ рационал таклиф ўша гуруҳнинг фикри даражасига кўтарилади, иккинчидан, турли хилдаги тортишувлар, нуқтаи назарлар гуруҳ мажлисигача ҳал қилинади, кескинлашган нуқтаи назарлар ҳам текисланади.

**4. “6-6” методи:** Олти кишидан кам бўлмаган гуруҳ 6 дақиқа давомида гуруҳ олдида турган муаммони ечишга ёрдам берадиган аниқ ғояни шакллантиришга ҳаракат қиладилар. Ҳар бир иштирокчи алоҳида саҳифаларга ўз фикрларини ёзиб боради. Бу жуда ихчам тарзда амалга оширилади: жипсликларнинг бузилиши, материалларнинг бузилиши, технологияларнинг бузилиши тарзида. Шундан сўнг гуруҳда барча тайёрланган рўйхатлар муҳокама қилинади.

Муҳокама жараёнида ўта хато қарашлар чиқариб ташланади, мунозарали масалаларга аниқлик киритилади, бошқа барча аниқланган хусусиятлар гуруҳлаштирилади. Вазифа – бир неча муҳим муқобилларни саралаб олиш, бинобарин, уларнинг миқдори иштирокчилар миқдорига нисбатан кам бўлиши лозим.

**«Бумеранг» технологияси.** Бу технология бир машғулот давомида ўқув материаллини чуқур ва яхлит ҳолатда ўрганиш, ижодий тушуниб етиш, эркин эгаллашга йўналтирилган. У турли мазмун ва характерга (муаммоли, мунозарали, турли мазмунли) эга бўлган мавзуларни ўрганишга яроқли бўлиб, ўз ичига оғзаки ва ёзма иш шакллари қамраб олади. Машғулот давомида талабаларнинг турли топшириқларни бажариши, навбат билан ўқитувчи ёки ўқувчи ролида бўлиши, керакли балли тўплашига имконият

яратади.«Бумеранг» технологияси танқидий фикрлаш, мантиқни шакллантиришга имконият яратади ҳамда ғоя ва фикрларни ёзма ва оғзаки шаклларда баён қилиш кўникмаларини ривожлантиради.Мазкур метод тарбиявий характердаги қатор вазифаларни амалга ошириш имконини беради, яъни; бўлажак ўқитувчиларда жамоа билан ишлаш маҳорати, муомалалик, хушфёъллик, ўзгалар фикрига хурмат, раҳбарлик сифатларини шакллантириш, фаолиятга креатив ёндашиш, ўз фаолиятини самарали бўлишига қизиқиш, ўзини холис баҳолаш кабилар [40.].

Ўқувчининг турли машғулотларда, маънавий-маърифий тадбирлар ва турли мусобақалардаги кўрсаткичлари, муносабатлар тизими қатъий равишда синф раҳбари, мактаб психологи ва “Технология” фани ўқитувчиси билан ҳамкорликда электрон усулда аниқлаб ва кўрсаткичларни қайд этиб бориши ва натижалар йиғиндисини акмеограмма кўринишида акс эттириши ўқувчининг ўзига, жамоат ташкилотлари, мактаб раҳбарияти, ота-оналар ва юқори ташкилотларга аниқ маълумотлар тақдим этиши ва келгусида ўқувчи ўз устида ишлаши учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган ва амалда қўлланилган замонавий таълим технологияларини қўллаш орқали ўқувчиларнинг креативлигини оширишга қаратилган машғулотларда: ўқувчи креатив фикрлашга эга бўлиши, иродали яъни таҳлил ва тарбиялашни хоҳлаши, ўзини ўртоқларининг яқин кишиларининг кўзи билан кўриши ва ўзини - ўзи такомиллаштиришга интилиши зарур.

Ўқувчилар муайян вақтда белгиланган вазифаларни бажариш учун мажбурият оладилар ва уларни кун тартибига ёзиб боради. Кейин бажарган ишлари бўйича ҳисобот берадилар ёки тақдимотларда иштирок этади, унинг индивидуал натижалари таҳлил қилиб борилади.

Мазкур жараёнга муносабат бу фаолликка интилиш демакдир. Фаолликнинг ўзи эса касб фаолиятини ташкил этади. Келажакка тайёргарлик ҳамда шахс фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган

педагогик жараёнда шахсда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган сифатлар шаклланади.

“Менинг келгусидаги ҳаётим”- каби мавзуларда ўқувчилардан олинган иншолар натижаси, уларнинг келажакка тайёргарлик ва унга бўлган муносабати мотивлари аниқланди. Таҷриба-синов ишида қатнашган ўқувчилар учун креативликни оширишнинг мавжудлик ҳолатини аниқловчи махсус саволлар тузилди.

Саволларни тузишда қуйидагиларга алоҳида эътибор берилди: мактаб ўқув фанлари таркибида мавжуд бўлган дарслар самарадорлигини оширишга оид билимлар тизимига; фанлараро боғланишга; ўқувчиларнинг олдинги таҷриба ва билим даражасига; танланган саволларнинг муҳим ва илмийлигига; ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига; саволларнинг узвийлиги ва узлуксизлиги; ўқувчиларга “Технология” фани дарслари самарадорлигини оширишга оид саволлар, психологик тренинглар, маслаҳатлар олиб борилди.

Иккинчи бобдаги “Технология” фанини ўқитишда креативликни шакллантириш тузилмасидаги ўқув мақсади, мазмуни, бўлим мавзулари мураккаблиги, фанлараро алоқадорлиги кабиларни инобатга олинган ҳолда ва унинг компонентларига мос равишда умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг креатив фикрлаш даражаси, креативликни шакллантириш компонентлари, креативликка йуналганлик кўрсаткичлари ва мезонлари ишлаб чиқилди (2.3.3-жадвал).

2.3.3-жадвал

### **Креатив ёндашув асосида креативлик кўрсаткичлари ва мезонлари**

Мезонлар	Таркиби	Кўрсаткичлари	Даражалари
Креатив фикрлаш	креатив фаолиятини амалга оширишда зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг эгалланиши ва уларни амалда юқори даражада қўллай олиш; -фаолиятда назарий билимлардан самарали	-креатив фаолиятнинг инсон ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини тушуниш; - масалалар ва уларни ечишнинг креатив усулларини билиш; - креатив фаолият талаблари, режалаштириш ва лойиҳалаш йўлларини	1.Паст даража 2.Ўрта даража 3.Юқори даража

	<p>фойдалана олиш, юқори даражадаги креатив кўникма, малака, маҳорат ва иқтидорни намоён этиш;</p> <p>-креатив фаолият жараёни учун шаклланган назарий билим, кўникма ва малакаларлардан фойдаланиш даражаси;</p>	<p>билиш;</p> <p>- ишни бажариш усуллари кўллай олиш, жиҳозлар ва воситалар билан мустақил ижодий ишлай олиш;</p> <p>- амалга ошириладиган вазифалар ва истиқбол режаларни креатив амалга оширишни билиш.</p>	
Креатив қобилият	<p>-меҳнат жараёнига тегишли тизимли ёндашувларни, лойиҳалаш технологияларни жорий этиш, креатив жараён усуллари, методлар ва тамойилларидан самарали фойдаланишдан иборат ижодкорлик даражаси.</p> <p>-креатив фаолият жараёни учун мунтазам ўз-ўзини ривожлантириш такомиллаштириш;</p> <p>-изчил равишда ижодий ўсишга эришиш, малака даражасини ошириб бориш, креатив фаолиятда ўз ички имкониятларини намоён қилиш.</p>	<p>-креатив изланувчанлик фаолиятида фаол иштирок этиш;</p> <p>- креатив ва илмий изланувчанлик вазифасини мустақил танлаш;</p> <p>- конкурс, илмий семинар, конференцияларда фаол иштирок этиш;</p> <p>- топширик, лойиҳа, масала ва топшириқларни бажаришда фаол ижодкор иштирокчи ва бажарувчи бўлиш;</p> <p>- креатив изланувчанлик фаолиятида қийинчиликларни енга олиш;</p> <p>- ўз-ўзини ривожлантиришга, янги ахборотларни ўзлаштиришга интилиш.</p>	<p>1.Паст даража</p> <p>2.Ўрта даража</p> <p>3.Юқори даража</p>
Креатив йўналганлик	<p>-янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши;</p> <p>-фанларни ўзлаштиришда креатив тафаккур ва фикрлашга эга бўлиш, мустақил ижодий фаолият юрита олиши;</p>	<p>- фаолиятни мустақил режалаштира олиш;</p> <p>- ҳаётий ва шахсий мақсадларни ўз олдига қўя билиш;</p> <p>- вазифа ва топшириқларни ижодий мустақил амалга оширишда танлаган метод ва воситаларини</p>	<p>1.Паст даража</p> <p>2.Ўрта даража</p> <p>3.Юқори даража</p>



	<p>- мустақил иш топшириқларини бажариш жараёни учун керакли жиҳозлар, воситалар билан турли усулларда мустақил ижодий ишлай олиш</p>	<p>асослай олиш; - ўз-ўзини назорат қилиш ва баҳолай олиш; - жиҳозлар, воситалар билан турли усулларда мустақил ижодий ишлаш ва методларни қўллаш; - бажарилган иш натижаларини, фаолиятни мустақил таҳлил қила олиш.</p>	
--	---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	--

Шахсининг креатив йўналтирилганлиги компонентларини ривожлантириш ўқув-тарбиявий фаолиятнинг адекват методлари, усуллари ва ташкилий шаклларини қўлланиш ҳисобига амалга оширилди. Бунда интегратив вазифани бажариб, ўқитувчи ўқувчиларни рефлексияга шахсий мотивларни англашга ва қайта тушуниб олишга ва умуман ҳаётий мақсадлар, қизиқишлар, эҳтиёжлар ва креатив қобилиятларга ундайди. Шунингдек, ўқувчиларни онгли рефлексия ва мақсадга интилиш, муаммоларни ижодий ҳал этиш усуллариغا, шахсий ривожланишни режалаштиришга ва ўзини такомиллаштиришга ўргатади.

Ўқувчиларда креатив фикрлаш кўникмасини шакллантиришдан олдин синфда қулай муҳитни яратиш лозим. Креатив муҳитда таълим олаётган талабаларда аста-секин креатив вазифаларни бажаришга нисбатан қизиқиш ортади, шунингдек, креатив тафаккурга эга ўқитувчини кузатиш натижасида

1) саволлар, камчиликлар ва бир-бирига зид маълумотларга эътиборсиз бўлмаслик;

2) муаммоларни аниқлаш учун ҳаракат қилиш, илгари сурилган тахминлар асосида уларнинг ечимини топишга интилиш кабилар [ 29; 1139-1143-б.].

Ижодий тафаккур ва унинг натижалари (тезкорлик, самарадорлик, маҳсулдорлик ва б.)ни аниқловчи тестлар Шахсининг ҳаётий тажрибаси ва шахсий сифатларини аниқловчи тестлар креатив фикрлашга мойил бўлади (Sternberg & Williams, 1996). Креативлик характеридаги ўқув-

билиш муҳити ўқувчиларда таълим жараёнида катта аҳамиятга эга бўлган танқидий ва креатив фикрлаш кўникмасининг ривожланишига олиб келади.

Креатив фикрлашга эга ўқувчилар:

- бошқа талаба ўқувчиларнинг ҳаёлига келмаган ғояларни билдиради;
- ўзларини ифода этишнинг ўзига хос услубини танлайди;
- баъзан мавзу алоқаси йўқ ёки ғайриоддий саволлар беради;
- ечимни очиқ қолган вазифалардан завқланади;
- ғояларни аниқ далиллар асосида муҳокама қилишни афзал кўради;
- муаммонинг ечимини топишда ноанъанавий ёндашувни танлайди.

Машғулотларда ўқитувчи “креативлик йўл харитаси”га кўра қуйидаги тўртта йўналиш бўйича ҳаракатланади ва улардаги ҳаракатлар креативликни ифодаловчи белгилар саналади:

- 1) ижодий фикрлаш кўникмаларини намоён этиш;
- 2) талабаларни ўқув фанларини қизиқиш билан ўзлаштиришга рағбатлантирувчи стратегия (метод ва воситалар)дан фойдалана олиш;
- 3) инновацион ёндашув ва педагогик масала (муаммо)ларнинг ечимини топишга креатив ёндашиш;
- 4) кутиладиган натижа.

Ўқувчиларни креатив фикрлашга ўргатиш, уларда креатив тафаккурни шакллантира олиш учун аввало ўқитувчининг ўзи креатив, ижодкор шахс бўлиши зарур. Борди-ю, унинг ўзи креативлик сифатларига эга бўлмаса, у ҳолда қандай қилиб, талабаларни креатив фикрлашга рағбатлантира олади. Чиқариладиган ягона хулоса қуйидагича: ўқитувчининг ўзи креатив, ижодкор бўлсагина, талабалар ҳам шундай бўла олади.

Креатив характерга эга машғулотлар талабаларнинг қизиқишларини кучайтириб, улар янада кўпроқ ҳаракат қилишга ундайди. Dweck томонидан эътироф этилишича, талабалар амалий ҳаракат ва фаоллик жиддий ўзгаришларга олиб келмаслигига ишонишдек салбий тушунчаларга эга. Улар ўзларининг муайян имкониятларга эгалиklarини биладилар, бироқ, мавжуд имкониятлари ҳеч нарсани ўзгартирмайди деб

ҳисоблайди. Шу сабабли улар ўзларининг фаоллик даражасини эришаётган ютуқлари билан эмас, аксинча, доимо муваффақиятсизликлари билан баҳолашга одатланиб қолишади. Бу эса ниҳоятда хавфли. Ўзларини юқори баҳолайдиган талабалар эса мавжуд кўникма, малака ва иқтидорлари янада ривожланиб боришига ишонадилар. Бундай талабалар одатда мураккаб ишларда фаол қатнашадилар ва ўзларини намоён эта оладилар [34; 82-84-б.].

Бундай фикрлаш одатига эга ўқувчилар киришимлироқ ва креативлик кўникмасидан фойдаланишга мойил бўлади. Креатив характерга эга машғулотлар талабаларнинг қизиқишларини кучайтириб, улар янада кўпроқ ҳаракат қилишга ундайди.

Drapeau Patti томонидан эътироф этилишича, талабалар амалий ҳаракат ва фаоллик жиддий ўзгаришларга олиб келмаслигига ишонишдек салбий тушунчаларга эга. Улар ўзларининг муайян имкониятларга эгалиklarини биладилар, бироқ, мавжуд имкониятлари ҳеч нарсани ўзгартирмайди деб ҳисоблайди. Шу сабабли улар ўзларининг фаоллик даражасини эришаётган ютуқлари билан эмас, аксинча, доимо муваффақиятсизликлари билан баҳолашга одатланиб қолишади. Бу эса ниҳоятда хавфли. Ўзларини юқори баҳолайдиган талабалар эса мавжуд кўникма, малака ва иқтидорлари янада ривожланиб боришига ишонадилар. Бундай талабалар одатда мураккаб ишларда фаол қатнашадилар ва ўзларини намоён эта оладилар ҳам. Хато қилсалар ундан хулоса чиқариб, ўсишда давом этадилар. Бундай фикрлаш одатига эга ўқувчилар киришимлироқ ва креативлик кўникмасидан фойдаланишга мойил бўлади [55.].

Мактаб ўқувчиларини “Технология” фанини ўқитишда креатив йўналтирилган ўқитиш тизимида таълим самарадорлигини оширишда қуйидагиларга эътибор берилди:

-ўқитиш соҳасида-ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш таълими ва унинг ривожланиш қонуниятлари ҳамда тамойиллари ҳақидаги асосий билимларни ўзлаштириши;

-ўзини-ўзи англаш соҳасида-ўзининг индивидуал креатив фаолияти имкониятини англаш, онгли равишда фуқаролик хулқ-атворини такомиллаштириш;

-мотивация соҳасида-мутахассислик йўналишига оид махсус фанларга қизиқишни, креатив фикрлашга доимий эҳтиёжни ривожлантириш;

-миллий ҳунармандчилик сирларини ўзлаштириш, ўқувчиларни иш билан таъминлаш муаммосини ечиш ва уларнинг ҳозирги замон талабига мослашишига эришиш [28; 1057-1062-б.].

Мактаб ўқувчиларини “Технология” фанини ўқитишда креатив йўналтирилган ўқитишга мисол сифатида қуйидаги дарс ишланмасини мисол келтирамиз:

### **Дарс ишланмаси**

**Фан:** Халқ ҳунармандчилиги

**Мавзу:** Ўзбек миллий халқ ҳунармандчилик турларидан зардўзлик санъати

**Дарс тури:** Назарий машғулот

**Дарс вақти:** 80 дақиқа

**Дарсда қўлланиладиган усуллар:** “Брейн ренг” усули, “Ақлий - хужум” усули, “Бумеранг” усули, “Мунозара” усули

**Дарсда қўлланиладиган назорат тури.**

Оғзаки, ёзма, компютерлаштирилган.

**Дарс мақсади.** Ўзбек миллий халқ ҳунармандчилик турларидан зардўзлик санъати ҳақида билим ва кўникмалар бериш

**Ўқув мақсади-** талабаларни назарий билимларни олиши ва мустаҳкамлаши.

**Маънавий – маърифий мақсади** -мавзуларни ўрганиш борасида маънавий баркамол мутахассисларни тайёрлаш. Мутахассисликка қизиқишини маъсулият ҳиссиётларини шакллантириш.

**Ривожлантириш мақсади** - мавзуни ўрганиш борасида талабаларни ижодий йўналишга йўллаш.

**Фанлараро боғланиши:** математика, кимё, физика, адабиёт, тарих

**Талаба билиши керак.** Ўзбек миллий халқ хунармандчилик турларидан зардўзлик санъатининг аҳамияти.

**Дарсни жихозлаш:**

- Техник воситалар: Компютер, видеоглаз, видеопроктор.
- Кўргазмали кўроллар: Слайдлар, схемалар, жадваллар.
- Тарқатма материаллар: Кичик гуруҳлар учун топшириқлар, тест, саволномаси, масалалар.

**Дарсининг хронологик харитаси.**

№	Дарсни ўтказиш тартиби.	Вақти.
1.	Ташкилий қисм	5 дақиқа
2.	Ўқитувчининг кириш сўзи, таълим тизими олдида турган долзарб масалалар ҳақида ахборот	5 дақиқа
3.	Ўтилган мавзу бўйича талабаларни билимини текшириш. “Бренйн - ренг” саволномаси. “Ақлий - хужум” саволномаси.	10 дақиқа 10 дақиқа
4.	Янги мавзунини тушунтириш.	20 дақиқа
5.	Янги мавзунини мустаҳкамлаш. “Бумеранг” усули “Мунозара” усули	10 дақиқа 10 дақиқа
6.	Дарсни якунлаш	5 дақиқа
7.	Уйга вазифа бериш	5 дақиқа
<b>Ж А М И</b>		<b>80дақиқа</b>

**Технология методик қўлланма.**

**Назарий машғулот мавзуси:** Ўзбек миллий халқ хунармандчилик турларидан зардўзлик санъати

**Назарий машғулотни давом этиш вақти:** 80 дақиқа

**Назарий машғулотнинг мақсади:** Ўзбек миллий халқ хунармандчилик турларидан зардўзлик санъати бўйича тушунча ҳосил қилиш.

**Назарий машғулотларни ўтказиш режаси:** Ташкилий қисм, уй вазифасини текшириш, янги мавзуни баён қилиш, ўтилган мавзу бўйича якуний хулосалар чиқариш, уйга вазифа бериш.

**Дарс босқичларининг мазмуни.**

**Ташкилий қисм.** Ўқитувчининг талабалар билан саломлашиши, давоматни текшириш, ўқув хонасининг тозалигини текшириш, машғулотга тайёрлигини кўриниши.

**Ўқитувчининг кириш сўзи.** Ўқитувчи ўтиладиган янги мавзуни номи, дарс ўтиш режаси билан таништиради. Ўқитувчи талабалар диққатини жалб этиши керак.

**Талабаларни ўтган дарсда олган билимларини текшириш.** Ўқитувчи олдинги ўтилган дарслардаги мавзуларни эслатади ва талабалар қай даражада ўзлаштирганлигини фаол усуллар орқали кузатиши ҳақида эълон қилади.

**Фронтал сўров:**

**Брейн – ренг усулида қўйидагича ўтказилади.**

Гуруҳда нечта талаба бўлса ҳар биттасига кетма – кетликда қисқа савол берилади. Талаба тез ва қисқа жавоб бериши лозим. Савол – жавоб вақтида, жавоблар нотўғри бўлса, талаба шу заҳотиёқ тузатиш киритиши керак, талаба қилган хатосини англаши керак.

**Брейн – ренг саволлари.**

- Халқ амалий санъатининг турларини айтиш
- Зардўзликнинг келиб чиқиши сабабини биласизми?
- Қадимда зардўзликдан нима мақсадда фойдаланган?
- Қандай зардўзи буюмлар ҳозир урфда?
- Зардўзликда асосан қандай иплардан фойдаланилади?
- Зардўзликда қайси буюмларни миллий безаш амалга оширилади?
- Зардўзликда қандай газламалардан фойдаланилади?
- Буюмларни безашда асосан нималар керак бўлади?
- Халқ амалий санъатида зардўзликнинг бугунги кундаги роли?

**Б) Ўқитишнинг фаол усули.**

“Ақлий ҳужум” методи орқали талабаларга амалий кўникма ва машқлар асосида саволларга берилади. Бу усулнинг методик мақсади;

гуруҳдан қисқа вақт ичида кўп миқдорда вариантлар олиш, талабалар нималарни билишини аниқлаш. Машғулот давомида муаммони ҳал қила оладиган ғоялар таклиф этилиши, умумий тажриба юзасидан фикр алмашилиши учун замин яратилиши ва талаб истакларни билдириши мумкин. Методнинг қиймати шундаки у гуруҳларни бирлаштириб, яхлит қилади. Ҳар бир катнашчига унинг таклиф ёзиб олишга арзигулик эканлигини сезиши учун имкон беради. Бу нарса муаммони ечиш мусобақага айлантормасдан, балки биргаликда бажариладиган имкон туғдиради. Бунда гуруҳнинг бошқа аъзоси эмас, балки муаммонинг ўзи асосий рақиб бўлиб қолади.

“Ақлий – ҳужум” методида одатда оғзаки шаклда ўқитувчи савол беради, талабалар эса мунозарага тушмасдан ўз фикрини галма – гал баён қилишади, бунда ҳамма ўз фикрини билдириши керак.

#### **1 – вариант.**

1. Зардўзликда асосан икки хил турдаги игналар ишлатилади, тушунтириб беринг
2. Зардўзликда уч турдаги қайчилардан фойдаланилади, тушунтириб беринг.

#### **2 – вариант.**

1. Цехдаги зардўзлик дастгоҳларни икки турга бўлиш мумкин, тушунтириб беринг
1. Корчупдаги овалсимон ўйиқчалар ёғоч дасталарга мато тортилади, бу нима учун керак?

### **IV. Янги дарс мавзусини тушунтириш.**

#### **Мавзу: Зардўзлик санъати тарихи**

##### **Режа:**

1. Зардўзлик санъати
2. Халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъатини
3. Расм солиш ва нақш чизиш
4. Нақшларни тушириш ва қирқиш.
5. Қирқилган нақшларни зар ип билан тикиш ва безатиш

**Таянч иборалар:** Зардўзи, халқ бадий ҳунармандчилиги, қурок, каштачилик, дўппидўзлик, амалий санъат, нақшлар, зар ип, зардўз, зардўзи буюмлар, зардўзлик санъати, зардўзликда ишлатиладиган газлама.

### **Асосий адабиётлар:**

- 1.М.А.Максумова, Қ.М.Абдуллаева. Халқ ҳунармандчилиги.- Т.: ТДПУ, 2008.
- 2.Азимов И. Ўзбекистон нақшу нигорлари Т., Ғ.Ғулом номли Адабиёт ва санъат нашриёти 1987, 142 б.
3. . Булатов.С.С, Салимов.С, Мухторов.А. Шердор мадрасаси безакларининг сирли олами. – Т.: Талқин, 2007. .
4. Ниғмонов Баҳром хожи Абдувосиқ хожи ўғли. Нақш композицияларини тузиш. – Т.:Низомий номидаги ТДПУ, 2006. 96 б.
5. Педагогика: 1000 та саволга 1000 та жавоб / Мет. қўлл. У.И.Иноятов, Н.А.Муслимов, М.Усмонбоева, Д.Иноғомова. – Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2012. – 193 б.

### **Қўшимча адабиётлар:**

- 1.Мирзиёев Ш. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг қоидаси бо, „лиши керак. Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017 йил.
- 2.Мирзиёев Ш.М. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришни бўйича ҳаракатлар стратегияси тоғрисида”ги ПФ-4947 сонли фармони. 07.02.2017. “Халқ сўзи” газетаси, 2017 йил, 28-(6722) сони
- 3.Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора- тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. “Халқ сўзи” газетаси,

Қадимда ҳам, ҳозир ҳам зардўзлик билан шуғулланадиган ҳунармандларни «зардўз» деб аташади. Ўзбекистон каштачилигини ноёб тури зардўзлик санъатисиз тўла тасаввур қилиб бўлмайди. Бу санъат ўтган асрнинг ўрталарида Бухорода гуркираб ривожланган. У ерда моҳир усталар амир саройининг устахоналарида амир ва унинг сарой аҳли киядиган дабдабали кийимларга пардоз беришган. Зардўзлик одатда эркакларга мансуб бўлган ва улар ўз ҳунарини болаларига мерос қилиб қолдиришган. Зардўзлик санъати ўзининг узоқ тарихига эга бўлиб, деярли барча Шарқ мамлакатлари унинг ватани ҳисобланади. Зардўзлик санъатининг анъаналари ўз даврида ҳам мавжуд ва машхур бўлгандир. Ҳозирги Эронда эса XII-XVII асрлардаги зардўзлик намуналари анчагина сақланиб қолган.



Бухоро зардўзи ашёларининг деярли ҳаммаси амир саройининг эҳтиёжи учун ишлатилган, фақат жуда оз миқдоригина сотиш учун бозорга чиқариларди. У пайтда зардан тикилган эркаклар кийимларини фақатгина хонга ва унинг қон- қариндошларига тегишли инсонлар кияр эдилар. Ҳеч ким, хатто энг катта амалдорлардан бирортаси ушбу қимматбаҳо кийимларни ўзига буюртиришга ҳаққи йўқ эди. Улар бу кийимларни амир совға қилгандагина кийишлари мумкин эди. Аёллар ва болаларнинг зардўз кийимларини эса фақатгина бадавлат хонадон аъзолари кийишга ҳақли эдилар. Зар ва кумуш ип билан эркаклар тўни, салла, дўппи, шалвар, поябзаллар, аёлларнинг кўйлак, камзул калтача, пешанабанд, рўмол, этик ва туфлилари тикилган.

Мустақилликка эришган кунимиздан бошлаб давлатимизнинг бутун сиёсати ўзлигимизни қайта тиклаш ва мустаҳкамлашга қаратилди. Айниқса, мамлакатимиз эртаси бўлган ёшларимизда бундай муқаддас ҳис-туйғуни шакллантиришда она тилимиз анаъаналаримиз ва урф-одатларимиз билан бирга миллий хунармандчилигимиз ҳам муҳим ўрин тутди.

1997 йил 31 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъатини янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Фармонга асосан Республика «Хунарманд» уюшмаси ташкил этилди ва унинг вилоятларда ҳудудий бўлинмалари очилди. Бу уюшма ва унинг ҳудудий бўлинмаларини ташкил этишдан мақсад, узоқ йиллар мобайнида унутилиб кетган халқ амалий санъти ва хунармандчилигини тиклаш, ўзбек миллий амалий санъати ва хунармандчилигини бутун дунёга танитиш эди.

**Зардўзлик - қизиқарли ва ижодий иш** бўлиб, у инсонга кўп қувонч келтириши, бўш вақтида эрмак бўлиши, инсонни нафосат оламига олиб кириши мумкин. Зар тикиш усулларини ўзлаштираётганда ҳамма нарса бирданига яхши чиқмаслиги мумкин, чунки зардўзлик сабр-тоқатли,

эътиборли, тартибли бўлишни талаб этади. Чидамли бўлиш лозим. Керакли малакалар эгаллаган сайин иш аста- секин осонлаша боради.

Мохир зардўз бўлишни хоҳлаган ҳар бир ҳунарманд қуйидаги уч ҳунарни билиши зарур бўлган:

1.Расм солиш ва нақш чизиш;



2.Нақшларни тушириш ва қирқиш;

3.Қирқилган нақшларни зар ип билан тикиш ва безатиш.

Уй-рўзғорда ишлатиладиган зардўзи буюмлар инсон атрофидаги нарсалар учун мўлжалланган бўлиб, инсонга эстетик завқ бағишлаш ва унинг ижтимоий мавқеини кўрсатишга хизмат қилган.

Уй-рўзғорда ишлатиладиган зардўзи буюмларнинг қуйидаги турлари мавжуд: чой халтаи зардўзи, мухр халтаи зардўзи, пул халтаи зардўзи, жилди соат, ғилофи зардўзи, туморчаи зардўзи, сўзанаи зардўзи, чимилдики зардўзи, жойномози зардўзи, чойнакпўшаки зардўзи ва ҳоказо.



Уй-рўзғорда ишлатиладиган зардўзи буюмларни бичиш усуллари ҳамда бичимининг тузилишига қараб уч турга ажратиш мумкин:

- 1.Бичими тўғри чизикдан иборат бўлган кичик хажмли зардўзи уй-рўзғор буюмлари;
- 2.Бичими маълум шаклга эга бўлган кичик хажмли уй-рўзғор буюмлари;
- 3.Бичими тўғри чизикдан иборат бўлган катта хажмли уй-рўзғор буюмлари.

Зардўзликда ишлатиладиган материаллар (газламалар турлари, зар иплар). Зардўзлик буюмларининг хусусий технологияси, ўша буюм учун материал танлаш ва уни бичишдан бошланади. Зардўзлик маҳсулотларининг асосий хусусиятларидан бири уларнинг сиртида зардўзи нақшларнинг бўртиб туришидир. Шунинг учун, нақшлар тагига тукли материал ишлатилади.

**Зардўзликда асосий газламалардан духоба, велюр газламалари ишлатилади.**

Духоба - тукли ўришларда тўқилган газлама бўлиб, унинг асоси пахта ипидан, фақат тукларигина табиий ипакдан бўлади. Духоба, асосан, уй - рўзғор буюмларида ишлатилган.

Велюр - сидирға, зич тўқилган, тукли газлама. Туклари тик, жун ипдан тўқилган. Ҳозирги кунда зардўзликда синтетик тола аралаштириб тўқилган, зардўзлар «тақир велюр» деб аташадиган тури кўп ишлатилади. Ундан барча турдаги зардўзлик буюмлари тикилади. Бу велюр тури чидамлилиги, пишиқлиги, қаттиқлиги, кўркамлиги ва бошқа хоссалари билан зардўзликка жуда мос тушади.

**Зардўзликда ишлатиладиган ёрдамчи газламаларга қуйидагилар киради:**

**Бўз (хом сурп)** - пардозланмаган ип - газлама, анча қалин ва оғир материал. Бўз карда ипдан полотно ўришларда тўқилган, шунинг учун пишиқ ва чўзилмайди.

**Сурп** - оқартирилган ва пардозланган бўз. XX асргача бўлган зардўзликда сурп чакмон, поябзалларда нақшлар остига тағзамин сифатида ишлатилган. Ҳозир ҳам кумуш рангли ип билан тикиладиган нақшлар остига қўйилади.


Турли навдаги симли иплар зардўзлик учун асосий хом-ашё бўлиб хисобланган. Оқ ва тилларанг тусдаги яссиланган кумуш толаси сим деб аталиб, у Бухоро зардўзлари томонидан кенг қўлланилган.

**Думалок металл ип (ликкак)** - пишиқ йигирилган ингичка думалок металл ипдан иборат бўлиб, у пружинага ўхшаб ликиллаб туради.

Зар иплардан ташқари зардўзликда жайдари рангдор ипак иплардан ҳам фойдаланиб, улар асосан гулларга қўшимча оро беришда ҳамда матога зар йўл туширишда ишлатилади.



**Зар ипни ўраш.** Зардўзликда ишлатиладиган асбоб-ускуналар унчалик кўп бўлмаса-да, улар ўзига хос тузилишга эга. Зардўзликда ишлатиладиган асосий асбоб корчўб бўлиб, у икки қисмдан иборат: чамбарак ва хорак. «Корчўб» форсча сўз бўлиб, «кор» - иш, «чўб»-тахта, ёғоч маъноларни англатади.



Чамбарак узунлиги 320 см гача бўлган иккита тенг ёнли ёғоч даста ва уларнинг махсус қисмида ҳаракатланувчи силлиқ тахта, яъни шамширақдан иборат. **Корчупдаги овалсимон ўйиқчалар ёғоч дасталарга мато тортилганда** уларни таранг ушлаб туришга хизмат қилади.

Корчўбнинг иккинчи қисми хораклардир. Хораклар ёғоч пойлар бўлиб, ишлаган вақтда чамбарак улар устига қўйилган, чунки қадимда зардўзлар кўрпача устида ўтириб, иш тикишган.

Ҳозирги замонавий цехларда металлдан (темир ва унинг қотишмаларидан) тайёрланган зардўзлик дастгоҳлари ишлатилади. Бу **цехдаги зардўзлик дастгоҳларни икки турга бўлиш мумкин:**

1. Кичик ўлчамли уй - рўзғор буюмлари ва зардўзлик кийим - кечакларни тикиш учун мўлжалланган дастгоҳлар;

2. Катта ўлчамдаги буюмларни, масалан, зардўзи гилам, сўзана ва хоказоларни тикишга мўлжалланган дастгоҳлар. Улар тузилиши билан эмас, балки чамбарак қисмининг ўлчамлари билангина фарқ қилади, холос.

Зардўзликда корчўпдан сўнг турадиган асбобдан бири - патила ҳисобланади. Патила - тўрт қиррали ва нафис қилиб тарашланган, ичи кавланиб, қўрғошин қуйиб вазминлаштирилган, узунлиги 18 - 20 см ли оддий ёғоч таёқча. Патила зар ипларни зич ва бир текис қилиб ўрашда ишлатилган, бу тикилаётган зардўзнинг бир текис чиқишига ёрдам берган, зар ипнинг чалишиб исроф бўлишига йўл қўймаган.

Зардўзликда ангишвона ҳам зарур. Чунки зардўзлик нақшлари фақат қўлда тикилади. Ангишвона игна қўлга кириб кетмаслиги учун ишлатиладиган металл филофдир. Унинг устки ва ён томонларида игна тойиб кетмаслиги учун чуқурчалар ўйилган.

Зардўзликда барча жараёнлар қўлда бажариладиган чоклар орқали амалга оширилади, шунинг учун игналар ва уларни танлай билиш муҳим аҳамиятга эга.

#### **Зардўзликда асосан икки хил турдаги игналар ишлатилади:**

1. Тикиш ишлари учун 2 сонли игналар ишлатилади.

2. Безатиш ишлари учун эса 1 сонли игналар ишлатилади.

#### **Зардўзликда уч турдаги қайчилардан фойдаланилади:**

1. Нақшлар, гулларни қирқишда ишлатиладиган қайчи ўрдакбурун ва туябўйин қайчи. Бу қайчилар фақат гулларни қирқишда керак бўлади.

2. Пардозлашда керак бўладиган қайчилар. Бу қайчилар кичикроқ бўлиб, дастгоҳ устида ишлашда қулай.

3. Андоза бичишда керак бўладиган қайчилар. Бундай қайчилар каттароқ ва ўткирроқ бўлиши зарур.

Зардўзликда ишлатиладиган асбоб -ускуналар ўткир учли асбоблар бўлиб, улар билан ишлаганда эҳтиёт бўлиш ва техника хавфсизлиги қоидаларига катъий риоя қилиш зарур. Аввало, уларни сақлаш учун алоҳида мослама бўлиши даркор. Игналар билан ишлаётганда, албатта уларни игна кадагичларга қадаб қўйилади. Улардан фойдаланганда ангишвона кийиб олинади. Игнага ип ўтказганда ҳеч қачон уларни лаб орасида ушлаб турмаслик лозим. Нафас олаётганда ёки гапирмоқчи бўлганда улар бехосдан ичга кетиб қолиши мумкин. Қайчилар ҳам учи ўткир асбоблардан бири бўлиб, улардан нотўғи фойдаланиш ўзигагина эмас, балки атрофдагиларга ҳам зарар келтириши, иш сифатининг бузилишига, ишнинг тўхтаб қолишига олиб келиши мумкин.



Зар ишлардан фойдаланишдан илгари улар белгиланган чегарада узун қилиб олинади ва патилага 4 қават қилиб, яъни зар ўрайдиган чўпга ўралади. Зар ишлар тўғридан-тўғри патилага ўралмасдан, аввал оддий ип патилага маҳкам



килиб боғланади, сўнг шу ипга зар иплар уланади. Зар иплар тўғридан-тўғри патилага уланса, тезда узилиб кетиши мумкин. Зар ипларни ўраётганда уларнинг текис ўралашига эътибор бериш зарур. Кейин зар ип билан махсус картондан кесилган гуллар устидан тикиб чиқилади.

Бу босқичда ўқитувчи ўқув дастурига асосланиб талабаларга керакли билим доираси бўйича мавзуни тушунтиради ва талабалар маърузани асосий қисмларини дафтарига ёзиб оладилар.

**Изоҳ:** Янги мавзуни тушунтиришда янги ахборот технологияларидан фойдаланиб, талабалар ҳамкорлигида уларни фикрлаш учун йўлланмалар бериб ишлайди.

**V. Янги мавзуни мустаҳкамлаш.** Бу босқичда ўқитувчи талабаларнинг билим доирасини кенгайтириб, янги мавзуни мустаҳкамлаш учун кўйидаги усуллардан фойдаланилади.

➤ **Назорат саволларига жавоб бериш.**

**Ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш.**

Халқ амалий санъатининг қайси турларини биласиз?

Ж:Зардўзи, қуроқ, каштачилик, дўппидўзлик.

2.Зардўзликнинг келиб чиқиш ватани қайер ҳисобланади?

Ж:Барча шарқ мамлакатлари.

3.Қадимда зардўзлик қайерларда ишлатилган?

Ж:Вавилонда,Византияда, Рим империясида, иронда, шарқ мамлакатларида фақат императорлар ва аслзодалар учун тикилган.

4.Қандай зардўзи буюмларни биласиз?

Ж:Тўнлар, келинлар уст кийими, дўпписи, оёқ кийими, безак ёстиқлар, йелпиғичлар, чойнак ёпғич ҳокозолар.

5.Зардўзликда қандай иплардан фойдаланилади?

Ж:Рангли ва рангсиз зар иплар ишлатилади.

6. Зардўзликда қандай газламалардан фойдаланилади?

Ж: Бўз, чит, бархат, велур.

7. Буюмларни безаш учун нималар ишлатилади?

Ж: Мунчоқлар, пистонлар биссерлар безак ленталар.

### **Мавзу бўйича саволлар ва муаммоли масалалар:**

Халқ амалий санъатининг қайси турларини биласиз?

Зардўзликнинг келиб чиқиш ватани қайер ҳисобланади?

Қадимда зардўзлик қайерларда ишлатилган?

Қандай зардўзи буюмларни биласиз?

Зардўзликда қандай иплардан фойдаланилади?

Буюмларни безаш учун нималар ишлатилади?

Зардўзликда қандай газламалардан фойдаланилади?

Буюмларни безаш учун нималар ишлатилади?

Халқ амалий санъатида зардўзликни аҳамиятини айтиб беринг.

Зардўзликда керакли хом-ашёларни кетма-кетлигини ёзинг.

### **Красвордлар ечиш.**

#### **Бу меранг усулидаги саволлар.**

1. Зардўзлик санъатини биласизми?
2. Халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъатини тушунтиринг
3. Зардўзликда расм солиш ва нақш чизиш нима учун керак?
4. Зардўзликда нақшларни тушириш ва қирқиш нима учун керак?
5. Қирқилган нақшларни зар ип билан тикиш ва безатишни қандай амалга ошириш мумкин?

#### **v. Дарсни яқунлаш ва уйга вазифа бериш:**

Ўқитувчи янги ўтилган мавзу бўйича тушунмаган саволларга жавоб беради. Дарсни мустаҳкамлашдаги талабалар жавобини муҳокама қилиб,



талабалар билимини баҳолайди ва дарсни яқунлайди, яъни ўқув машғулотида фаол иштирок этган талабалар қайд этилади, рағбатлантирилади. Зардўзлик санъатига оид қўшимча ўқув материалларини ўқиб ўрганиш ва қисқача конспектлаштириш, амалий машғулот учун керакли воситаларни олиб келиш, зардўзлик дўконлари ёки устахоналари, зардўзи тикувчилар цехларига бориб зардўзлик нарсаларини, уларни тайёрлаш жараёнини яқиндан ўрганиш, расмлар коллекциясини яратиш ва ўз хулосаларини ёзма дафтарда баён этиш.

### **Мавзу бўйича мустақил таълим топшириқлари:**

- 1.Зардўзлик санъати тарихи, ривожланиши.
- 2.Зардўз усталари ва зардўзлик мактаблари.
- 3.Зардўзлик ишини ташкил қилиш.
- 4.Зардўзлик санъатига керакли жиҳоз ва мосламалари.
- 5.Зардўзлик махсулоти турлари.
- 6.Зардўзлик махсулотларини тикиш технологияси.

### **II - боб бўйича хулосалар**

Халқ ҳунарманчилиги санъати миллий кадриятларни, анъаналарни изчил ўрганиш, ривожлантириш ва такомиллаштирган ҳолда бойитиб бориш малака ва кўникмаларига асосланади, ёшларнинг тафаккури, тасавури, эстетик диди, эпчиллиги каби сифатларини, креативликни шакллантиришга ёрдам беради.

Креативлик – инсоннинг фикрлашида, ҳиссиётида, мулоқотда, фаолиятнинг алоҳида турларида намоён бўлувчи ижодий имконияти, қобилияти, шахсни бир бутунликда ёки унинг алоҳида томонларини, фаолияти ҳосиласини, уни яратиш жараёнини характерлайди. Индивиднинг оригинал хазинани яратувчи, ностандарт қарорни қабул қилувчи ички

хусусиятини акс эттирувчи қобилият. Креативлик истеъдоднинг муҳим ва нисбатан мустақил фактори сифатида қабул қилинади, у баъзан интеллект матнидаги академик ютуқларда намоён бўлади.

Ўқувчиларда инновацион креативликни шакллантиришнинг турли шакллари излаш ўқув юртларидаги ҳал қилинмаган муаммолардан биридир. Бу муаммо янги педагогик муаммоларни аниқлаш ва англаш, назария ва амалиёт таҳлилида танқид ва ўз-ўзини танқид, таълим, тарбия ва ўқувчи шахсини ривожлантиришда ностандарт йўللарни танлаш, услуб ва услубиётдаги доғмалардан воз кечиш билан характерланади.

Ўқувчиларда креативликликни шакллантиришнинг тўрт йўли, креатив шахснинг шаклланиш босқичлари, халқ ҳунармандчилигини ўрганиш жараёнида ўқувчиларда креативлик сифатларини ривожлантирувчи метод, восита ва технологияларни юқоридаги ўқувчиларда креативликни шакллантиришнинг тўртта йўлини уйғунликда қўлладик. Жумладан, Электрон алоқа технологиясида педагогик модератор воситасидан таълим-тарбия жараёнида таълим берувчи билан таълим олувчи ўртасидаги алоқани танлаб бериш, ёшлар орасида ўтказиладиган турли семинар, тренинг, анжуманлардаги ўзаро алоқаларда ҳам ундан самарали фойдаланилди.

Педагогик модератор ёрдамида ўқув машғулотларида замонавий таълим технологиялари қўлланилди. Жумладан, “Ассесмент технология”си қўлланилди.

Умумтаълим мактабларида “Технология” фанини ўқитишда халқ ҳунармандчилигининг турли соҳаларида қадимий анъаналарни замонавий тажриба ва янгиликлар билан уйғунлаштирган ҳолда ўқитиш, ўқувчиларда креативликни шакллантириш методикаси ишлаб чиқилди. Бунда, ўқитишнинг кўргазмали, амалий, репродуктив ва муаммоли изланиш, муаммоли вазият яратиш, индуктив ва дедуктив усуллари ҳамда таълим жараёнида ўқувчиларни рағбатлантириш ва танбеҳ бериш, ўқитишда назорат ва ўз-ўзини назорат қилиш усуллари самарали қўлланилди.

Тадқиқот ишида педагогик модератор фаолияти фанни ўқитиш жараёнига “Мустақил ҳаракатланиш” таълим мақсадини амалга оширишда қўлланилди. Ўқувчиларда креативликни шакллантиришнинг тўртта йўли белгилаб олинган ҳолда, мустақил режалаштирилган индивидуал иш Blended learning (аралаш ўқитиш) усули Case study (кейс стади) технологияси Кейс методи асосида дарс ўтишнинг фарқловчи хусусиятлари, эвристик ўқитиш методи, мультимедиа технологиялари, ижодий вазифаларни гуруҳ бўлиб ечиш методлари: “Дельфи” методи, “Қора қути” методи, “Кундалик тутиш” методи, “6-6” методлари, шунингдек, эвристик ўқитиш методи, ўқитишда назорат ва ўз-ўзини назорат қилиш усуллари, педагогик модератор ёрдамида ўқув машғулотларида замонавий таълим технологиялари қўлланилди.

## ХУЛОСАЛАР

Тадқиқот жараёнида олинган асосий натижалар қуйидагилардан иборат:

1. Фан ва техника тараққиёти ривожланган сари инсоннинг билим доираси янада кенгайиши, бир вақтнинг ўзида кенг қамровли билимларни ўрганиши, халқ хўжалигининг ҳар бир соҳаси учун ижодкор мутахассислар тайёрлашни тақозо этиши, креативликни шакллантириш эса умумтаълим мактабларида амалга оширилиши мақсадга мувофиқлиги асосланди.

2. Таълим-тарбия жараёнида ўқувчиларни когнитив, аффектив, психомотор, креатив шакллантиришга қаратилган таълим оловчилар шахсини ривожлантиришнинг илмий педагогик асослари, креатив ёндашув асосида ўқитиш тизимини ташкил этиш ёрдамида ўқувчиларда креативликни ривожлантириш йўллари ишлаб чиқилди.

3. Умумтаълимга креатив ёндашувни жорий этишнинг инновацион дидактик модели, компетентли мутахассисни шакллантириш механизми, креатив ёндашув асосида умумтаълим мактаблари ўқувчисининг келажак

фаолиятга тайёрлашда эришиладиган креативлик босқичлари ва креатив йўналтирилган ўқитишни ташкил этиш тизими ишлаб чиқилди.

4. Ўқувчиларнинг назарий ва амалий креативлик даражасини креатив ёндашув асосида оширишнинг педагогик-психологик шарт-шароитлари, таълим технологиясининг ташкилий шакллари (мустақил изланиш, лойиҳалаштириш, моделлаштириш) мазмуни, механизми ва ўқув-услубий таъминот такомиллаштирилди;

5. Таълимдаги янги инновацион ёндашувлардан бири бўлган креатив ёндашув асосида креатив йўналтирилган ўқитиш тизимини ташкил этишнинг инновацион, мотивацион, интеллектуал, ҳиссий, иродавий, амалий имкониятлари ҳамда креатив тафаккур, креатив фикрлашни кучайтириш, креатив қобилиятни ривожлантириш, ижодий потенциални рағбатлантириш фаолиятда муваффақиятга юқори натижаларга эришиш аниқланди.

6. Умумтаълим мактаблари 9-синф ўқувчиларида креативликни шакллантиришни такомиллаштиришга йўналтирилган тажриба-синов ишларида уларнинг назарий ва амалий креативлик даражаси, мустақил таълим ва аудиториядан ташқари таълимий-тарбиявий ишларни ташкил этишда креатив ёндашувни қўллаш, ўқувчиларнинг креативлигини ошириши илмий исботланди.

## **МЕТОДИК ТАВСИЯЛАР**

Умумтаълим мактаблари ўқувчиларида креативликни шакллантиришни янада такомиллаштириш мақсадида қуйидаги тавсиялар ҳавола этилади:

-таълим жараёнини креатив ёндашув асосида ривожлантиришнинг акмеологик, педагогик, психологик ҳамда методик жиҳатлари, назарий ва амалий асослари, ўқув ва услубий қўлланмалар, электрон манбаларни яратиш;

-креатив педагогика мазмунини янада такомиллаштириш, таълим олувчиларда мунтазам ўз устида ишлаш, мустақил фикр ва изланувчанликка, ўз-ўзини такомиллаштириш кўникмаси ҳосил қилиш, креатив қобилият,

креатив фикрлаш ва креатив йўналганликни ривожлантириш асосида мактаб битирувчиларининг юқори сифатлилигига эришиш;

-ўқув жараёнида педагогик ва психологик методлардан комплекс фойдаланиш, креатив технологияларни самарали қўллаш натижасида фанни ўзлаштиришнинг юқори даражаси, ўқувчининг креативлигини ривожлантиришга эришишини таъминлаш;

-таълим олувчиларни креатив ёндашув асосида келажак фаолиятга тайёрлаш концепциясини ҳар бир мактабнинг ички тузилмаси ва келажак режалари асосида амалга оширилиши мақсадга мувофиқ.

## **ГЛОССАРИЙ** (атамаларнинг изоҳлари)

**Аракчин** – шарсимон дўппи, уни асосан кексалар кияди.

**Ахта** – нақш ёки бирор расмни шаффоф (калька) қоғозига чизиб, чизик йўллари билан тешиб, буюм изига тушириш учун тайёрланган андаза.

**Банд** – нақшлардаги ўсимлик ва дарахт новдасини ифодаловчи йўл.

**Бофта** – таноб айланиб ўтиб ҳосил қилган шакл, ислимий нақш элементи.

**Бодбезаги зардўзи** - зардўзи елпиғич ҳам уй-рўзғорда ишлатилади ёки ундан совға сифатида фойдаланилади.

**Боғлом ва сиртмоқ** – ўсимликсимон нақш элементи.

**Беркович** (беркун, болхун, карноватка, пестер, пещур) - катта сават, молга овқат ташиш учун мўлжалланган

**Билакузуклар** – аёллар ҳамда эркакларнинг қўлига тақиш учун безак ёки кундалик ҳаёт учун керакли ашё.

**Габион** (тур) - тубсиз сават, ёр ёки бошқа бир нарса юилан тўлдирилиб инсонларни ўқлардан асраш учун мўлжалланган.

**Гондола** - оддий сават, тол ва қамич толаларидан тайёрланган бўлиб, тўртбурчак шаклда, аэростатларда йўловчиларни, темир-терсақларни ва ускуналарни бошқаришни жойлаш учун мўлжалланган.

**Гилям** – жун, ипак ва пахта тўқимасидан тўқилган бадиий текстиль маҳсулот

**Гирих** – форсча, чигал, тугун деган маънони англатади.

**Гул** – табиатдаги наққошлар томонидан стиллаштириб олинган тасвири.

**Гулдўзи** – бунда тикилаётган нақшнинг таги очиқ қолиб фақат гул нақшларнинг ўзи зар билан тикилади.

**Декоратив** – амалий санъатнинг муваффақиятли ривожининг зарурий омили бўлиб, манзарали, зийнатли демақдир.

**Дўппи** – Ўзбекистонда кенг тарқалган енгил бош кийим.

**Жардиньерка** - гуллар учун сават.

**Жойнамоз** – ерга солиб устида намоз ўқийдиган тўшама.

**Заминдўзи** – бунда зар тикилаётган кийим ёки кийим гулнақшнинг замини ёппасига зар билан тикилади.

**Зардевор** – уй жихози. У сидирга шойи бахмал, сатинга кашта тикиб безатилган бадиий буюм.

**Зашкирлар** – аёллар ва эркаклар бўйнига осиш учун мўлжалланган, турли тўқималардаги бирикма элементлар шодаси.

**Зирак** - заргарлик маҳсулотларининг ичида энг кенг тарқалган тури, кулоқлар учун мўлжалланган. Бу тақинчоқ жуфт ҳолатда ишлаб чиқарилади.

**Зебигардон** – аёлларнинг бўйнига тақиш учун мўлжалланган тақинчоқ.

**Измаг** – хотин-қизларнинг айрим қимматбаҳо кўйлақларида ишлатилади. Унинг ўзига хос томони шундаки, зардўзлар зарни тежаш мақсадида юзага келган усулдир. У жуда зич ҳамда нафис тикилганлигидан мато кўзга ташланиб турмайди.

**Ихтиёрий чоклар** – олдиндан чизилган контур бўйлаб тикиладиган чоклар.

**Корошня** (крбшни, коза, елка хамёни, ёки хамёни, сават, пестер) – сомон учун сават.

**Кошель** - юмшоқ букилувчан сават.

**Кирпеч** – кирпуш, токчага тахлаб қўйилган кийим-кечак устидан ёки деворни вертикал бўш жойларига илиб, уйни безатиб туриши учун ишлатиладиган бадий буюм.

**Кулонлар** – аёлларнинг (эркакларнинг) кўкрагига ёки бўйнига мўлжалланган такинчок; занжирга ёки бирон бир бўйинбоққа осилиб такилади.

**Кулоҳ** – конуссимон бош кийим. У асосан дарвешлар қалпоғи.

**Кўсагар лой** - патлой ёки товоқ лой деб ҳам юритилади.

**Кўзхона** – тош ўрнатиш учун тайёрланган гардиш.

**Лукошко** - кичкина толачалардан тайёрланган қўл савати, мева қўзиқорин йиғиш учун мўлжалланган.

**Мумтоз архитектура** – қурилиш санъати дурдоналари.

**Намоён** - тугал нақш композиция.

**Нақш** – арабча тасвир, гул деган маънони англатади.

**Палак** - деворларга илинадиган энг йирик, энг қиммат безак буюмларидан бири.

**Пестер** (пестер, пестеря, пестерюга, пехтер, пихтер) — катта узун бўйли сават, асосан мол учун сомон ва енгил ем ташиш учун мўлжалланган.

**Пулакчадўзи** – пулакча қизил, оқ, кўк, сариқ, яшил, ҳаворанг бўлади. У Россия зардўзлигига хос материал.

**Руга** - хошия нақш.

**Сават** - сўзнинг маъноси ҳозирги кунда бир нечта маънога эга, классик ифода эса бир дастали идиш, унда нарсаларни асраш ёки ташиш қулай.

**Санама чоклар** – газлама ипини санаб тикиладиган чоклар.

**Сўзана** – форсча сўзана деб ҳам юритилади. Игна билан тикилган деган маънони беради.

**Сочмадўзи** – иккиқават зар ва бир қават майин ипак билан бирга қўшиб эшилади ҳамда лола, барга гуллар каби тикилади. Ҳар гал сочма тикилганда зар билан ипак биргаликда албатта ўртага қилиб эшилиши лозим.

**Сысяк** (сысяк бессараб.тилидан) — тўқилган сават, маккажўҳори сақлаш учун мўлжалланган сават.

**Таноб** – арабча чилвир, арқон деган маънони беради.

**Тус дўппи** – кенг тарқалган ясси юзали дўппи. Кўпинча тус дўппи чуст дўппи билан юритилади.

**Узук** – заргарлик маҳсулотларининг ичида энг кенг тарқалган тури, бармоқлар учун мўлжалланган.

**Шохча** – заминдўзининг бир тури бўлиб, шохлар ажойиб кўринишда тасвирланиб, у дўппилар атроф гирдига тикилади.

**Шинка** – бармоққа киритилувчи халқа.

**Шона халтаи зардўзи** - бу буюм қадимда ичига тароқ, ойна ва бошқа буюмлар солиш учун тикилган.

**Ғилофи зардўзи** - зардўзи ғилоф пичоқ, қайчи, кўзойнак ва бошқа буюмлар учун тикилади.

**Чойшаб** – форсча-тожикча руйжо – тун чодирини деган маънони билдиради.

**Чойнакпўшаки зардўзи** - зардўзи чойнакқопқоқ бугунги кунда ҳам уй-рўзғорда ишлатилади.



## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

### 1. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги “Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5242-сонли Фармони. [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2019 йил 28 ноябрдаги қарори. [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ID-9426-сонли қарори. [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2019 йил 28 ноябрдаги қарори. [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2017 йил 6 апрелдаги 187-сонли қарори. [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

### 2. Монография, илмий мақола, патент, илмий тўпламлар

6. Арипджанова Альфия Равильевна Развития креативного потенциала педагогов высших образовательных учреждений в условиях дис. ...пед. фан. ном. –Т.: 2017. -194 б.,
7. Алавуединова Надира Ганиевна Она тили дарсларида ижодий фикрдлаш кўникмасини шакллантириш методикаси (5-синф мисолида)дис. ...пед. фан. ном. –Т.: 2008. -194 б
8. Бабаджанов Салоҳиддин Сабитджанович. Педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг медиакомпетентлигини ривожлантириш Авторефер. дис. ...пед. фан. ном. –Т.: 2005. -24 б.,
9. Biggs, J. B. (1992). Why and How do Hong Kong Students learn? Using the Learning and Study Process Questionnaires.Education Paper No 14.Faculty of Education, The University of Hong-Kong.
10. Жўраев Р.Х. и др. Интерактивный комплекс в образовательном процессе. Монография. – Т.: Шарқ, 2011. – 268 с.
11. Жалолова Дилафрўз Фаттоховна Махсус фанларни ўқитишда ўқувчиларнинг мустақил ва ижодий фаолиятларини ривожлантириш дис. ...пед. фан. ном. –Т.: 2009. -198 б.,

12. Иванов И.П. Развитие творческого мышления студентов в условиях проблемно-деятельностного обучения: дис....канд. пед. наук: 13.00.08: Ставрополь, 2002. 170 с.
13. Ибрагимова Гулсанам Нематовна. Интерфаол ўқитиш методлари ва технологиялари асосида талабаларнинг креативлик қобилиятларини ривожлантириш. дис. ...пед. фан. ном. –Т.: 2017. -194 б.,
14. Муслимов Н.А., ва бошқалар. Касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантириш технологияси/ Монография. – Т.: “Фан ва технология” нашриёти, 2013.
15. Назарова Барно Алижон қизи. Бўлажак ўқитувчиларда креатив ёндашув асосида тадқиқотчилик лаёқатини тарбиялаш Авторефер. дис. ...пед. фан. ном. –Т.: 2018. -44 б.
16. Нишоналиев У. Инновационные педагогические технологии обучения и развития /В сб. «Актуальные вопросы профессионального воспитания молодежи». – Алматы: Респ. издат. каб. казахск. акад. образования им. И.Алтынсарина, 2000. – 235-259 б.
17. Нишанова С. Воспитание совершенного человека в развитии педагогической мысли эпохи возрождения Востока: Пед. фанлари докт. дисс. автореф. – Т., 1998. – 37 б.
18. Олимов Қ.Т. Махсус фанлардан ўқув адабиётлари янги авлодини яратишнинг назарий-услубий асослари. Авторефер. дис. ...пед. фан. док. –Т.: 2005. -44 б.
19. Оғаев С. Янги педагогик технология-ҳаётини эҳтиёж. Халқ таълими журнали, 2001, №3, 69-71 б.
20. Oech R. Awhach on the Side of the Head: How to Unlock your Mind for innovation Menlo Park // Calif. Creative think, 1983. V. XVII. P. 141
21. Овчаров С.М. Андрагогические принципы развития креативности учителей информатики в системе последипломного педагогического образования // Вектор науки ТГУ. Серия: Педагогика, психология. 2013. №2 (13). С. 233.
22. Файзуллаева Н. Педагогик билимлар – ўқитувчи касбий маҳоратининг назарий асоси //Uzluksiz ta’lim ж. – Т.: 2006. 6-сон. – 102-б. – Т.: ЎзПФТИ, 1999.
23. Якубова М.Ю. Умумтаълим мактаблари ўқувчиларида креативликни такомиллаштириш/ Муғаллим-республика илмий-амалий журнали, 2020 йил. 1/1-сон, . –Б. 69-71 (ISSN 2181- 7138)
24. Якубова М.Ю. Халқ хунармандчилигини ўрганишда ўқувчиларда креативликни шакллантириш йўллари // “Мақтаб ва ҳаёт” Республика илмий методик журнали 2020, №1, (ISSN 2010-5460) .-30-31 б.
25. Yakubova M.Yu. Media-educational-technological teaching method Organised by Samarkand Regional Center for Retraining and Advanced Training of Public Education Staff Samarkand, Uzbekistan ISSN: 2581 -4230 In Association with Novateur Publication India's June 18th & 19th, 2020. page № 314-317

26. Yakubova M.Yu. The odern pedagogical technologies use Web of Scientist: International Scientific Reseaech Journal volume 2, issue 5, may-2021 issn: 2776-0979 Impact Factor: 7.565. 811-816 б.
27. Якубова М.Ю. Таълим-тарбия жараёнида креатив ёндашувнинг долзарблиги ва унинг аҳамияти. Халқ таълими Республика илмий-методик журнали, 06.2020 йил 3-сон. –Б. 84-88. (ISSN 2181- 7839)
28. Якубова М.Ю. Умумтаълим мактаблари ўқувчиларида креативликни шакллантиришнинг жихатлари.Science and education Journal (ARES), (ISSN:2181-1385 ) volume 1 issue 3 [www.ares.uz](http://www.ares.uz) 11.2020 й. 1057-1062 б.
29. Якубова М.Ю. Креатив педагогика замонавий педагогиканинг устувор йўналиши сифатида / Scientific Journal Impact Factor (ARES)Ю,(ISSN 2181-1385) volume 2 | issue 6 | 2021 (SJIF) 5.723 1139-1143 б.
30. Якубова М.Ю. Methods of improving creativity in secondary school students on the example of “ Technological education”// [SCOPUS](http://www.scopus.com) Ilkogretim Online - Elementary Education Online, Year; Vol 20 (Issue 4): pp. 1981-1986 <http://ilkogretim-online.org> doi: 10.17051/ilkonline.2021.04.224
31. Якубова М.Ю. Миллий хунармандчилик ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилишнинг педагогик асослари / Таълимдаги инновациялар ва ислохотлар контекстида замонавий кластер тизими: муаммолар, ёндашувлар ва истиқболлар. 2019 й. 73 б.
32. Якубова М.Ю. Кадирова Х., Курбанова М. Креатив педагогика асосида ижодкор шахсни шакллантириш / Муқимий номидоги ҚДПИ Ўзбек тили ва адабиёти факультети “Филологиянинг долзарб масалалари” мавзусидаги Республика илмий-услубий анжумани материаллари 04.2020 й. 2-китоб 271-272 Б
33. Якубова М.Ю, Эрназарова Г.О. “Мактаб-лаборатория” педагогик таълим инновацион кластери шароитида чет тилини ўқитишни ташкил этиш / АНДУ чет тиллар факультети “Мактабгача таълим муассасаларида, умумтаълим мактабларида ва олий таълим муассасаларида чет тиллар ўқитишнинг узвийлиги” халқаро онлайн илмий-амалий анжуман материаллари.0.5.2020 й.348-49 б.
34. Якубова М.Ю.Педагогнинг креативлик потенциали даражасини аниқловчи мезонлар /Нукус конференция “Фан ва техника ютуқларини таълим тизимига жорий қилиш муаммолари” мавзусидаги Республика илмий-амалий анжуман (20.05.2020 й) 82-84 б.
35. Якубова М.Ю. Таълимда инновацион-кластер ёндашувини амалга ошириш “Замонавий таълим ва тарбия: муаммолар, ечимлар ва ривожланиш истиқболлари Республика илмий анжумани материаллари туплами. Термиз: 2021 й. 442 б. 107-110 б.
36. Якубова М.Ю, Султанов Г. Ш. Таълимга инновацион ёндошиш / XXI аср таълим тизимида инновацион ва интеграцион ёндашувлар, Жиззах вилояти

халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий марказида халқаро илмий-амалий конференция, 2021 йил, 104-107 б.

37. Якубова М.Ю. Technology of folk crafts / 6th International Multidisciplinary Scientific Conference on Innovative Technology San Francisco, USA March, 31st 2021 conferencepublication.com №-30-31

38. Якубова М.Ю, Эрназарова Г.О. Талабаларда креатив тафаккурни шакллантиришнинг педагогик асослари / Педагогические и лингво-психологические особенности развития, формирования и становления личности врача, сборник тезисов Международной конференции, Самарканд, 25.05.2021 г. 198-199 стр.

39. Якубова М.Ю. Облакулов Ш.Д. Таълимда креатив ёндашувни ривожлантириш зарурати / “Та’лимда kreativ yondashuv yo’llarini rivojlantirishning dolzarb masalalari” mavzusidagi Respublika ilmiy-amaliy ON-LINE konferensiya materiallari Jizzax: 2021 yil 93-95 б.

40. Якубова М.Ю. Таълим технологияларини қўллаш асосида “Технология” фанини ўқитиш. Ўқув-услубий қўлланма. –Т.: -127 б. ( 27.03.2021. ТВЧДПИ № 11-буйруғи сонли )

41. Қўйсинов О.А. Компетентли ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий-педагогик ижодкорлигини ривожлантириш технологиялари. Авторефер. дис. ...пед. фан. док. –Т.: 2019. -44 б.

### 3. Фойдаланилган бошқа адабиётлар.

42. Абу Райҳон Бериуний [“Жавохирот китоби”](#). Тошкент, 1991. 12-бет

43. Азизхўжаева Н.Н. Ўқитувчи мутахассислигига тайёрлаш технологияси– Т.: ТДПУ, 2000.

44. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. – Т.: ТДПУ, 2003

45. Башина Т.Ф., Ильин Е.П. Психология творчества, креативности, одаренности. – СПб.: Питер, 2009.

46. Беспалько В.П. Педагогика и прогрессивные технологии обучения. М.: Изд. Института профессионального образования Министерства образования России, 1995.

47. Беспалько В.П. Персонифицированное образование. ”Педагогика”, 1998, №26, с.12-17.

48. Барышева Т.А., Жигалов Ю.А. Психолого-педагогические основы развития креативности. – СПб.: СПГУТД, 2006.

49. Башина Т.Ф., Ильин Е.П. Психология творчества, креативности, одаренности. – СПб.: Питер,

50. Борытько Н.М. Пространство воспитания: образ бытия. Волгоград, 2000.
51. Булатов С.С. Ўзбек халқ амалий безак санъати. Т.: Меҳнат 1991.
52. Виленский М.Я., С.Н. Бегидова. Профессионально-творческое развитие личности специалиста физической культуры и спорта в процессе обучения. М.;Иркутск, 2004. 213 с.
53. Гуревич П.С. Психология и педагогика. – М.: Проект, 2004
54. Джураев Р.Ҳ. ва бошқ. Педагогика. – Тошкент, 2013. – Б. 64.
55. Drapeau Patti. Sparking student creativity (practical ways to promote innovative thinking and problem solving). – Alexandria – Virginia, USA: ASCD, 2014.
56. Жабборова Д. Зардўзлик технологияси фанини ўқитиш услубияти. Т.: «ARNAPRINT», 2005.
57. Егоров Ю.Л. Современное образование: гуманитаризация, компьютеризация, духовность. М., 1996.
58. Ермолин А. Навигатор третьего тысячелетия, или Как стать разведчиком. Опыт создания демократической системы воспитания. М., 2004.
59. Жабборов И.. Ўзбеклар Т. Шарк. 2008 й 214-бет
60. Зиёмухаммадов Б., Абдуллаева Ш. Илғор педагогик технология: Назария ва амалиёт «Маънавият асослари» дарси асосида ишланган услубий кўлланма. - Т.: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2001.
61. Зиёмухаммедов Б. Педагогик махорат асослари. Ўқув кўлл.-Т.: ТИ БКИТ ОБ, 2009. -183 б.
62. Zhang, L. (2004). Learning approaches and career personality types: Biggs and Holland united. *Personality and Individual Differences*, 37,65–81.
63. Инновацион таълим технологиялари /Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Ҳ., Сайфулов Д.М., Тўраев А.Б. – Т.: “Сано стандарт” нашриёти, 2015. – 81-б.
64. Ишмухаммедов Р.Ж. Инноватсия технологиялари ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари. – Т.: ТДПУ, 2004.
65. Ишмухаммедов Р.Ж. “Инновацион таълим технологиялари” -Т.-2008 й
66. Интерфаол методлар: моҳияти ва кўлланилиши / Мет.кўл. Д.Рўзиева,
67. Ишмухаммедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А., Таълимда инновацион технологиялар -Т.: Истеъдод, 2008. -180 б.
68. Иноятов.У.И., Муслимов.Н.А., М.Усмонбоева.М., Д.Иноғомова. Д. Педагогика: 1000 та саволга 1000 та жавоб / Методик кўлланма– Т.: Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, 2012. – 193 б.
69. Колеченко А.К. Энциклопедия педагогических технологий. М, 2003.
70. Кочетов А.И. Организация самовоспитания школьников. Минск, 1990.
71. Коменский Я.А. Буюк дидактика. –Тошкент: Ўқитувчи, 1970. -430 б.
72. Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. –Тошкент: Ёзувчи, 1996. 272 б.

73. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. –Тошкент: Ўзбекистон, 1996.
74. Кларин В.М. Педагогическая технология в учебном процессе. – М.: Знание, 1989.
75. Колеченко А.К. Энциклопедия педагогических технологий. М., 2003.
76. Қосимов.А.Х., Ф.А.Ҳоликова.Ф.А. Педагогик маҳорат ва педагогик технологиялар / Маърузалар матни Туз.: – Т.: ТАТУ, 2004.
77. Ларнер И.Я. Внимание к технологии обучения. – М.: Педагогика, 1990.
78. Лапин Н.И. Теория и практика инноватики: учеб. Пособие. – М.: Университетская книга, 2008. – 328 с.
79. Магзумов П.Т. Ўқувчиларни меҳнатга ва касб танлашга тайёрлаш. –Т.: Ўқитувчи, 1991, 206 б.
80. Мунавваров А.Қ. умумий таҳрири остида. / Педагогика. -Т.:”Ўқитувчи”, 1996. – 200 б.
81. Мирзаахмедов М, Эргашев С. Ёғоч ўймакорлиги. Т.: Ўқитувчи, 1995.
82. Меҳнат таълими фанидан ўқув дастури. Т.: РТМ, 2006.
83. Меҳнат таълими фанидан янги таҳрирдаги ДТС. Т.: РТМ, 2006.
84. Меҳнат таълими ўқув фанидан МСНИларни ўтказиш бўйича тавсиялар (5-7-синф). Т.: РТМ, 2006. 1.Булатов С.С. Ўзбек халқ амалий безак санъати. Т.: Меҳнат 1991.
85. Молчанов Л.А. Школьникам – о памятниках истории Великой отечественной войны. – М., 1999. – 121 б.
86. Морева Н. Тренинг педагогического общения: Учеб. пособие. М., 2004.
87. Маслоу А. Мотивация и личность. СПб.: Питер, 2003. 352 с.
88. Найд А.Я. Теоретические основы рефлексивного управления образовательным учреждением. Монография. – Челябинск: Уральская Академия, 2014. – 292 с.
89. Очилов М. Янги педагогик технологиялар. - Қарши: Насаф, 2000.
90. Олимов Қ.Т., Ашурова С.Ю. “Замонавий таълим технологиялари” Тошкент-2007 87 б.
91. Овчаров С.М., Овчарова К.В. Интегровані уроки – креативні учні. Полтава, 2012. 72 с.
92. Педагогика назарияси /ОТМ учун дарслик. Муал.: М.Х.Тохтаходжаева ва б. Проф. М.Х.Тохтаходжаеванинг умумий таҳрири остида. – Т.: “Iqtisod-moіya”, 2010. – 136-140-б.
93. Педагогический энциклопедический словарь / гл. ред. Б.М. Бим-Бад. – М.: Большая Российская энциклопедия, 2002. – 528 с.
94. Подласый И.П. Продуктивная педагогика. М., 2003.
95. Посталюк Н.Ю. Педагогика сотрудничества: Путь к успеху: Учеб. пособие. Казань, 1992.
96. Пронина Е.Н., Лукашевич В.В. Психология и педагогика. Учебник. –М.: Элит, 2004.

97. Розиков О., Оғаев С., Маҳмудов М., Адизов Б. Таълим технологияси. – Т.: Ўқитувчи, 1999.
98. Рўзиева Д., Усмонбоева М., Ҳолиқова З. Интерфаол методлар: моҳияти ва қўлланилиши / Мет.қўлл. – Т.: Низомий номли ДТПУ, 2013. – 115 б.
99. Сайидахмедов Н. Педагогик маҳорат ва педагогик технология. – Т.: ОПИ, 2003.
100. Султонова Г.А. Педагогик маҳорат. – Тошкент: Низомий номидаги ТДПУ, 2005.
101. Сиротюк Ф.С. Диагностика одарённости / Учеб.пособие. – М.: Директ-Медиа, 2014. – 1229 с.
102. Сайидахмедов Н. Янги педагогик технологиялар. – Т.: Молия, 2003.
103. Слостенин В.А., Исаев И.Ф. и др. Педагогика. – М.: Школьная пресса, 2002. -242 с
104. Слостенин В.А., Каширин В.П. Психология и педагогика. М.: Академия, 2001.480 с.
105. Сайидахмедов Н. Педагогик маҳорат ва педагогик технология. – Т.: Олий педагогика институти, 2003.
106. Султонова Г.А. Педагогик маҳорат. – Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2005.
107. Сиротюк Ф.С. Диагностика одарённости / Учеб.пособие. – М.: Директ-Медиа, 2014. – 1229 с.
108. Селевко Г.К., Селевко А.Г. Социально-воспитательные технологии. М., 2004.
109. Современные технологии обучения и воспитания в школе и вузе. Астрахань, 1996.
110. Совершенствование образовательно-воспитательного процесса в школе и вузе: Сб. науч. трудов. Тверь, 2000.
111. Смирнова. С.А. Педагогика. Педагогические теории системы, технологии. Под.ред. – М.: Академия, 2004
112. Смирнов С.Д. Педагогика и психология высшего образования: от деятельности к личности. М.: Академия, 2005. 394 с.
113. Смирнова. С.А. Педагогика. Педагогические теории системы, технологии. Под.ред. – М.: Академия, 2004.
114. Torrance E.P. Creativity and futurism in education: Retooling // Education. 1980. Vol.100. P. 298-311.
115. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари. – Т.: Фан, 2006.
116. Толипов Ў.Қ., Усмонбоева М. Педагогик технология: назария ва амалиёт. – Т.: “Фан”, 2005.
117. Турдиева М. Олий таълим муассасалари талабаларида педагогик тафаккурни шакллантириш. – Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2008. – 38-42-б.
118. Теория и вариативные технологии гуманистического обучения и воспитания. Рязань, 1998.

1980. Vol.100. P. 298-311.

119. Турдиева М. Олий таълим муассасалари талабаларида педагогик тафаккурни шакллантириш. – Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2008. – 38-42-б.
120. Талызина Н. Ф. Педагогическая психология /Н. Ф. Талызина. М.: Издат. центр «Академия», 1998. - 288 с.
121. Утёмов В.В., Зинковкина М.М., Горев П.М. Педагогика креативности: прикладной курс научного творчества / Учеб.пособие. – Киров: АНОО “Межрегиональный ЦИТО”, 2013. – 212 с.
122. Файзуллаева Н. Педагогик билимлар – ўқитувчи касбий маҳоратининг назарий асоси //Uzluksiz ta’lim ж. – Т.: 2006. 6-сон. – 102-б.
123. Фарберман Б.Л. Илғор педагогик технологиялар. – Т.: Фан, 2000.
124. Фарберман Б.Л., Мусина Р.Т., Жумабоева Ф.А. Олий ўқув юртларида ўқитишнинг замонавий усуллари. – Т., 2002.
125. Furnham, A., Chamorro-Premuzic, T., & McDougall, F. (2003). Personality, cognitive ability, and beliefs about intelligence as predictors of academic performance. *Learning and Individual Differences*, 14, 47–64.
126. Хасанов Р. Амалий безак санъати методикаси. – Т.; Тошкент, 2003.
127. Хуторский. А.В «Педагогическая инноватика – рычаг образования» // Интернет-журнал «Эйдос». Электронный ресурс: <http://www.eidos.ru/journal/2005/0910-19.htm>
128. Chamorro-Premuzic, T., & Furnham, A. (2003). Personality predicts academic performance: Evidence from two longitudinal studies on British University students. *Journal of Research in Personality*, 37, 319–338.
129. Шаталов. В.Ф Соцветие талантов. Книга 1 и 2. Издательство Школа Шаталова: – Москва, 2002. Книга 1. – 380 стр., книга 2. – 352 стр.
130. Шермухамедов.Р.С, Парпиева.М.М, Шарипова.Г.С, “Халк хунармандчили”. Дарслик. – Т.: ТКТИ , 2020 22- 27 б.
131. Эрназарова Г.О. Педагогик маҳорат. Ўқув қўлланма. –Т.: ТТЕСИ. 2021 й. -270 б.
132. Эрназарова Г.О. “Касб таълими методикасига доир билимларни мустақил ривожлантириш” услубий- қўлланма. Навоий, 2015 й, -105 б
133. Ўролов А.С. Мўжиза яратиш санъати. Т.: Мехнат 1996.
134. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” Тошкент, 2006, 2-жилд, (217-218-бетлар).
135. Қосимов.А.Х., Ҳоликова.Ф.А., Педагогик маҳорат ва педагогик технологиялар / Маърузалар матни Туз.: – Т.: ТАТУ, 2004.

### Электрон манбалар:

136. <http://www.uiniti.msk.ru> - Умумроссия илмий ва техник ахборотлар институтининг сервери.
137. <http://mcit.aris.ru> - Халқаро технологияларининг Москва бўлими Маркази сервери.
138. <http://www.library.fa.ru> – РФ ҳукумати қошидаги МА кутубхонаси сервери.



139. <http://www.spb.runnet.ru> - Илмий-техникавий ахборотлар Санкт-Петербург Марказининг сервери.
140. <http://sunny.ccas.ru/library.html> - Жаҳон кутубхоналари сервери.
141. <http://www.lrl.da.ru> - Замонавий дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва тарқатиш билан шуғулланувчи АҚШ Microsoft фирмасининг сервери (рус тилида).
142. <http://www.infotel.ru> - Замонавий техник воситаларини ишлаб чиқиш ва тарқатиш билан шуғулланувчи АҚШ Intel фирмасининг сервери.
143. The World Bank (<http://www.worldbank.org/>)
144. Organization of Economic Cooperation and Development (OECD) (<http://www.oecdwash.org/>)
145. Syllabus Magazine <http://www.syllabus.com/syllsub.html>
146. [www.assist.ru](http://www.assist.ru)
147. [www.cyberplat.ru](http://www.cyberplat.ru)
148. [www.libertarium.ru](http://www.libertarium.ru)
149. [www.lawer.spb.ru](http://www.lawer.spb.ru)
150. [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
151. [www.webmoney.ru](http://www.webmoney.ru)
152. <http://sunny.ccas.ru/library.html> – Jahon kutubxonalarini serveri.
153. <http://www.mesi.ru> – Moskva iqtisodiyot, statistika va informatika universitetining serveri.
154. <http://www.uzsci.net> – O‘zbekiston Respublikasi Fanlar Akademiyasi qoshidagi O‘zbek Ilmiy va Maorif tarmog‘ining serveri.
155. [www.ictcouncil.gov.uz](http://www.ictcouncil.gov.uz) - Kompyuterlashtirishni rivojlantirish bo‘yicha Vazirlar Mahkamasi muvofiqlashtiruvchi Kengashining sayti.

**Якубова М.Ю.**

**УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИДА**

**КРЕАТИВЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШ**

**ТИПОГРАФИЯ: «Х/К TEMUR LUCK PRINT»,**

**2022. – 136 бет**